

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

НАММПИ

**С. Т. Турғунов, И. Раҳимов,
Ж. Нодиров**

ПЕДАГОГИКА

(муаммоли маърузалар матни)



Наманган - 2005й

Ушбу маърузаларнинг мавзуномаси учун 5140900 касбий педагогик тайёргарлик йўналишларининг Давлат стандарти ва мазкур стандартга асосан тузилган, институт илмий кенгаши томонидан тасдиқланган муваққат дастур асос қилиб олинди.

Такризчилар:

НамМПИ нинг педагогика ва педагогик технологиялар кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди **Қ.Ишматов.**

НамДУ нинг умумтехник фанлар кафедраси мудири, п.ф.н., доцент **С. Абдуллаев.**

Ушбу маърузалар матни Наманган муҳандислик-педагогика институтининг ўқув-методик кенгашида муҳокама қилинган (2006 й 31 июн №9 м.б.) ва талабалар томонидан фойдаланиш учун нашрга тавсия этилган (рўйхат рақами N 36).

Илмий муҳаррир - п.ф.н., доцент Ш. Абдурахмонов

С Ў З Б О Ш И

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб ўтган қисқа вақт ичида ўзбек халқи сиёсий - ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда катта ютуқларга эришди; ўз тарихига янгича тафаккур асосида ёндошиш, улуғ аجدодлар қолдирган бой маданий, маънавий меросни ўрганиш шарафига муяссар бўлди, миллий ғурури қайта тикланди; республикада илм-фан, жумладан педагогика фани янги тараққиёт босқичига кўтарилмоқда; ўтмишдаги педагогик тафаккур даҳоларининг шухратини тиклаш, уларнинг ғояларини халқ ҳаётига тадбиқ этишдек улуғ ишлар амалга оширилмоқда.

Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб, одамлар у ёки бу шакл ва мазмунда фарзандлари тарбияси билан шуғулланганлар. Ибтидоий жамоа даврида бу жараён баъзан онгли, гоҳида эса онгсиз равишда кечган бўлиши мумкин. Қандай бўлишидан қатъий назар, тарбия усуллари муттасил давом этаверган. Улар даврлар ўтиши, ҳаёт ва турмушнинг мураккаблашиши натижасида тобора чуқурроқ ва кенг маъно касб эта борган.

Тарбия бериш деганда, кимнидир махсус бир хонага ўтқазиб, фақат панд-насихат беришни эмас, балки ўйин давомида, уй юмушлари жараёнида, таълим ва илм ўргатиш вақтида ҳаёт ва турмуш сабоқларини қиёсий йўсинда тушунтиришни, қолаверса, шахсий ўрнатилган кўрсатиш одатини тушунмоқ ва билмоқ лозим. Шу омиллар бир-бири билан қўшиб олиб борилиши керак.

Инсон асосан, икки йўл билан тарбияланиши мумкин: бировнинг беъвосита таъсири, яъни ўргатиши, шунингдек, донолар фикрлари, ўғитлари ва асарларини ўқиш орқали; инсон ўзининг фикрлаши, одамлар ҳатти-ҳаракатидан, қилган ва қилаётган ишларидан тегишли хулосалар чиқариб олиши; энг қудратлиси - тафаккури воситасида тарбияланиши мумкин.

Асримизнинг бошларида Абдулла Авлоний «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот» ё халокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир- деган эди. Бу фикр ҳозирда демократик жамият кураётган, келажақда буюк давлат барпо қилиш ниятида бўлган Ўзбекистон Республикаси учун алоҳида аҳамият касб этади.

Тарбияни социал (ижтимоий) маънода олиб қаралганда бутун тузум ва атроф муҳитнинг инсонга тарбиявий таъсири тушунилади.

Педагогик маънодаги тарбия деганда умуман ўқув-тарбия тизимида ёки алоҳида олинган бир ўқув-тарбия муассасасида амалга ошириладиган, маълум мақсадга йўналтирилган тарбиявий жараён тушунилади. Жузъий педагогик маънодаги тарбия деганда махсус тарбиявий тадбирлар, сифатлар ва дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ жараён тушунилади. Янада торроқ маънодаги тарбия маълум тарбиявий масалани ечиш билан боғлиқ бўлган ахлоқий сифатлар, дид ва эстетик тушунчаларни шакллантиришни англатади.

Кенг педагогик маънодаги тарбия маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, жамият томонидан тайёрланган, ажратилган кишилар ёхуд ўқитувчилар ёки тарбиячилар томонидан амалга оширилади ва турли хилдаги ўқув машғулотлари, махсус ўтказиладиган бир қатор тарбиявий тадбирларни ўз ичига олади.

Кўпчилик олиму фузалолар тарбия деганда фақат болага тарбия беришни тушунадилар. Бизнингча, бу анча тор тушунчадир. Чунки тарбияга фақат болалар

эмас, балки катталар ҳам мухтождирлар. Ҳозирги кунда эса айрим йигит-қизлар, шунингдек ёши улардан ҳам улуғлар одоб-ахлоқ ақидаларига зид иш тутадилар. Бунга далиллар кўп топилади.

Демак, педагогика инсонни гўдаклигидан бошлаб то умрининг охиригача ҳаёт ва турмуш одобига ўргатувчи ва шу нарсаларни таҳлил ҳамда тадқиқ этувчи фандир. Тарбия ва тарбияшунослик ҳақидаги бу таъриф маъно ва мазмунига одамларнинг бутун умри давомидаги хулқ-атвори, одоб-ахлоқи, бу борадаги миллий анъаналарга садоқат ва шуларга тарбиячи ҳамда тарбияланувчининг тўла амал қилиши, миллий қадрият, маънавият ва маърифатга хурмат, иймон ва виждон сингари гўзал фазилатлар сингган.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекисон Республикаси Олий кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини чуқур таҳлил қилиб кўрилса, унда юқорида зикр қилинган тарбия ва тарбияшунослик ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топганини кузатиш мумкин. Бошқача айтганда, бизнинг Конституциямиз - миллий тарбия ва тарбияшунослик Қомусидир. Унинг деярли ҳар бир моддасида тарбия маънолари силсиласи мавж уриб турибди.

Педагогика фани бўйича мазкур муаммоли маъруза матнлари касбий педагогик тайёргарлик йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, кўплаб йиллардан бери талабалар ўртасида муаллиф ўқиб келаётган ўқув маърузалари мазмуни асосида тузилган. Маърузалар тегишли ўқув режаларида кўзда тутилганидек, 36 соатга мўлжалланган.

Мазкур маърузаларнинг мақсади касб-ҳунар коллежларининг бўлажак ўқитувчиларини педагогиканинг умумий - назарий билимлари, шунингдек, таълим - тарбиявий фаолият кўникмаси ва малакалари билан қуроллантиришдир.

1-маъруза. Педагогиканинг предмети, мақсади ва вазифалари.

1.1. Педагогик фаолиятнинг пайдо бўлиши, педагогиканинг фан сифатида шаклланиши.

1.2. Педагогиканинг таркибий тузилиши ва асосий тармоқлари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Педагогиканинг пайдо бўлиш тарихини билади;
- Педагогика фанини мақсадини айтиб беради;
- Педагогиканинг тармоқларини санайди;
- Хар бир тармоқ учун таъриф беради;
- Педагогика атамаси учун кластер тузади.

Таянч сўз ва иборалар

Педагог, педагогика, педагогик фаолият, педагогиканинг таркибий тузилиши, педагогиканинг тармоқлари, методика.

1.1. Педагогик фаолиятнинг пайдо бўлиши, педагогиканинг фан сифатида шаклланиши.

Бизга тарих фанларидан маълумки, Ўрта Осиёда ишлаб чиқариш кучлари ибтидоий жамоа тузуми вужудга келгач ривожлана бошлаган. Жамоада инсонлар ўзлари учун зарур бўлган оддий ишлаб чиқариш қуролларини яшашга киришишлари натижасида жамиятда ижтимоий-иқтисодий муносабатларни янги шакли юзага келади. Бу даврда бола тарбияси билан аёллар шуғулланган, шу асосда жамоада аёлларнинг мавқеи ортган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек ҳар қандай давлат, ҳар қандай жамият ҳам ўз бойликлари билан қудратли ҳисобланади. Ҳар бир халқ мамлакатнинг табиий замини, ер ости ва ер усти захиралари, тоғлари ва ўрмонлари, дарё-ю денгизлари, улкан шаҳарлари, гўзал иншоотлари билан ўз куч қудратини намоён этишга ҳаракат қилади.

Лекин, кўп асрлик тарихий тажриба шундан далолат беради-ки, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги, бу - инсон, инсон авлодидир. Кишилиқ жамияти эл юртига, ватанига садоқатли, иймон-эътиқоди бутун, мард ва жасур, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар билан ҳақли равишда фахрланади. Бу улуғвор, бетимсол бойлик ҳар қайси давлатнинг қудратли салоҳият манбаидир.

Ана шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказаётган халқ келажакка очиқ кўз, катта ишонч билан қараши мумкин. 1.3.

Қадимги даврда кишилар маънавияти, жумладан, ахлоқи, қадимий урф-одатлари, анъаналари, маърифати, таълим-тарбияси ҳақидаги фикрлар халқ оғзаки ижодида, масалан, Гўруғли, Алпомиш ҳақидаги яратилган дostonларда ўз ифодасини топди. Бу анъаналар қадимги Суғд, Манихей, Хоразм, Турк ёзувлари наъмуналарида ҳам ифодаланади.

«Алпомиш» дostonида халқимизнинг қахрамона утмиши- уруғчиликнинг емирилиши, чорвадорлар ҳаётида давлатчиликнинг пайдо бўлиш давридаги муносабатлари, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, удумлари, ахлоқ-одоби, қардошлиқ туйғулари кўраши, ўй-фикрлари, орзу- ҳаваслари ёрқин ифодаланади.

Ўзбек халқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш кўп асрлар давомида қўллаган усул ва воситалари, тадбир шакллари, ўзига хос урф одати ва анъаналари, тарбия ҳақидаги ғоя ва ҳаётий тажрибаси халқ педагогикасида мужассамлашди. Хали мактаб бўлмаган, педагогик фикр таркиб топмаган даврдаёқ, қабила аъзоларининг

болаларда меҳнатсеварлик, жанговорлик, ахлоқ одоб, нафосат, дўстлик, меҳр шафқат, инсонпарварлик сифатларини таркиб топтириш соҳасидаги ақл-идроки ва усуллари ўша даврдаги ҳаётий тажрибанинг меваси сифатида бизнинг давргача етиб келди ва халқ педагогикаси тарзида шаклланди.

Ўрта Осиёда ибтидоий жамоа ва қулдорлик даврида ҳам бола тарбиясида насихат, тушунтириш, рағбатлантириш, мақташ, наъмуна кўрсатиш, танбех бериш, таъқиқлаш, мажбур қилиш, пўписа қилиш, кўрқитиш каби усуллардан фойдаланилган. Бу усулларни қўллаш эса ахлоқ қоидаларига суянган ҳолда, яъни бола қилган иши, хатти-ҳаракатининг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ишонч ҳосил қилинган, шунингдек, ахлоқлилиқ ҳамда ахлоқсизлик, одиллик, адолатсизлик, яхшилиқ ва ёмонлиқнинг маъносини тушунтириш орқали амалга оширилган. Бу тартиб тарбияда асосий қоида ҳисобланган ва тушунтирилганда болаларнинг ёши ҳисобга олинган. Халқ педагогикасининг юзага келиши, таркиб топиши ва мукаммал бир ҳолга келишида халқ орасида ҳукм суриб келган, диний эътиқодлар, расм-русмлар муайян даражада мавқега эга бўлган.

Феодализм даврида тарбия дин таъсирида бўлганлиги учун таълим назариясининг асосий ғоялари диний илм орқали ифодаланган.

Ислом дини таълимотлари Аллоҳ томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо салаллоҳу алайҳи вассалламга оятлар тарзида нозил этилган-Қуръони Каримда баён этилган.

Қуръони Карим мусулмон ахлининг дунёқараши, фалсафаси, маънавияти, ахлоқи, ҳуқуқининг асоси бўлиб, унда илоҳиёт, диний эътиқод масалалари билан бирга, инсонпарварлик, инсонларни қонуштириш, уларнинг ўртасида юзага келадиган зиддият-низоларнинг олдини олиш, улар орасида адолат урнатиш каби ахлоқий муаммолар ифодаланган.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди» (735-ҳадис) дейдилар.

Қуръони Каримда илмга катта эътибор берилган ва илм сўзи 765 ўринда тилга олиб ўтилади, «Илм ўрганиш ҳар бир мўъмин учун фарздир. Илм толиби учун ҳамма нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб изтиғфор айтади» (370-ҳадис). Расулulloҳ толиби илмларга мурожаат этиб: «Олим бўл (илм берувчи бўл) ёки ўрганувчи бўл, ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан» (141-ҳадис), деб насихат қиладилар.

Ислом таълимоти, Қуръони Карим, пайғамбаримизнинг суннату сониялари ва Ҳадиси Шарифлари инсонларни лутф билан тўғри йўлга бошлади, юксак ахлоқли бўлишга чорлайди.

Қадимий ва Ўрта Шарқ адабиёти намоёндалари орасида назарий-педагогик тусга эга қатор илмий қарашлар мавжуд бўлган. Улар орасида Ал-Фаробий, Алишер Навоий, Абу Али ибн Сино ва бошқаларнинг асарларини мисол келтириш мумкин.

Фаробийнинг таълим-тарбия ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик ғоялари алоҳида ўрин тутади. Унинг уқтиришича, инсонни бахт саодатга элтувчи жамоа етук жамоа бўла олиши мумкин, унинг таъкидлашича, инсонни тарбиялаш икки хил усул ёрдамида олиб борилиши мўмин. Тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий, ақлий ва ахлоқий ҳислатларни-билимли бўлишга, тўғрилиқ ва ҳақиқатни севишга, жасур, дўстларга садоқатли бўлиш сингари фазилатларни эгаллашга

интилноғи лозим. Бундай инсоний фазилатларга эга бўлиш учун бахт саодатга элтувчи жамоа бўлиши керак.

Фаробий инсонни дунё тараққиётининг энг мукаммал ва етук яқуни деб билади. Шунга кўра, ўз асарларида инсонга тарбия ва таълим бериш зарурлигини айтади ва бунда таълим-тарбия усулларида кутилган мақсад масалалари асосий ўрин эгаллашини қайд қилади.

Фаробий инсоннинг маънавий ҳаётида, асосан, унинг икки томонига: ақли-онига ва ахлоқига эътибор беради. Шунинг учун таълим-тарбия, унинг фикрича, инсоннинг ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам етук мукаммал киши қилиб етиштиришга қаратилмоғи лозим.

Фаробий таълим тарбия ишига киришиш, уни бошлашдан аввал одамларнинг шахсий хислатларини билиш лозимлигини айтади.

Ибн Сино яхшиликка олиб боровчи ахлоқ қоидаларини эгаллаш, инсоннинг ахлоқий муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берувчи тадбирлар орқали таълим-тарбияни изчил амалга ошириш мумкинлигини алоҳида қайд қилади.

Ибн Синонинг фикрича таълим-тарбия, аввало, ақлий тарбияни, ёшларга илм-фан ўргатишни, жисмоний тарбияни, ахлоқий тарбияни, нафосат тарбиясини ҳамда ёшларни маълум ҳунарга ўргатиш масалаларини ўз ичига олади.

Алишер Навоий ёш авлодларнинг илм-ҳунарни ва энг яхши инсоний фазилатларни эгаллаган кишилар бўлишини орзу қилади.

Алишер Навоий илмий ва адабий фаолиятида ҳам, таълим- тарбия ҳақида билдирилган фикрларида ҳам ўзидан олдин яшаб ижод қилган Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа мутафаккирлар анъанасини давом эттирди ва бойитди.

Алишер Навоийнинг таъбирича, тарбиянинг мақсади-ёш авлодни халқпарвар, билимли, энг яхши фазилатларга эга киши қилиб вояга етказишдир. У инжик, ялқов, ёмон ҳулқли болаларни ҳам тарбия ва ўқитиш йўли билан яхши фазилат эгаси қилиб тарбиялаш мумкинлигига ишонади ва жамиятдаги айрим ахлоқий жиҳатдан нуқсонли кишиларни қайта тарбиялашда тарбия муҳим аҳамият касб этишини уқтиради.

Тарбия ва унинг мақсади тўғрисида фикрлар, тарбия назариясининг ғоялари анча олдиндан илгари сурилган бўлсада педагогик илмий билим-фан сифатида бир оз кейин шаклланган.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши буюк чех педагоги Ян Амос Коменский номи билан бевосита боғлиқдир. Коменский томонидан таклиф этилган принциплар шакл ва услублари «Педагогиканинг олтин фонди» га кирган. Унинг машҳур «Буюк дидактика» асари педагогик назарияси ва амалиёти соҳасида биринчи муҳим илмий асар ҳисобланади.

Ўқув жараёнида таълим тарбия маълумот ўзаро боғлиқ равишда амалга оширилади. Ҳар қандай фан ўргатилиши мобайнида ўқитувчи болаларга билим асосларини баён этади. Шу материаллар мазмуни асосида тарбиянинг бирор томонини ҳал этади, болалар дунё қарашини шакллантиради, маданий ҳулқ атворини тарбиялайди.

Педагогика фанининг предмети бўлган илмий билиш асосида жамиятнинг алоҳида функцияси-тарбия мазмуни ётади. «Педагогика» атамаси қадимий

Юнонистонда келиб чиққан. Бу ерда кулдорлар болаларни мактабга кузатиб кўядиган, олиб борадиган одамларни «педагог» деб аташган. «Педагог» атамаси лотинча «пайне» - бола, «агогейн» - етакламоқ маъносини билдиради. Мактабларда ишлайдиган яъни таълим бериш билан шуғулланадиган ўқитувчиларни эса «Дидаскаллар» деб аташган, бу лотинча «Дидайко» сўзидан олинган бўлиб «мен ўқитаман» деган маънони англатади.

Кейинчалик бу атамаларнинг маъноси бир мунча ўзгарди. Махсус тайёргарлик кўрган ва тарбия билан шуғулланадиган шахслар «педагог» деб атала бошлаган. Кўп вақтлар педагогика илмий фан сифатида фақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўрганади, деб қаралган. Аммо ҳаёт амалиёти тарбиянинг умумий принциплари фақат болалар тарбиясига эмас, балки катталар тарбиясига ҳам таалукли эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда педагогикани ёш авлодни ва катта ёшдаги одамларни тарбиялаш ва ўқитиш, уларга маълумот бериш қонуниятларини ўрганувчи фан, деб белгилаш одатга айланди.

Педагогика фанининг баҳси бўлган илмий билиш асосини таълим тарбиянинг мазмуни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Республика Олий Мажлисининг биринчи чақириқ биринчи сессиясида қилган маърузасида хур Ўзбекистонда демократик тузумни барпо эта бориш билан бирга, амалга оширилаётган улкан ўзгаришларнинг асосий иштирокчилари бўлган жамиятимиз аъзоларининг маънавиятини бутунлай янгича қарор топтириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Келажаги буюк давлатни қураётган кишиларнинг тафаккури, ахлоқи янги иқтисодий муносабатларни тиклашга, моддий нематлар ишлаб чиқаришга астойдил киришиб доимо ёниб яшаш хисси билан суғорилган бўлиши лозим. Мана шундай ижобий хислатларга бой инсонни тарбиялаш педагогика ўқув юртларининг, мактаб, лицей, гимназия, коллеж, институт ва университетларнинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади.

Хозирги кунда олий ўқув юртлари олдида турган долзарб вазифалардан бири ташкил этилаётган академик лицей ва касб-хунар коллежларига юқори малакали педагог ва муҳандис-педагоглар тарбиялаб беришдир. Тарбия жамият вазифаси бўлиб, у фақат ишлаб чиқариш муносабатлари таъсирида эмас, балки турли тарихий даврларда илгари суриладиган у ёки бу тарбия назариясининг ғоялари таъсирида аниқ шаклга эга бўлади, шунинг учун ҳам кўп жиҳатдан маърифатчи ва педагоглар фаолиятининг натижасини ифодалайди.

Жахон педагогикасининг етакчи қисмларидан бири бўлган педагогика фани ўзини ўзок тарихий тараққиёт йўлини босиб утиб, ҳозирги вақтда такомиллашган илмий билимларни, бой назарий ва амалий материалларни ўзлаштириш билан ўзининг табақаланиш яъни унинг алоҳида тармоқларга ажралишига сабаб бўлди. Педагогика фанининг барча тармоқларини шаклланиши педагогика фани тарихи билан мустахкам боғлиқдир. Педагогика тарихи эса, педагогика фанининг махсус тармоғи ҳисобланади.

Педагогика тарихи педагогик таълимотнинг тарихи ва тарбиянинг ривожланиши масалаларини ижтимоий ходиса сифатида тадбиқ этувчи педагогик билимлар тармоғидир. У илғор педагогик ғояларнинг салбий педагогик ғояларга

қарши кўраш тарихини ҳукмрон табақаларнинг демократияга қарши сиёсатини очиб ташлайди, илғор педагогик ғоялар, хур фикрлар таълим қонуниятларининг айрим олинган тарихий даврдаги ривожланиш тамоилларини таҳлил қилади, муҳим умумий ҳулосалар чиқаради ва бугунги кун учун долзарб муаммоларни ўртага ташлайди.

М.С. Педагогика курсини ўқитишдан мақсад нима?

1.2. Педагогиканинг таркибий тузилиши ва асосий тармоқлари.

Педагогика фанининг тарихан шаклланиши, педагогика фанлари тизимини юзага келтирди. Шу сабабли узлуксиз таълим, педагогика фанлари таркибига кирган педагогикалар ўртасидаги ҳамкорликни такозо этади.

Педагогикада тарбияланувчиларнинг ёшига кўра мактабгача ёшдаги, мактаб ёшидаги ва катта ёшдагилар деб гуруҳларга ажратиш қабул килинган. Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар педагогикаси мазкур гуруҳ болалари билан олиб бориладиган тарбиявий-ташқилий ишларнинг қонунийлигини тадқиқ этади ҳамда энг аввало уларни болаларнинг мактабгача муассасалари шарт-шароитларида амалга ошириш дастурини ишлаб чиқади.

Мактаб педагогикаси оммавий ўрта мактабда ўқувчиларга таълим бериш ва тарбиялашнинг қонуниятларини тадқиқ этади.

Касб-хунар таълими педагогикаси - умумий мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ёшида бўлган болалар, академик лицей ва касб-хунар коллежи шарт-шароитларидаги ўқув-тарбиявий жараённинг ўзига хослигини тадқиқ этади.

Ишлаб чиқариш педагогикаси - ишлаб чиқаришда ишлайдиган шахсларга таълим ва тарбия бериш қонуниятларини ўрганади.

Харбий педагогика - миллий армиямиз учун мутахассислар тайёрлайдиган харбий ўқув юртларида ёшларга таълим бериш ҳамда тарбиялаш муаммолари билан шуғилланади.

Олий мактаб педагогикаси - олий ўқув юрти шарт-шароитларида ёшларга таълим тарбия беришнинг назарий масалалар ва методикасини ишлаб чиқади.

Методика - махсус фанларнинг ўқитиш ҳамда уларни ташкил этиш қоида ва усуллари тадқиқ этади.

Умумтаълим мактабларида эмас, балки ёрдамчи мактабларда шуғулланишлари мумкин бўлган болалар, яъни кўриш, эшитиш, сўзлаш аъзоларида камчиликлари бўлган болаларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш, тарбиялаш ва таълим беришнинг ўзига хос томонларини тадқиқ этувчи фанлар педагогика фанининг махсус гуруҳини ташкил этади. Педагогиканинг бу махсус тармоқлари дефектология ёки махсус педагогика деган умумий ном билан аталадиган махсус гуруҳга бирлаштирилган.

Дефектология фанлари ўз навбатида алоҳида мустақил фанларга бўлинади: кар ва гунг болалар тарбияси ва таълими масалалари билан сурдопедагогика, кўзи ожизлар билан тифлопедагогика, ақли ожизлар тарбияси ва таълими билан олигофрено-педагогика шуғулланади.

Педагогика фанининг ҳамма тармоқлари ўзининг турли ривожланиш, тараққиёт босқичларига эгадир: уларнинг айримлари аниқ шаклланиб бўлган ва етарли даражада кенг ишлаб чиқилган (масалан, мактабгача тарбия педагогикаси, мактаб педагогикаси); бошқалари ўзининг шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда (масалан, олий мактаб педагогикаси, ишлаб-чиқариш педагогикаси); баъзи бир тармоқлар педагогикасининг ажралиб чиқиши эндигина бошланмоқда.

М.В. Педагогика ва касбий таълим педагогикаси фанларини шархланг.
--

Мустақил таълимга оид топшириқлар

1. Маъруза матнини ўқиб, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни аниқланг.
2. Кластер методи ёрдамида педагогика тармоқларини аниқланг. Уларни айлана атрофига марказдан узоқлаштириш тартибида ёзинг.

2 - маъруза. Педагогикада асосий тушунчалар.

2.1. Тарбия, таълим, маълумот тушунчалари.

2.2. Ривожланиш ва тарбиявий муносабатлар

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:


- Тарбия ва унинг моҳиятини билади;
- Таълим ва унинг аҳамиятини тушунтиради;
- Маълумот ва унинг турларини санайди;
- Ривожланиш ва тарбиявий муносабатлар тушунчасига таъриф беради;
- Синквейн (маълумотларни йиғиш) стратегиясини қўллайди.

Таянч сўз ва иборалар

Тарбия, таълим, маълумот, ривожланиш, тарбиявий муносабатлар, таълимнинг мақсадига кўра турлари

2.1. Тарбия, таълим, маълумот тушунчалари.

Педагогика фан сифатида шаклланиш эканлиги бошқа фанлардан фарқли равишда ўзининг асосий тушунчаларига эга. “Педагогика” нинг асосий тушунчалари биринчи расмда кўрсатилганидек ривожланишни белгилайди, бу тушунчалар физиология ва психология фанларидан таниш бўлсада биз бўларни ўзаро боғлиқлигига тухталамиз.



1-расм. Асосий педагогик тушунчалар тизими.

Тарбия - инсонлар ривожланишида асосий рол ўйнайдиган жараён бўлиб, бир авлоднинг ижтимоий тажрибасини кейинги авлодлар томонидан ўзлаштиришларини ва уларнинг ижтимоий ҳаётга қушилишларини таъминлаб берувчи зарурий фаолиятдир. Тарбия- инсон тарбияланганлигининг меъзони сифатида шахсий хислатларнинг шакллантириш билан боғлиқ ҳолда тарихан

шаклланиб келган педагогик тушунча. Унинг ёрдамида инсоннинг ривожланишига ташқи муҳитни таъсирини фан ва амалиёт исботлаб беради. Инсон бутун умри давомида ҳаётда кимнидир тажрибасига таянади ҳамда унга асосан ўзининг кўникма ва маълакаларини шакллантириб боради. У фақат ўтмиш меъросхўри сифатида ижтимоий ҳаётга қўшилиб боради ва келажак учун тайёрланади.

Ривожланиб бораётган авлодни катта ёшдагилар тажрибасини эгаллаб бориш жараёни тарбиявий жараён бўлиб, у инсонлар ривожланишини бошқариш ҳамда уларни шахсий хислатларини шаклланишига зарур шароитлар яратиб беради. Айрим ҳолларда тарбия билан ривожланиш ўртасида ўзаро боғлиқлик йўқдек туюлади, аслида улар ўртасида боғлиқлик жуда мураккаб ва аҳамиятлидир. Инсон шахси тарбия жараёнида ривожланиб боради, ривожланиш даражаси унинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади яъни ўзгартиради, шакллантиради. Яхши ташкил этилган тарбия шахснинг ривожланиш даражасини тезлаштиради ва яна қайта тарбияга таъсир кўрсатади. Шу тарзда инсоннинг бутун ҳаёти давомида бу таъсир ва акс таъсирлар ўзаро бир-бирини тулдириб, таъминлаб боради.

«Тарбия» атамасидан кўпгина педагогик атамалар келиб чиққан; тарбиячи, тарбияланувчи, тарбияланган, тарбияланганлик, тарбиявий ва хоказо. Бўларнинг барчасини манбаси ва маъноси битта. Тарбиячи-инсон, авлодлар тажрибасини эгаллашлари учун мажбурий ёки зарурий таъминотчи. Тарбияланувчи-тажрибаларни эгаллайдиган ва урганадиган шахс. Тарбияланган (тарбия курган) - тажрибаларни яхши эгаллаган ва унумли фойдаланувчи. Тарбияланганлик - шахснинг сифат курсаткичи, тажрибаларни яхши ўзлаштирганлиги, тарбиявий-ривожлантириш мақсадида йуналтирилганлик. Масалан, тарбиявий алоқалар, тарбиявий жараён, тарбиявий тизим, тарбиявий ишлар ва тадбирлар.

Ҳаётда «тарбия» жуда кенг қўлланилади. Тажриба ўргатиш, тарбиялаш оммавий ахборот воситалар ёрдамида, санъат орқали, бошқарув органлари тизими ва ташкилотларда сиёсий, манавият ва маърифат ишларини ташкил этиш орқали амалга оширилиши мумкин. Буларни амалга оширишда маълумот муҳим аҳамият касб этади.

Маълумот - маълум мақсадга йуналтирилган, инсон шахсининг ривожланишини таъминловчи, махсус ташкил этилган тизим бўлиб, ўқитиш жараёни ва унинг натижаси ҳисобланади.

Махсус ташкил этилган маълумот берувчи тизим - бу таълим-тарбия муассасаси, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ташкилоти, ўқув-материал база, молия (финанс), кадрлар, илмий-методик таъминот. Уларда маълум мақсадларга кўра тажрибалар ўргатиш ва ўрганиш махсус дастурларга асосан тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади.

Маълумот аниқ бир ёшдаги шахсларда билим, иқтидор ва кўникмаларнинг ўзлаштирилганлигини, билиш қобилияти ўсганлигини ва улар асосида илмий дунёқараш, шахсий сифатлар шаклланишларини, уларнинг ижобий кучлари ва қобилиятларининг қай даражада ривожланганлигини англатади. Қачонки инсон маълумоти тўғрисида гапирилганда унинг маълумотлилиги тушинилади. Маълумотлилиқ - шахсий сифат кўрсаткичи, яъни, шахснинг ривожланиш даражаси, унинг тажрибаси, кўникма ва малакаларни қай даражада

ўзлаштирганлиги ва улардан фойдаланиш ҳамда улар ёрдамида янги билим-куникмаларни эгаллаб, тўлдириб бориш қобилиятлари тушунилади.


«Маълумот» тўғрисида гапирар эканмиз маълумотли бўлиш учун «Тарбия» ўзи етарли эмас, бунда маълум бир жараёнлар мавжуд бўлиб, бу жараёнларни ташкил этиш негизида «Таълим» тушунчаси мавжуд.

Таълим - тажрибалар алмашилиш жараёни бўлиб, режали равишда амалга ошириладиган «ўқитувчи-ўқувчи-ўқитувчи» мулоқоти, унинг натижасида маълумот, тарбия ва ривожланиш амалга ошади.

Маълумот олиш тизимида таълим асосий роль ўйнайди. Мақсадига кўра у иккита асосий қисмдан иборат: Тажрибаларни ўргатиш (ўқитиш) ва уни ўрганиш (ўқиш). Ўқитиш-миллий кадриятларимизни, ҳаётий тажрибаларни, фан ва техника соҳаларидаги ютуқларимизни ёш авлодларга ўргатишни таъминлайди. Ўқиш-миллий кадриятларни, фан-техника соҳасидаги ютуқларни, тажрибаларни ўрганишга, тушунишга, тафаккурни ривожланишига, мустақил фикрлашга ва улардан ҳаётда фойдаланиш учун кўникма ва малакаларни шакллантиради. Ўқитиш-педагогик фаолият (ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими устаси, тарбиячи фаолияти), ўқиш-ўқувчи (ўрганувчи, тарбияланувчи, таълим олувчи) фаолияти.

«Таълим», «Тарбия» ва «Маълумот» тушунчалари бир-бирини тўлдириши ҳамда бирини-иккинчиси, иккинчисини-учинчиси таъминловчиси, булар натижасида инсон шахсининг ривожланиши таъминланар экан, буни биз ҳаётда мевали дарахтга қиёслаймиз (2-расм). Мевали дарахт уруғдан тупроқда униб

чиқади, унга ўз вақтида сув бериб, ишлов бериб парвариш қилинса ривожланиб дарахт бўлади ва мева беради.



2-расм. Ривожланиш (педагогик тушунчалар тизими).

Мевали дарахтни ривожланишида уруғ, тупроқ, дарахт алоҳида вазифаларни бажарсада биронтаси бўлмаса қолганларини тасаввур қилиб бўлмайди яъни, ривожланиш бўлмайди. Уруғни ерга экиш, унга сув бериш, тагини юмшатиш, меваларини териб олиш, ундан яна уруғ олиш қисқа сўз билан айтганда уни шакллантириш ишларини боғбон (дехқон) бажаради. Боғбоннинг бу фаолиятларини инсон шахсини шакллантиришдаги (ривожлантиришдаги) педагогни фаолиятига қиёслаш мумкин, яъни педагог ёш авлодга таълим бериш билан бирга тарбиялайди, маълумот беради, ривожлантиради ҳамда уни келажакдаги фан ва техника соҳасидаги ютуқларини ўрганади ва буни яна ёш авлодларга ўргатади.

Педагогикада бошқа тушунчалар ҳам мавжуд, бўлар ёрдамида инсон шахсини ривожланиш жараёнига таъриф берилади. Масалан, «Шаклланиш», бу инсон ривожланишида таълим ва тарбияни ўзида мужассамлаштиришини, маълумотини орттириб боришини, тафаккурини, мустақил фикрлаш даражасини белгилайди.

Ҳаётда бирон бир техникадан компьютер ёки станоклардан фойдаланиб табиий ҳолдаги мевани тайёрлаб (яратиб) бўлмаганидек, ривожланган баркамол инсонни ҳам техника ёрдамида бир зумда тайёрлаб бўлмайди. мевани пишиб етилишида боғбонни меҳнатидан ташқари дарахт мустақил фаолият кўрсатади, яъни мевани шакллантиради. Демак, инсон шахсини ривожланишида ҳам педагог фаолиятидан ташқари ўзини-ўзи шакллантиришда шахснинг ички туйғулари катта роль ўйнайди. Ички туйғу инсонни ривожланишида ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади ва бу инсон шахсида ўз-ўзини тарбиялашни, мустақил маълумот, мустақил таълим олишни ташкил этади. Бу тушунчаларни педагогик тушунчаларга муносабатини 1-расмда келтирилган.

Ўзини-ўзи тарбиялаш - бу ички туйғулар ёрдамида миллий қадриятларни, фан ва техника ютуқларини, тажрибаларни ўрганиш, мустақил ривожланиш жараёнидир.

Тарбия, мажбурий бўлмаса, ўзини-ўзи тарбиялашсиз уни амалга ошириб бўлмайди. ўз-ўзини тарбиялаш фақат ёш ўсмирларга тегишли бўлмай, балки барча ёшдаги шахслар учун ҳам таълуқли бўлиб, буни қанчалик яхши шакллантирилса тарбия жараёнида педагог фаолияти шунчалик осонлашади. Педагогни мақсади, маълумот таркибини қанчалик аниқлилиги инсонни мустақил маълумот олишига таъсир қилади.

Мустақил маълумот - бу инсоннинг авлодлар тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганиш мақсадида, ўз ички туйғулари асосида мустақил ташкил этган, шахсий ривожланиш жараёнидир.

Мустақил маълумот инсон шахсини ривожланишида, тажрибаларни эгаллашида қулайликлар яратса, мустақил таълим эса (ўқишнинг) таълим олишни асоси ҳисобланади.

Маълумот таълим-бу инсонни ўзи танлаган воситалар ва адабиётлар ёрдамида авлодлар тажрибасини, фантехника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлар жараёни. Бунда инсонни ички дунёси, хис туйғулари, мустақил фикрлаш қобилияти асосий роль ўйнайди. Бу ҳақда шундай дейилади

«Кимки ололмаса ҳаётдан таълим,
Унга ўргата олмас ҳеч бир муаллим».

Педагогика «Ўзини-ўзи тарбиялаш», «Мустақил маълумот», «Мустақил таълим» тушунчалари орқали инсоннинг туғма таланти, қобилияти, хис-туйғулари, ички дунёсини шахсий ривожланишидаги аҳамиятини ёритиб беради. Инсонларнинг ички дунёсидаги шундай ҳаракатлантирувчи кучлар мавжудки, булар шахсни ривожланишида асосий ролни ўйнайди. Ҳозирги кунда бу тушунчани ҳеч қайси файласуф, педагог ёки рухшунос инкор этмайди.

Биз нима учун инсонлар тўғрисида гапиряпмиз фақат ўқувчи ёки тарбияланувчи ҳақида эмас, чунки, инсон бутун умри давомида таълим олади, тарбияланади, ушшда ва ривожланишда давом этади.

Тарбия - ўз-ўзини тарбия, маълумот мустақил маълумот, таълим - мустақил таълим ўртасидаги ўзаро боғлиқликни «Тарбиявий муносабатлар» тушунчаси орқали тушуниб олишимиз мумкин.

2.2. Ривожланиш ва тарбиявий муносабатлар

Ривожланиш - бу объектив жараён бўлиб, таш-ки ва ички бош-карилувчи омиллар томонидан миқдор ва сифат жиҳатдан физик ва маънавий шаклланиш жараёнидир.

Ривожланиш шахснинг фазилатлари, сифатлар ва хулқларнинг шаклланиши, тушунчаларнинг чуқурлашиши, кенгайиши, осондан кийинга, оддийдан мураккабга, мавхумдан билишга, оддий ҳаёт кечириш шаклларида олий фаолиятга ўтиш жараёнидир.

Шахснинг ривожланиши аввало унда шахсий хислатларнинг шаклланиши билан белгиланади. Ривожланиш ўзида шахснинг жисмоний, аклий, ахлоқий ва бошқа хис-латларининг такомиллини намоён этадиган жараён ҳисобланади.


Ривожланиш - бу инсоннинг рухияти ва организмидаги сифатий ўзгаришларидир. Бу ўзгаришлар ижтимоий муҳит, уй-жой шароитлари, унинг қуршаб турган кишиларнинг таъсири натижасида юз беради. Инсонга туғма равишда хатти-ҳаракатларнинг ҳеч қанақа, на ижтимоий, на ноижтимоий дастурлари берилган эмас. Ҳар бир инсон учун, шахс сифатида фазилатларнинг шаклланиш жараёни амалда нолдан бошланади. Шунинг учун ҳам маълум мақсадларга йуналтирилган таълим-тарбия шароитлари инсон шахсининг шакллантиришнинг умумий қонуниятларини инкор этмайди.

Инсонни ривожланишида яъни уни тарбиялашда жамият томонидан ташкил этилган тарбиялаш муассаса-ларининг ва тарбия жараёнига қатнашаётган барча кишиларнинг фаолиятлари яъни тарбия муҳим роль ўйнайди. Таълим, тарбия, маълумотни амалга оширишда, жамиятда инсонлар ўзаро маълум бир белгиланган муносабатда бўладилар. Бу муносабатларни иқтисодий, сиёсий, маънавий, эстетик ва бошқа муносабатлардан фарқли равишда тарбиявий муносабатлар деб аташ қабул қилинган.

Тарбиявий муносабатлар турли шаклларга эга бўлган инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўлиб, улар инсон шахсини ривожланишида таълим, тарбия ва маълумот орқали амалга оширилади.

Бизнинг фикримизча, тарбиявий муносабатлар-инсонлар ўртасидаги доимий муносабат (алоқалар) бўлиб, улар инсон шахсини ривожлантиришга яъни мустақил маълумот, мустақил таълим олишни ва ўз-ўзини тарбиялашни шакллантиришга хизмат қилади.

Тарбиявий муносабатлар - бу инсонларни ўзаро тажриба алмашилиши, тажрибаларни ўзлаштириши, қўллаши бўлиб, бунга техника, санъат ва табиат билан бўлган муносабатлар ҳам киради. Бўларга асосан тарбиявий муносабатларни асосий шакллари ажратиб кўрсатиш мумкин: «инсон-инсон», «инсон-китоб-инсон», «инсон-техника- инсон», «инсон-санъат- инсон», «инсон-табиат- инсон» ва х.к. (3-расм).



3-расм

Мустақил таълимга оид топшириқлар

1. Ўқув мақсадларига қайси даражада эришганлигини синаб кўринг.
2. Таълим, тарбия, ривожланиш тушунчаларига синквейн тўзинг
3 - маъруза. Педагогик тадқиқотнинг функциялари ва методлари.
- 3.1. Педагогик тадқиқот ва унинг функциялари.
- 3.2. Педагогик тадқиқотлар методлари.
- 3.3. Илмий тадқиқот босқичлари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Педагогик тадқиқот тушинчасига таъриф беради ва функцияларни санайди ;
- Педагогик тадқиқот методларини санайди тушинтради;
- Илмий тадқиқот методларини изохлайди;
- Тадқиқот босқичларини баҳолайди;
- Педагогик тадқиқотлар иборасига «Кластер»(ахборотларни ёйиш) услубини қўллайди;

Таянч сўз ва иборалар

Педагогик тадқиқот, тадқиқот методлари, тадқиқот босқичлари, тадқиқот функциялари, тушинтириш функцияси, олдиндан кўра билиш функцияси, амалий функция, тарихий таққослаш методи, назарий таққослаш ва солиштириш методи, кузатиш методи, назарий даражадаги методлар.

Илмий нуқтаи назардан дидактика таълим жараёнларини тушунтириш, ривожланиш истиқболларини кўрсатиш, амалда таълим-тарбия жараёнига таъсир этиш ва уларга баҳо беришни мақсад қилиб қуяр экан, қуйидаги функцияларни бажаради.

1. Дискриптив функцияси. «Дискриптив» сўзи инглизчадан олинган бўлиб, «ёритиш», «тасвирлаш» деган маънони билдиради.

Тасвирлаш кўпинча диагностик типда тарқалган. У ўқув - тарбия жараёнида учраётган чекланишларнинг қай йусиндалигини аниқлаш учун хизмат қилади.

Педагогик диагностиканинг мақсади фақат содир бўлган чекланишларнинг шакли, ҳажми ва хусусиятини аниқлаш эмас, балки бу чекланишлар ўқув тарбия тизимининг қайси бугимлари сусайганлиги сабабли юз берганини аниқлашдан иборат.

2. Тушунтириш функцияси. Дидактик тадқиқотнинг бу тури экспериментлар ўтказиш билан боғлиқдир. Бу ерда таълим жараёнининг барча шароитлари сақланган ҳолда ўқув жараёнини ўзгартирувчи омиллар киритилиши натижасида дидактик тадқиқот ўқув тарбия жараёнининг асосида ётган қонуниятларни очиш имкониятини беради.

3. Педагогик тадқиқотларнинг таълим-тарбия жараёнларини олдиндан кўра билиш функцияси. Бу хил тадқиқотлар, изланишлар жараёнларнинг қандайлигини кўрсатиш билан бирга, жараён юз бераётган даврдан кейинги замонда қандай ўзгаришлар, қандай боғланган қонуниятли педагогик ва бошқа жараёнлар юз беришини олдиндан кўра билишига асос бўла олади. Шу билан бирга олдиндан кўра билиш функцияси содир бўлиши мумкин бўлган жараёнларни биз истаган йўналишда ривожлантириш имкониятларини ва уларга тегишли, етарли даражадаги объектив, ҳар томонлама ўйланган баҳо бериш имкониятларини ҳам яратади. Натижада юқорида қўрилатган тадқиқотлар утмиш, ҳозирги замон ва келажак ўртасида мустаҳкам кўприк яшаш, таълим ва тарбия ҳақида кишилик жамияти туплаган битмас-туганмас тажрибани тўла-тўқис келгуси авлодга тадбиқ этиш учун тайёр кўрсатмалар, ҳулосалар ишлаб чиқиш имкониятини яратади.

4. Педагогикада, хусусан дидактикада ўтказиладиган тадқиқотларнинг амалий функцияси таълим жараёнидаги очилган қонуниятлар объектив дидактик хаки

Хақиқатни янада чуқурроқ тушунишда ва бу жараёнларга тадқиқотчи нуқтаи назаридан амалий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Педагогик тадқиқотларнинг функциялари бир-бирлари билан узвий равишда боғлиқдир. Нисбатан оддий, оммабоп ҳисобланган таснифлаш, тушунтириш тадқиқотлари таълим ва маорифнинг ҳозирги ахволини ёритиш имконини юзага келтиради. Тажриба, экспериментал тадқиқотлар таълим қонуниятларини англаб етиш ва тушунтириш, энг асосийси бу жараёнларни тушунтирувчи назариялар яратиш имконини беради. Тушунтириш ва экспериментал маълумотларга асосланиб, келгусида юз бериши мумкин бўлган ходисалар хусусида дастлабки хулосалар чиқарилади ва истиқболдаги ишлар режаси ва дастури тўзилиб, бевосита амалда татбиқ этиш жараёнига утилади.

Педагогик тадқиқот методлари.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон-келажаги буюк давлат» асарларида умўминсоний кадриятларга қайтиш ҳақидаги мулоҳазаларида таълим-тарбия масалаларини фаолликка асосланган принципларга ўтказиш, усиб келаётган ёш авлодни янгиликларни тез қабул қилишга ундаш, истиқлол яратган кенг имкониятлардан фойдаланиб, ҳужалик ва маданиятнинг ҳамма соҳаларида юксак натижаларга эришиш ҳақида гап боради.

Бу янгича дунёқараш халқ таълимида илгари сурилган ўзликсиз таълим ва шахс ҳислатларини ижодкорлик таълими орқали ривожлантиришда таълим назарияси олдига янада янги вазифалар қуяди. Бундай улкан масалалар айрим камчиликларни тугатиш, «ямаш» билан ечилмайди. Халқ таълими тизимини тубдан ўзгартириш, унинг ривожини учун педагогик, услубий, психологик шароитларни яратиш талаб этилади.

Амалиётдан шу нарса аниқ равшанки, ҳар қандай илмий хулоса тажриба ва илмий тадқиқотларга асосланади. Педагогикада, хусусан таълим ва тарбияда илмий тадқиқотлар ҳеч қачон тухтамайди ва узлуксиз давом этаверади.

Педагогик тадқиқотларнинг предмети сифатида мактаб ва бошқа ўқув юр்தларининг фаолияти, унинг мақсади, дастурий маъноси, ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти, ташкилий шакл ҳамда ижтимоий шароитлар хизмат қилади.

Дидактиканинг предмети таҳсил ва таълим билан боғлиқ турли шакл ва турларда юз берадиган ходисалар, фактлар ҳисобланади. Таълим ва таҳсил бошқа ижтимоий воқеликлардан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Дидактик тадқиқотларнинг предмети ижтимоий фаолиятнинг алоҳида шакли дидактик фаолият ҳисобланиб, унинг мақсади таҳсил бериш ва ўзгариб бораётган тарихий идеаллар ва ижтимоий талаблар асосда одамларни қайта тарбиялашдир.

Дидактик фаолият ўқитувчи ва ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларидан иборат. Бундай фаолият натижасида ўқувчилар билм, иқтидор ва қуникмаларга эга бўладилар, ўз дунёқарашини, шахсий кадриятлар тизимини шакллантирадилар. Таҳсил натижасида ўқувчи шахсининг турли ҳислатлари шакллантирилади.

Бундай ўзгаришларни кузатиш, ҳисобга олиш дидактик тадқиқотларнинг асосларидан ҳисобланади. Юқоридаги ўзгаришлар, бир томондан, ўқитувчининг дидактик фаолияти таъсиридаги ва ўз шахсий хатти - ҳаракатлари таъсиридаги ўзгаришлар орасидаги қонуниятларни очишга, уларни таҳлил қилишга имкон беради. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ўқув ишлари шароитлари, ҳаракатлари, таълим мазмуни, услуб ва воситалари орасидаги боғлиқликлар, табиат қонунлари қандай объектив характерга эга бўлса, шундай объектив характерга эгадир.

Таълим ва тарбияга тааллуқли хатти-ҳаракатларни тафаккурга асосланиб таҳлил қилиш педагогика ва дидактикада ягона усул ҳисобланади. Ян Амос Коменскийнинг «Буюк дидактика», К.Д.Ушинскийнинг «Инсон тарбия предмети сифатида» асарларида масалага шундай ёндашишни куриш мумкин.

Ўқув-тарбия жараёни ҳақида жиддий ҳулосалар чиқариш учун мунтазам равишда олиб борилган кузатишлар, тажриба, фактларга асосланган эмпирик тадқиқотлар натижаларига асосланиш зарур.

Тадқиқотларнинг тарихий таққослаш методлари.

Тарихий методлар. Педагогик тадқиқотлар, хусусан, дидактик тадқиқотлар асосан ўқитувчининг дидактик фаолияти билан ўқувчилар таҳсили натижасида ҳамда ўқувчиларнинг ўз фаолияти натижасида улар шахси, билим, иқтидор ва қуникмаларнинг ўзгариши орасидаги боғлиқликни очишга қаратилади. Ҳуш, бундай боғлиқлик дидактик тадқиқотлар натижасидан олинадими ёки уларни яқин, ўзок ўтмишдан олса бўладими?

Амалий ҳаёт бу муаммога ўзича жавоб беради.

Тарихий тараккиётнинг турли даврларида ижтимоий муносабатлар маълумотнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб берган. Масалан, саноат ишлаб чиқаришини индустриаллаштириш, илмий техникавий революциялари ва услубларини танлашга таъсир курсатади.

Тарихан таълим-тарбияга барча ҳолларда юз берган ўзгаришларнинг хусусиятлари, тамоиллари, қонуниятларини урганмасдан туриб, маълумот масалалари ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас.

Тарихий педагогик тадқиқотларнинг мақсади шундай қонуниятларни аниқлашдан иборатки, бу қонуниятлар фақат яқин ва ўзок тарихни урганишни эмас, шу билан бирга таълимни ҳозирги аҳволини, ундан ҳам муҳими-келгусини белгилаш имконини бермоғи лозим.

Назарий таққослаш - солиштириш методи.

Бундай педагогик тадқиқот халқаро педагогик тадқиқотларга асосан уч йўналишда олиб борилади. Биринчи йўналиш турли мамлакатлардаги таълим ва тарбия тизмларининг умумий қонуниятларини аниқлаш. Дунёда юздан ортиқ таълим тизимлари мавжуд. Албатта, мустақил Ўзбекистон Республикасида эски таълим тизими асосида ишлаш мумкин эмас. Бошқа мамлакатларда амал қилиб турган таълим тизимларининг қулай ижобий томонларини юқорида кўрсатилган таққослаш-солиштириш тадқиқотлари асосида бизнинг таълим тизимимизга қучириш мумкин.

Иккинчи йўналиш ҳар бир таълим тизимидаги ўзига хос хусусиятларни, уларни тасдиқловчи фактлар тўпламини, турли тарихий даврлардаги ва турли тарбия муҳитларга оид ўзига хос томонларни аниқлашдан иборат.

Учинчи йўналиш таълим тизимларининг ички хусусиятларини аниқлаш, ўхшаш ва фарқли хусусиятларини белгилаб, уларнинг таълим тизимидаги умумий хусусиятлари билан боғлиқ аломатларини ва алоҳида хусусиятлари сабабларини аниқлаш имконини беради. Бу турдаги тадқиқотлар фақат статистик маълумотлар ва анкеталар натижасини таҳлил қилиш билан чегараланмайди. Таълим тизимларини тадқиқ этиш махсус тайёргарликдан утган халқаро экспертлар гуруҳлари тамонидан тегишли илмий-текшириш ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилади. Бунинг учун илмий тадқиқотнинг махсус концепцияси, усулларни танлаб олиш мезонлари ишлаб чиқиладиган ва матбуотда эълон қилинади. Кенг китобхонлар ва қизиқувчилар эътиборидан ўтган концепция халқаро педагогик уюшмалар томонидан тасдиқланади ва бевосита ишга киришилади.

Таълим тизимларининг ўхшашлик ва алоҳидалик аломатларини, уларнинг илдизларини, сабабларини аниқлаш бир мунча мураккаб бўлиб, таълим тизимларининг ютуқларини тадқиқ этувчи халқаро ассоциация экспериментлари каби атрофлича илмий-текшириш ишларини олиб боришни талаб этади. Таълим-тарбия омилларини тушунтириш ва уларга тасниф бериш назарий таққослаш-солиштириш усулларининг асосий қисми ҳисобланади. Албатта, ҳамма илмий-тадқиқотлар йиғилган фактларни тушунтириш билан иш тугамайди.

Бу турдаги изланишларнинг яна бир ўзига хослиги шундан иборатки, табиий фанларда умумий белгилар, атамалар, бирликлар мавжуд, педагогик (дидактик) тадқиқотларда эса бундай умумий халқаро бирлик ва атамалар деярли йўқ. Шунинг учун ҳам олинган натижаларнинг таснифи бир мунча субъектив тус олиши мумкин. Бундай ҳолларда таълим ҳақидаги статистик маълумотларга математик ишлов бериш орқали бир мунча тўғриланади. Масалан, бирон мамлакатдаги бирон йилда туғилган болаларнинг мактабларга камраб олиниши ёки таълимга ажратилган миллий даромаднинг фоизи шу мамлакатнинг таълим масалаларига муносабатини асосан объектив белгилайди. Қолган омиллар таълим ахволини белгилашда юқорида кўрсатилган статистик маълумотларни янада чуқурлаштиради.

Кузатиш методи таълим-тарбиянинг мазкур вақтдаги ҳолатини аниқлаш имконини беради. Кузатиш усулининг мақсади бор фактларни ёритишдангина иборат бўлмай, бизга олдиндан қўйилган мақсад бўйича аниқланиши лозим бўлган фактларни қидириш ва аниқлашдан иборат.

Кузатиш жараёнида тадқиқотчининг қизиқтирувчи муаммо ва вазифалар кузатишни сайлаб ўтказишни тақозо этади. Тадқиқотчи муайян танланган муаммони ҳисобга олиб, нимани кузатиш кераклигини танлаб олади. Шунинг учун ҳам у кузатиш натижасида ечилиши керак бўлган муаммони ҳали кузатишни бошламасдан олдинроқ билади. Натижада тадқиқотчининг кузатиш ва натижаларини умумлаштириши бир мунча осонлашади.

Кузатишга асосланган таснифлаш тадқиқотлари уч кўринишга эга: 1. Обзор тадқиқотлари; 2. Таълим тарбия унсурлари орасидаги боғлиқликни аниқлаш; 3. Изланиш тадқиқотлари.

Бундай шароитда кузатиш тўғридан-тўғри ёки бевосита кузатиш фактларни қабул қилиб олиш, тушуниб етиш ва ўлчашдан иборат. Қабул қилиб олиш-сезиш органлари ёрдамида текширувчи объект аниқ жойда турганлигини қайд қилиш; тушуниб етиш танлаб олинган, қайд қилинган объект олдиндан аниқ ёки ноаниқлигини аниқлашдан, ўлчаш эса шу объектнинг сонини аниқлашдан иборат.

Билвосита кузатиш объектни бевосита кузатиш имконияти бўлмаганда амалга оширилади. Шундай объектдаги шахснинг тугма қобилияти, имкониятлари, интизомлилик, ростлик, камтарлик, камсукимлик каби хислатлари кириши мумкин. Бундай хислатларни бевосита кузатиш натижасида аниқлаш кийин. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи ўзига қулай кўрсаткичлардан фойдаланади.

Бевосита ва билвосита кузатиш билан бир қаторда фаол кузатиш ҳам қўлланилади. Фаол кузатишда дидактик жараёнда бевосита тадқиқотчининг ўзи ҳам катнашади ва жараённинг боришига таъсир этади. Бунда иштирок этишнинг ижобий томони шундан иборатки, тадқиқотчи бўлиб ўтаётган жараённинг икир-чикирларини тушуниб етади, бу эса ўқув жараёнини тадқиқот талабларига йўналтириш имконини беради. Бундай усул айрим камчиликларига қарамасдан, ижодкор-ўқитувчилар томонидан ўқувчилар фаолиятини фаоллаштиришда кенг қўлланилади.

Билвосита кузатиш тадқиқотчини ходисаларни ўрганишга кўпроқ жалб этишга имконият яратади. Машғулотлар стенограммалар, учинчи одам томонидан тайёрланган кузатиш баёнлари, фото-кинолавлар, расмлар, диаграммалар, статистик машғулотлар шулар жумласидандир. Бу хужжатлар педагогик фаолиятнинг натижаларини ҳамда ижтимоий муҳит, хусусан ўқитувчи фаолиятининг ўқувчи шахсида уйғотадиган ўзгаришларни кузатиш имконини беради.

Илмий-текшириш мақсадларни аниқлаш тадқиқотчини қизиқтириб қолган муаммоли ҳолатни таҳлил қилиш эҳтиёжидан келиб чиқади. Бундай ҳолатни таҳлил қилиш ва унда маълум ва номаълумларни аниқлаш, қўшимча адабиётларни аниқлаш, тажрибали шахсларнинг бу масалага берган баҳоси тадқиқотчининг асосий ва қўшимча муаммоларини аниқлаш имконини беради.

Ўзгарувчан параметрларни аниқлаш ва таҳлил қилиш. Ўзгарувчилар - бу текширилаётган объектда турли аҳамиятга эга бўлган омиллардир, ўзгарувчилар - текширилаётган объектнинг бизни қай томонда қизиқтираётганлиги ҳақида ахборот беради.

Таълимнинг салмоғи, ривожланиш тезлиги, таълим муассасасининг ютуқлари каби мураккаб ўзгарувчилар маълум шакллар асосида тартибга келтирилади.

М.С. Тарихий таққослаш методи ҳамда назарий таққослаш ва солиштириш методларини солиштиринг.

Муаммоларни гипотезалар занжирига айлантириш.

Тадқиқот жараённинг келгуси босқичи ҳисобланади. Тадқиқотнинг асосий муаммоси ёки шу муаммодан келиб чиқувчи саволларга тадқиқотчи дастлабки

хомаки жавоблар қидиради. Изланиш давомида у янги қўшимча ахборотлар тўплайди ва жавоблар янада ривожланиб боради. Шундай қилиб, қўйилган саволлар гипотезаларга айлана боради, келгуси қидириш йўналишларини белгилаб беради, бошқача айтганда, ишчи гипотезага айлана боради.

Педагогикадан олиб бориладиган илмий тадқиқотларнинг жиддий босқичларидан бири тадқиқот муаммосини ечиш бўйича бир ёки бир неча гипотезаларни белгилашдир. Гипотеза - бу муаммони ечишнинг тахминий йўлини илмий томондан тасдиқлаш демакдир. Тадқиқотчи қўйилган муаммони атрофлича, ҳамма ўзгарувчиларни ҳисобга олган ҳолда, таҳлил қилади. Гипотеза эмпирик жиҳатдан тасдиқланмоғи даркор.

Бунинг учун эксперимент лойихаси тузилиб, экспериментал тадқиқотлар ўтказилади.

Тадқиқот техникасини ва «асбоб-ускуналари»ни танлаш.

Бу тадқиқотни мазкур босқичида тадқиқот объекти ўзгарувчиларни танлашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Тадқиқот техникасини атамаси ёки тадқиқот усули ёки тадқиқот фаолиятининг кетма-кетлиги атамаси ишлатилади. Илмий усул бу илмий муаммони ечишда қайта-қайта ишлатиладиган усулдир. Тадқиқот техникаси деганда, тадқиқот муаммосини ечиш учун объект ва ходисалар ҳақида ахборот тўплашда тез-тез қайтариладиган усул тушунилади. Масалан, кузатиш усулида турли тадқиқот техникаси ишлатилади: клиник кузатиш, савол жавоб, танлаб текшириш ва ҳужжатлар таҳлили. Бундай технологиядаги ишлатувчи «асбоблар» турлича бўлади. Улардан кенг тарқалганлари анкеталаш, психологик ёки дидактик тестлардир.

Тезкор юз берадиган жараёнларни кабул қилиб, кейинчалик чуқур таҳлил қилиш учун махсус техникавий воситалар ҳам ишлатилади. Бўлардан фотоаппарат, кинокамера, проектр, магнитофон, видеоманитофон ёки улчов асбоблари ва бошқаларни курсатиб ўтиш мумкин.

Дидактик эксперимент методи. Экспериментни қўллаш натижасида тадқиқотчи дидактик амалиётга унинг ички таркибий тузилиши, қонуниятларини, таълим маъноси ва жараёнларини очиш мақсадида «шунгиди».

Агар кузатишда тадқиқотчи борлиқни қандай бўлса, шундайлигича идрок қилиб текширса, эксперимент жараёни бу борлиқни ўзгартириб, унинг ички қонуниятларини, унга таъсир этишнинг самарадор усуллари аниқлайди.

Экспериментнинг биринчи хусусияти шундан иборатки, унда тадқиқотчининг ўзи катнашади, ишни ташкил этади, амалга оширади ва натижани таҳлил қилади.

Иккинчи хусусияти - ўқув - тарбия жараёнининг ички қонуниятларини аниқлаш учун жараён шароитларини ўзгартириш имкони тугилади. Учинчи хусусияти - ўқув-тарбия жараёнини назорат қилиш, уларни аниқ улчаш имконидир. Туртинчи хусусияти - экспериментга илмий тус бериб, ишчи гипотезани аниқлаштиришдир. Демак, эксперимент шундай илмий-тадқиқот усулики, унда таълим-тарбия жараёнини назорат қилиш, улчаш ва ишчи гипотезани янада ойдинлаштириш имкони тугилади.

Юқорида кўрсатилган турт хусусият бажарилса, эксперимент лаборатория эксперименти ҳисобланади, биринчиси бажарилмаса, бу табиий эксперимент дейилади.

Педагогикадан илмий-тадқиқот ишларининг методологик асослари:

1. Шахснинг ижодий ва фаолиятлилик маъноси ҳақидаги таълимот.
2. Шахснинг ўзаро алоқа боғлаш ва ўзаро боғлиқлиги ҳақида таълимот.
3. Муносабатлар назарияси.
4. Мутахассис шахсини шакллантириш ҳақидаги назария.
5. Билиш фаолияти ҳақида таълимот.

Педагогик илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш илмий тадқиқот методлари:

Эмприк даражадаги методлар:

1. диагностик методлар (анкеталаш, ҳужжатларни урганиш, интервью уюштириш, суҳбатлар), социометрик методлар;
2. обсервацион методлар (бевосита ва билвосита кузатиш, тўғри ва ўзрокдан кузатиш, бевосита жараёнда катнашиш орқали кузатиш, ўз-ўзини кузатиш);
3. прогностик методлар (экспериментлар методи билан баҳолаш, бир-бирига боғлиқ бўлмаган характеристикаларни умумлаштириш, моделлаштириш, экстраполяция, шкалалаш, ранглаш ва бошқалар);
4. экспериментал методлар (сифат эксперименти, улчаш эксперименти, констатация эксперименти, шакллантириш эксперименти, прогностик эксперимент ва бошқалар);
5. праксиметрик методлар (фаолият натижаларини анализ қилиш, моделлаштириш, профессиографик ва психографик анализ, хронометраж);
6. математик методлар (корреляцион анализ, факторли анализ, дисперс анализ ва бошқалар).

Назарий даражадаги методлар:

1. Илмий билиш даражадаги методлар:
 - Психологик - педагогик ва социал адабиёт-ларни анализ қилиш;
 - эмприк материалларни синтез қилиш;
 - тупланган материалларни таснифлаш;
 - индукциялаш;
 - аналоглар кўриниши
 - моделлаштириш.
2. Мантикий анализга асосланган методлар:
 - ўхшашлик методлари;
 - ўзига ҳослигини аниқлаш методлари;
 - ўзига ҳос ўзвий боғлиқлиги ўзгаришларини анализ қилиш методи.

Илмий тадқиқот методлари:

1-боскич. Назарий изланиш боскичи. Бу боскичда тадқиқот муаммоси илмий жиҳатдан обдан уйлаб курилади.

Керак бўлган муаммони ҳозирги аҳолини чуқурроқ тушуниб етмок учун ўзрок ва яқин утмишни тарихий-назарий анализ қилинади. Натижада тадқиқотнинг туб негизи аникланади, тадқиқот мақсадига мос адекват методология ва тадқиқот методлари аникланади, тушунчалар аппарати киритилади, умумий ва хусусий гипотезалар, тахминлар қуйилади, тадқиқотни ташкиллаштириш элементлари белгиланади.

Бу боскичда яна тадқиқот объектининг (институт, мактаб, коллеж, лицей ва хоказолар) иш тажрибаси урганилади, умумлаштирилади ва анализ қилинади. Урганилаётган муаммо бўйича талабалар, битирувчилар, ўқитувчилар кўзатилади, суҳбат, анкеталар утказилади, интервьюлар олинади, ўқув - методик ва режалаштириш ҳисобот ҳужжатлари урганилади. Тадқиқот туб мақсадларини аниқлаштириш мақсадида изланиш экспериментлари утказилади.

2-боскич. Экспериментал - диагностик боскичда ўқув тарбия жараёнининг механизми, хоссалари, ўзига хос қарама-қаршиликлари, жараён ривожланишининг сифат белгилари, тезлиги, шиддаткорлиги, даражалари урганилади

Бу боскичда ҳисобга олиш эксперименти билан бир қаторда анкеталаш, суҳбатлар, ўз-ўзини баҳолаш, рейтинг баҳолаш, шкалалаш, ранглаш каби методлар орқали дастлабки синов шакиллантириш экспериментлари утказилади.

3-боскич. Тажриба экспериментал боскичда назарий ва методик ишланмалар, янги дарслик ўқув қўлланмалари, ўқитишнинг янги изчил методлари текшириб курилади ва тегишли аниқликлар киритилади.

4-боскич. Яқунловчи умумлаштириш боскичи ҳисобланади. Тадқиқот натижасида олинган натижалар яна бир бор системага солинади, ишлаб чиқилади, керак бўлган ҳолларда илмий- тадқиқот натижасида олинган методик йуриқномалар, хулосалар қайтадан текшириб курилади ёхуд ўқув юртлари амалиётида бевосита қўллаб курилиб, тегишли хулосалар олинади.

М.С. Эпприк даражадаги ва назарий даражадаги методларни таққосланг.

Мустақил таълимга оид топшириқлар.

1. Маъруза матнини ўқиб чиқиб, белгиланган ўқув мақсадларга еришганлик даражангизни аниқланг.
2. «Кластер» (ахборотларни ёйиш) методи ёрдамида педагогик тадқиқот методларини кўрсатинг.
3. Мавзуни ўқиш мабойнида инсерт усулини қўлланг.

4 -маъруза: Ислом дини ғояларининг таълим-тарбияга таъсири.

- 4.1. Ислом дини ва уни араблар томонидан тарқатилиши.
- 4.2.»Қуръон»-ислом ақидаларининг асосий манбаи сифатида.
- 4.3. Исломда таълим - тарбия.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари, Талаба бу мавзуни тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Ислом дини тарихи ва ёйилишини билади;
- Исломнинг шаърий маносини тушунтиради;
- Мусулмонлар билиши шарт бўлган фарзларни санайди;
- Қуръон оятларида келтирилган фикрларни таҳлил қилади;
- «Авесто» ва «Қуръон»даги фикрларни таққослайди;
- Ислом дини ғояларини қўллайди ;

- Мавзу бўйича инсерт усулини қўллайди;

Таянч сўз ва иборалар.

- Ислom дини, асосий фарзлар, ислomда таълим-тарбия, араблар истилоси, Қуръон-ислом динининг асосий манбаи, хадис, ислom динининг тарқатилиши.

4.1. Ислом дини ва уни араблар томонидан тарқатилиши.

VII аср бошларида ислом ғоясига асосланган Араб ҳалифалиги ташкил топиб, бу давлат ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун бошқа мамлакатларни ҳам забт этишни бошлади. Бутун Арабистон ярим ороли шунингдек, Эрон, Кавказ орти, Сурия, Шимолий Африка, Жанубий Испания ҳалифалик таркибига киритилди.

VII аср ўрталаридан бошлаб араблар Мовароуннахрга ҳам хужум қилиш режасини туза бошладилар.

Араб истилочиларининг биринчи юриши 651 йилда Убайдуллох ибн Зиёд бошчилигида амалга оширилди. 676 йилда эса Саид ибн Усмон раҳбарлигида Бухоро, Сугдиёна, Кеш, Насаф шаҳарларига хужум қилинди.

Араб истилочиларининг иккинчи юриши 705 йилда Хуросон ҳокими Қутайба ибн Муслим томонидан бошланди. У 706 йилда Зарафшон водийсига юриш бошлаб, Пойкенд, Бухоро, Самарканд, Сугд, Фаргона ва бошқа шаҳарларни қўлга киритди, сўнг Хоразмни забт этди. Қутайбанинг истилочилик юриши у 715 йилда араб қўзғолончи жангчилар томонидан Фарғонада ўлдирилгандан сўнг тўхтади.

VIII асрнинг ўрталарига келибгина араблар Мовароуннахрни забт этишга тўла эришдилар.

Араб истилочилари босиб олинган ерларда халқни ислом динига киришга бошладилар. Тарихчи ат-Табарийнинг «Ат-Табарий тарихи», Наршахийнинг «Бухоро тарихи», В.В.Бартольднинг тарихий асарларида келтирилишича, араб истилочиларининг Мовароуннахр халқини ислом динига киритиш жараёни қийин кечган ва бир неча йилларга чўзилган. Чунки Мовароуннахр араб истилочиларига ҳам маънавий, ҳам иқтисодий тараққий этган мамлакат бўлиб, унинг аҳолиси араб босқинчиларига тезда бўйсуна қолмади. Аҳолини истилочиларга бўйсунитишни истамаганлигининг асосий сабабларидан бири истибдод ва қатағонлар билан бир қаторда, босқинчиларнинг маҳаллий халқнинг йиллар давомида таркиб топган бой маънавий мероси-санъати, адабиёти, ёзувини поймол этишга ҳаракат қилганлиги ҳам бўлди. Шунинг учун ҳам араб истилочилари халқни бўйсундириш учун ҳарбийлар билан бир қаторда, ислом дини тарғиботчиларидан ҳам фойдаландилар ва аста секин маълум натижаларга эриша бошладилар. Чунки Мовароуннахрда одамлар исломга қадар ҳар хил ҳудоларга, Қуёшга, Кўк динга (Шаман), муқаддас нарсаларга топинар, маълум бир ғоявий эътиқод бутун бир ўлкада таркиб топмаган эди. Шунинг учун ҳам ислом динининг ёйилиши у билан бирга шарият қонун-қоидалари, ақидаларга риоя этиш, ягона Аллохга сиғиниш ва Аллохнинг расули Муҳаммад Алайҳиссалом кўрсатмаларига амал қилиш халқнинг онгига таъсир этиб, уларни бу динни қабул эта бошлашига олиб келди ва исломий қадриятлар таркиб топишига йўл очди.

Араблар ислом динини тарқатишда турли усуллардан фойдаландилар. Жумладан, ислом динини қабул қилганлар солиқлардан озод этилди.

Ислом Арабистон ярим оролида унинг кўп асрлик тарихидан ўсиб чиққан яхлит диний-сиёсий оқим сифатида вужудга келган бўлса, айтиш пайтда у қадимги дунёни идрок этишнинг тушқунлиги ва ўрта аср жамиятининг тикланиш даврида бутун Яқин Шарқ маънавий эҳтиёжига акс-садо ҳам бўлди. Сиёсий ғалаба ҳамда ўзига янги ва ўзга қарашларни сингдира билиш туфайли у ўрта аср даври борлиқни

мафкўравий идрок этишнинг асосий шаклларида бўлиб қолди. Ислоннинг ғалаба қилишида унинг асосчиси, Аллохнинг вакили бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад Алайхиссаломнинг шахси катта роль ўйнади. Қуръон оятларини ўзгалик билан ўзликнинг ислондаги уйғунлашувини аниқ белгилаш, унинг асосий шахсини кўра олиш, хис этиш имконини беради.

Мовороуннахрда бошқа истило этилган давлатлар қаторида ислон дини билан бирга мазкур диннинг муқаддас китоби “Қуръон”нинг тили, араб тилини ўрганиш жорий этилди. Бу китобни бошқа тилларга таржима қилиш тақиқланди.

Мусулмон мактабларида араб тили муҳим фан сифатида ўқитиларди, билим шу тилда ўрганилар эди. Арабистондаги каби Мовороуннахрда ҳам барча масжидлар хузурида мактаблар очилди ва ўғил болаларга шу мактабда Қуръон ўқишни ўргатишига фармон берилди. Болаларни шу масжид имоми ўқитар эди.

4.2. «Қуръон»-ислом ақидаларининг асосий манбаи сифатида.

Ислон ақидаларининг унинг ахлоқий-хуқуқий тамойилларининг асосий манбаи «Қуръон» дир.

Ислоннинг шарий маъноси - бу аллох ягона деб эътиқод қилиб, унга бўйсунмоқлик ва бутун қалб билан унга ихлос қилмоқлик ва Аллох буюрган диний эътиқодга иймон келтирмоқлик демакдир.

Аллохга итоат қилган ва Аллох юборган пайғамбарларга эргашган киши мусулмон дейилади.

Илохиятда ислон дини имон, ислон ва эҳсондан иборат, деб эътироф этилган. Имон талаблари ва Аллохга эътиқод, фаришталарга, муқаддас китоб ва пайғамбарларга, охират кунига, тақдири азалга ва ўлгандан кейин тирилишга ишонишдир.

Мусулмон таълимотига кўра, ҳар бир мусулмон ушбу бешта асосий рукни бажариши зарур:

Биринчиси «Ла илаҳа иллаллоҳ ва Муҳаммадур-расулуллоҳ» деб шаҳодатлик бериш;

Иккинчиси - намоз ўқиш;

Учинчиси - закот бериш;

Тўртинчиси - рамазон ойида рўза тутиш;

Бешинчиси - имконига кўра ҳаж қилиш.

Ислон динининг асосчиси ва тарғиботчиси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 750 йилда Маккада Қурайиш қабиласига мансуб Хошимийлар хонадонида туғилади.

Оталари Абдуллоҳ Шом сафарига кетаётиб Мадина шаҳрида вафот топдилар, ёшлари 30 га етмаган эди. Пайғамбаримиз беш ёшларида оналари Оминадан ҳам ажрадилар, энди уларни боболари Абдул Муталлиб зиёда меҳрибончилик кўрсатиб ўз тарбияларига олдилар. Бу чоғда Абдул Муталлибнинг ёшлари юздан ошган эди. Кўп ўтмай улар ҳам бандаликни бажо келтиргач, болаларнинг васиятига кўра, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайхиссаломни амакилари Абу Толиб ўз тарбияларига оладилар.

Орадан йиллар ўтиб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайхиссалом 609-610 йиллардан яқка худога эътиқод қилиш ғоясини тарғиб эта бошладилар. Хазрати

Ҳадича онамиз уларга бир умр хар жихатдан маслакдош, ҳамроҳ - ҳамфикр бўлиб келган эдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Алайхиссаломнинг ғоявий эътиқодларига қарши фикрлар ва Макка мушриқларининг адовати кучайгандан кучайди. Бир неча урушлар бўлди. Шундан сўнг Аллохнинг изни билан Мадинага қараб йўл олдилар. Мусулмонларнинг хижрий йил ҳисоби шу йилдан бошланади.

Мадинада қабилалар қўшилиб, янги иттифоқ - жамоа тузилади. Бора-бора Мадинада мусулмон жамоалари кучли давлатга айланади.

632 йилда Муҳаммад алайхиссалом Маккага хаж қиладилар. Лекин бу хаж Пайғамбаримиз Муҳаммад алайхиссалом учун сўнгги хаж бўлиб, орадан уч ой ўтгач, 632 йилда Мадинада вафот этадилар.

Бу пайтда мусулмон давлати Ямандан Синай ярим оролигача, қизил денгиз сохилларидан Марказий Қум саҳросигача бўлган майдонни ўз тасарруфига олиб, мавқеини анча мустаҳкамлаб олган эди.

Муҳаммад Алайхиссалом вафотларидан сўнг давлатни халифалар бошкардилар. Бўлар: Абу Бакр ас-Сиддиқ (632-634йиллар), сўнгра Умар ибн Ал-Хоттоб (634-644 й), сўнгра Усмон ибн Аффон (644-656й) ва нихоят Али ибн Абу Толиб пайғамбаримиз амакиларининг ўғиллари ҳамда куёвлари эдилар.

Ҳалифалар даврида ислом таълимоти мустаҳкамланди. Пайғамбаримизга нозил бўлган «Қуръон»и Карим вақтики келиб саҳобалар томонидан жамланди.

/арб ва Шарқ тадқиқотчилари «Қуръон» ни жаҳон маданиятининг энг нодир асарларидан деб ҳисоблайдилар.

Хат - саводи бўлган Абу Бакр, Умар, Усмон, Али Зайд ибн Собит, Убай ибн Коаблар «Қуръон» оятларини 23 йил давомида ёд олиб борганлар ва хат билан битганлар.

Уни биринчи бўлиб саҳобалардан Зайд ибн Собит кийик терисидан бўлган саҳифаларга кўчирган. Учинчи халифа Усмон уни олти нусха кўчиртириб, марказий шаҳарларга биттадан юбориб, Қуръонни фақат ана шу нусхасидан фойдаланишга фармон беради. Шундай қилиб, «Қуръон» мусулмонларнинг диний, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида доимий қўлланма бўлиб қолади.

Маълумки, ислом ақидалари, эътиқод ва талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий нормалари «Қуръон» ва унинг тафсирларида, «Ҳадиси Шариф» ҳамда шарият қўлланмаларида ва илоҳиёт адабиётларида ифодаланган.

«Қуръон» - дунё маданиятининг улкан бойлиги, барча мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлиб, араб тилида «Қироат» маъносини англатади. «Қуръон» 114 сурадан иборат. «Қуръон» кишиларни тенгликка, биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка ундайди. Шунга кўра, у катта ахлоқий қимматга эга. «Қуръон»нинг ахлоқий қиммати ҳақида фикр юритилар экан, унинг инсоннинг маънавий камолга етишишида қай даражада муҳим ўринга эга эканлигига амин бўламиз. Шунинг учун у мана неча асрлардан бери инсониятнинг энг улуғ қадрияти сифатида эъзозланиб келинмоқда.

Лекин ислом ақидаларининг, унинг ахлоқий, ҳуқуқий талабларининг асосий манбаи саналган «Қуръон» шўро мафкураси томонидан қораланиб келинди. У инсоннинг қадр-қимматини камситади, билиш ва яратувчилик қобилиятини инкор этади, ақлнинг, ижодий кучларнинг аҳамиятини йўққа чиқарувчи, умуман, инсон

иродаси эркинлигини, унинг яратувчилик ролини камситадиган, одамнинг истедодини ижтимоий-фойдали меҳнатдан чалғитадиган таълимотни илгари суради, деб бир ёқлама ва тескари ташвиқот қилинди.

М.С. Шариат деганда нимани тушунасиз?

4.3. Исломда таълим - тарбия.

Аслини олганда, исломда, шўро мафкўрачилари таъқидлаганидек, дин ва дунё алохида-алохида олиб қаралмайди. Ислом инсоннинг рухий тарбиясига ҳам, жисмоний тарбиясига ҳам эътибор беради.

Ислом одамларни яхшиликка даъват этади, ёмонликдан қайтаради. Инсонпарварликни тарғиб этиб, разолатни қоралайди, одоб-ахлоқ, рухий-маънавий поклик ва етукликка, меҳнат қилишга ҳамда ер юзини обод ва гўзал этишга ундайди. У адолат, тенглик, тинчлик, эркин тараннум этади.

Буни биз «Қуръон» нинг инсоннинг камолотга эришишига қай даражада ўрин эгаллашини, унинг инсонга, бутун борликка муносабати, турмуш тарзи ва хулқ-одоб меъёрларини таркиб топтиришда улкан аҳамиятидан ҳам билсак бўлади.

Маълумки, илм-фан тараққиёти инсоннинг ахлоқий камолга етишида катта аҳамиятга эга. Шунга кўра, хулқ-одоб қоидаларини таркиб топтиришга «Қуръон»да асосий эътибор берилади. Хар бир шахснинг, жамиятнинг равнақ топишида ахлоқнинг асосий роли тасвирланади. Зеро, жамият асоси бўлган хар бир кишининг ахлоқ-сизлиги жамиятга қай даражада зарар етказса, яхши ахлоқли киши-лар уларнинг равнакига шунча хисса кушадилар.

«Қуръон»да хар бир мўмин-мусулмон бажариши зарур бўлган яхши хулқлар инсоннинг ҳақиқий камолотга ундовчи инсоний фазилатлардир, деб тушунтирилади. Чунки ислом динининг асосий мақсади ҳам ёмонликни олдини олиш, кишиларга ёмонликнинг хунук оқибатларини тушунтириш ҳамда уларни доимо тўғри йўлда юришга чақиришдан иборатдир.

«Қуръон»да инсонда имоннинг ўзига хос мезони саналган саховат, меҳмоннавозлик, жасорат, сабр ва қаноат, тўғрилиқ, вафодорлик ва содиқликка катта эътибор берилган.

Шунданми, инсондаги ахлоқий хислатлардан энг муҳими хайру эҳсон ҳақида алохида фикр юритилади. Унда эҳсон кенг қамровда олинади. Унга муомала ҳам, инсон амалга оширадиган барча яхши ишлар ҳам киритилади. Эҳсон-инсоннинг табиий вазифаси бўлиши кераклиги талкин этилади. Чунки неъматларни ўзидан бошқаларга эҳсон этиши керак: «Аллох сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (Аллохнинг бандаларига) инфок-эҳсон қил», - дейилади «Касас» сурасининг 77-оятида. Шунингдек, ким бировга эҳсон қилса, унинг фойдаси уша кишининг ўзига қайтиши, чунки бировга яхшилик қилган киши ўзида рухий қаноат хис этиши, бошқалар томонидан хурмат-эҳтиромга сазовор бўлиши таъкидланади. Кишилардаги бу яхши хислат «Анъом» сурасининг 160 оятида «Ким бирон чиройли амал қилса, унга ун баробар қилиб қайтарилиур. Ким бирон ёмон иш қилса, фақат ушанинг баробаринда жазоланур», - деб таърифланади.

«Қуръони Карим»да эҳсонга лойиқ кишиларга биринчи навбатда ота-оналар киритилади ва ота-она ҳаққи белгилаб берилади. «Ал-Исро» сурасининг 23-24 оятларида ота-онага яхшилик - Аллоҳ таолога ибодат қилишдан кейинги иккинчи вазифа сифатида таъкидланади. Ота-она ҳар қандай инсон бўлишидан катъий назар фарзанд уларга нисбатан ҳурмат сақлаши, уларни сўзларини қайтармаслиги; ота-она ҳам болани дунёга келтириш билан бирга, фарзандга таълим-тарбия ҳам берганлигини унутмай, ҳаққига доимо тайёр туриш таъкидланади.

Мазкур оятларда энг олий инсоний муомала қоидалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- ота-она хатти - ҳаракатининг фарзандга малол келмаслиги,
- ота-она билан гаплашганда уларга ботадиган сўз айтмаслик,
- ота-онага эҳтиром бажо келтириш,
- ота-онага раҳм - шафқат қилиш,
- уларни ҳаққига дуо қилиш.

«Қуръон»да фақат ота-она эмас, оиланинг бошқа аъзоларига: қариндошлар, етимлар, камбағаллар, қўни-қўшниларга ҳам яхшилик қилиш таъкидланган. «Нисо» сурасининг 36 - оятида «Ота-онангизга ҳамда қариндош-уруғ, етим ва мискинларга, қариндош қушни ва бегона қушнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга» яхшилик қилингиз!» дея кишиларни бир-бирига яхшилик қилишга ундайди. Бу оят катта ахлоқий-ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги жамиятни мустаҳкамлашга, ҳар бир етимга ғамхурлик эса жамиятнинг тақдири учун ҳаракат қиладиган маънавий юксак инсонни камолга етказишга олиб келади. Қўни-қўшнилар билан тотувлик маҳаллани мустаҳкамлашга ёрдам беради, бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг барқарорлигига олиб келади. Демак, юқоридаги сура оила ва жамият ўртасидаги мустаҳкам алоқани ҳам ифода этади.

«Қуръон»да сабрни ҳам эҳсон билан бир қаторда саналади: «Эй Муҳаммад, машаққат ва озорларга сабр қилинг! Зотан, Аллоҳ чиройли амал қилувчиларнинг ажр - мукофотларни зое этмас», - дейилади «Худ» сурасининг 115- оятида.

«Қуръон»да сабр қаноатга юксак ахлоқий фазилат сифатида катта эътибор берилади. Шунинг учун ҳам сабр «Қуръон»да энг кўп зикр этиладиган ахлоқий хислатдир. «Қуръон»да таълим берилишича, сабр инсонда қуйидаги хислатларни камол топтиради. Масалан, шижоат қийинчиликларга сабр қилиш натижасида намоён бўлса, ифбат-шахвоний хирсга сабр қилишдан иборат, халимлик - жahlга сабр қилиш мезони сифатида талқин этилади.

«Қуръон»да яна инсонни ахлоқий камолга етказишга зид хусусиятлар: манманлик, ароқхўрлик ва қиморбозлик, ёлғончилик, бошқаларни камситиш, бадгумонлик, чақимчилик, ғийбатчилик, маиший бўзуқлик, ғазабноклик, ҳасадгўйлик, очкўзлик кабилар хусусида ҳам ибратли фикрлар билдирилган.

Манманлик - ўз айбини тан олмаслик, такаббурлик саналади. Манманлик иллати кишиларни соғлом фикр юритишдан, ўзини такомиллаштириб боришдан маҳрум этади. Натижада жаҳолат иллати пайдо бўлади.

«Аъроф» сурасини 146-оятида: «Энди ерда ноҳақ кибру ҳаво қилиб юрадиган, агар барча оят-муъжизаларни кўрсалар ҳам, уларга иймон келтирмайдиган, тўғри - ҳақ йўлни кўрсалар уни (ўзлари учун) йўл қилиб

олмайдиган, агар залолат - нотўғри йўлни кўрсалар, уни йўл қилиб оладиган кимсаларни ўз оят-муъжизаларимдан буриб юборурман (яъни англаб етмайдиган қилиб кўюрман)», - дейилади.

Юқоридаги оятда ва «Қуръон»нинг бошқа оятларида ҳам манманликнинг ёмон оқибатларга олиб келиши таъкидланади. Инсон гўзаллиги билан ҳам, мол-дунёси билан ҳам гердайиши мумкин эмаслиги баён этилиб, «Исро» сурасининг 37-оятида: «Ер юзида кибр-хаво билан юрмагин! Чунки сен (оёқларинг билан) харгиз ерни тешиб (унинг тубига) кета олмайсан ва бўйи бастда тоғларга етолмайсан», - дейилади ва манманликдан қайтарилади.

«Қуръон»да ёлғончилик ва унинг турлари, зарарли оқибатлари ҳақида ҳам батафсил тўхтаб ўтилган. Унда ёлғончилик разолат билан баровар қўйилади. Одамлар ёлғончи кишининг гапларига ишонмай қўядилар, ишончларини йўқотадилар, «Қуръон»да ёлғончилар ҳақида шундай дейилади: «Албатта, Оллох хаддан ошгувчи, ёлғончи кимсаларни хидоят қилмайди» («Гофир» сураси, 28- оят).

Лекин, баъзида эзгу мақсадлар йўлида ёлғон ишлатиш гуноҳ эмаслиги ҳам уқтирилади.

«Қуръон»да ёлғончиликнинг турлари ҳам баён этилади. Шулардан энг хавфлиси хиёнат деб таъкидланади. Чунки хиёнат жамият учун ҳам, шу жамиятда яшовчи одамлар учун ҳам зарар келтириб, уни хароб этади дейилади, «Андол» сурасининг 27-оятида. «Нисо» сурасининг 107-оятида хиёнат қилганларни Аллох кечирмаслиги такидланган.

Ёлғончиликнинг яна бир тури ваъдага вафо қилмаслик, деб кўрсатилган. Иродасиз, бировга яхшиликни раво кўрмайдиган ишончсиз кишилар ваъдасига вафо қилмаслиги баён этилади. Исломда ваъдага вафо қилмаслик-мунофиқлик деб тушунтирилади. Хадисларда ҳам «Мунофиқликнинг белгиси учта: гапирса ёлғон гапиради, ваъда берса вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади», - дейилади.

«Қуръон»да ёлғон гувоҳлик бериш ҳам кишиларга жабр зулм ўтказишга сабаб бўлиши, чақимчилик эса ёлғоннинг бир тури сифатида, кишилар ўртасига нифоқ солувчи разолат сифатида қаралади.

«Қуръон»да ҳақиқий инсон бир-бирини камситмаслиги, бошқаларни ҳурмат қилиши, шу билан кишилар ўртасида тотувликни мустахкамлашни мумкин эканлиги каби ғоялар ҳам мавжуд. Кишиларнинг бир-бирини ҳурмат қилиши, ўзаро алоқаларни мустахкамлаши, келишмовчиликларнинг олдини олишда, хуллас комил инсонга хос бўлмаган пасткашликлардан сақланишда улар катта аҳамиятга эга.

«Қуръон»да инсоннинг рухий ва маънавий камолга етишига тўсқинлик қилувчи салбий хислатлардан бири ғазаб деб кўрсатилади. У рухий разолат сифатида талқин этилади. Чунки ғазаб келганда ақл қочади, инсон ўз иродасини идора қила олмай қолади, ўз манфаати, обрўсини химоя қиламан деб, жохилликка йўл қўяди. Хатто ғазаб инсон саломатлигига ҳам зарар етказади. Шунинг учун ҳам ислом инсонни ақл ва инсофга, босиқлик билан иш тутишга, ўз хиссиётларини бошқара олишга чақиради. Чунки ғазаб келганда чиқарилган ҳукм, амалга оширилган хатти-ҳаракат жохиллик белгиси ҳисобланади. Хатто ғазабни босиш билан бирга, ғазабни қўзғаган шахсни кечири олиш даражасида ўзини бошқара олиш иродасига эга бўлиш кераклиги ҳам уқтирилади.

«Қуръон»да таълим берилишича бойлик абадий эмас, ҳақиқат ва яхшилик абадийдир. Баъзилар мол-дунёси ортганда манманлик «касали» га гирифтор бўлади, ақл ва адолатни унатади. Шунинг учун «Қуръон»да инсон бойлик орттирса, ҳаддидан ошади, дейилади ва бандаларини бойлик орттирган чоғида кекқайиб, гердайиб кетишидан сақланишига чақиради.

Ислом таълимотида илгари сурилган муҳим ғоялардан яна бири ва унинг энг муҳим таркибий қисми поклик ва тозалikka риоя қилишдир.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом шу пайтгача шуро мафкурасида унинг халқлар ўртасида душманлик руҳини сингдирувчи, инсоннинг кадр-қимматини камситувчи, билиш ва яратувчилик қобилиятларини, ақлнинг, инсон ижодий қобилиятининг кучини, инсон иродасининг эркинлигини инкор этувчи дин сифатида танқид қилиб келинди. Лекин, биз юқорида кўриб ўтган масалалар бундай фикрлар асоссиз эканлигини кўрсатди. Ислом ва унинг асосий таълимоти мужассамланган «Қуръони карим»да инсонни ҳам ақлий, ҳам ахлоқий, ҳам жисмоний шакллантиришда, бир сўз билан айтганда, комил инсонни тарбиялашда муҳим манба эканлиги намоён бўлади.

М.С. Сахийлик ва бахилликни баҳоланг.

Мустақил таълимга оид топшириқлар.

1. Белгиланган мақсадларга эришганлик даражангизни текширинг.
2. Хадис ва ривоятлардан наъмуналар келтиринг.

5 - маъруза. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Туркистон ўлкасида таълим-тарбия ва педагогик фикрлар.

5.1. Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиёти.

5.2. Туркистонда рус тузем мактабларининг ташкил топиши.

5.3. Туркистонда жадидчилик маърифати ва таълим - тарбия.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Туркистонда диний - исломий тарбиявий муассасаларни билади;
- Мусулмон мактабларида таълим тизимини тушинтради;
- Мусулмон мактабларини ва рус тизим мактаблари таққослайди;
- Рус-тузем мактаблари моҳиятини айтади;
- Жадидчилик ҳаракати ва намоёндаларини санайди;
- Инсерт усулини қўллайди;

Таянч сўз ва иборалар.

Мусулмон мактаблари, рус-тузем мактаблари, жадидчилик ҳаракати, Исмоилбек Гаспирали, усули жадид, дастури Маржоний.

5.1. Туркистон ўлкасида диний-исломий тарбиявий муассасалар ва педагогик фикр тараққиёти.

XIX асрнинг ўрталарида Туркистон ўлкасида бошланғич маълумот берадиган мактаб ҳамда ўрта ва олий диний таълим берадиган мадрасалар мавжуд эди. Мактабларнинг аксарияти, шу жумладан, қишлоқ мактабларининг кўпчилиги диний ва таълим берувчи энг оддий бошланғич мактаблар эди, холос. Бу мактабда мачитларнинг имомлари, саводхон муллалар дарс берардилар. Бундай мактабларда ўқитиш энг оддий диний вазифаларни ўргатиш билан, яъни араб тилида ёзилган Қуръонни ўқишни ўргатиш, ҳар бир мусулмон учун зарур бўлган асосий вазифаларни билдириш билан чекланади.

Шаҳар мактабларида диний таълимдан ташқари, умумий таълим элементлари - ёзиш ва ҳисоблаш йўллари ўргатилад, халқ орасида машҳур шоирларнинг шеър ва ғазаллари ўқитилар эди. Одатда, бундай мактабларнинг ўқувчилари бадавлат оилаларнинг болалари эди. Улар ўқишни тамомлаб, олган билимларини савдо-сотик ишларида, хунарамандчилик устахоналарида қўллар эдилар, баъзилари қўшимча таълим олиб, хаттотлик касби билан шуғулланар, баъзилари мадрасага кириб ўқишни давом эттирар эдилар.

Олий диний мактаб бўлган мадрасада ўрта асрларга оид диний фалсафа ва мусулмон ҳуқуқлари, араб тилининг грамматикаси ва мантиқ илмларидан дарс ўтиларди. Мадрасани тамомлаб чиққанлар имомлик билан шуғулланиш ва қозихоналарда ишлаш ҳуқуқига эга бўлар эдилар. Мактаб ва мадрасаларда асосан ўғил болалар ўқитилар эди. Шаҳарлардаги диний мактабларда баъзи домлаларнинг хотинлари - отинойилар қизларни ҳам ўқитиш билан шуғулланар эдилар. Мактаб ва мадрасаларда дарс ўзбек, араб ва форс-тожик тилларида олиб борилар эди.

Мусулмон мактабларида таълим тизими 4 тоифага бўлинган эди.

1.Қуйи мактаб - бу мактабларда ўғил болаларга савод ўргатилган (4йил).

2.Халилхона мактаби - (намоз) ёд олдириб ўргатилган.

3.Корихона - Қуръон ёд олинган.

4.Мактаб интернат - ўрта мадраса бўлиб, бу мактабда ҳам диний, ҳам дунёвий фанлар ўқитилиб ўрта маълумот берилган.

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олингандан сўнг мактаб ва мадрасаларда баъзи ўзгаришлар юз берди. Мусулмон мактаблари учун босмахонада чоп қилинган дарсликлар пайдо бўлди. Козонда босмахонада нашр қилинган Қуръон ва ҳафтияклар, Хиндистон ва Эрондан шоирларнинг литографияда чоп қилинган тўпламлари келтирилган, Тошкентнинг ўзида ҳам мактаблар учун дарсликларни литография усулида нашр қилиш йўлга қўйилди.

Мустамлака маъмурияти машғулотлар ўрта аср тартибида олиб борилаётган мусулмон мактабларининг ишига аралашмас эдилар. Аммо мактабларда рус тилини рағбатлантирувчи чоралар қуришга ҳам ҳаракат қилинарди. Натижада маҳаллий ёшлар рус тилини ўрганишга кўпроқ эътибор бера бошладилар. XX аср бошларида эса мадрасаларда рус тилини ўқитиш жорий қилинсин, деган кўрсатмага биноан 1913-1917 йилларда баъзи мадрасаларда рус тилини ўқитиш жорий қилинди.

М.С. Аввалги мадраса билан ҳозирги вақтдаги мадрасанинг фарқини тушунтиринг.

5.2. Туркистонда рус тузем мактабларининг ташкил топиши.

Эски мактабларда ҳам баъзи ўзгаришлар содир бўлди. Рус тузем мактаблари ҳамда янги хил мактабларнинг таъсири остида баъзи эски усул мактабларда бирмунча янгиликлар жорий қилинди-литографияда бирмунча янгиликлар жорий қилинди, қизларга ўқитишни ўргатиш билан бирга ёзишни ҳам ўргатишга киришилди. Бу янгиликларга кўра ўзбек мактаблари ҳаётида катта ўзгаришлар руй берди.

Асримиз бошларига келиб, Туркистон ўлкасидаги йирик марказий шаҳарларда олий таълим маскани ҳисобланган қуйидаги мадрасалар - Бухорода-80, Қўқонда-40, Самарқандда-22, Марғилонда-28, Тошкентда-17, Хива хонлигида-130 мавжуд бўлиб, уларда 400 дан 5000 тагача талаба тахсил олар эди.

1906 йилга келиб, биргина Самарқанд вилоятининг ўзида 1510 та мусулмон мактаби бор эди, уларда 1482 ўқитувчи 12740 талабага сабоқ берилган.

Умуман олганда Туркистон ўлкасида 1905-1906 йилларда 5290 та мактаб бўлиб, уларда 70955 талаба таълим олган.

Бу даврга келиб маҳаллий фуқаро болаларидан илмли кишилар тайёрлаш мақсадида Хева хони Сайид Муҳаммад Раҳимхон Боходирхон соний - Феруз (1844-1910й.) катта ишларни амалга оширди. Бевосита унинг ташаббуси билан 1844 йили ўз саройида мактаб очилиб, бу мактабда рус ўқитувчиси ва Мирзо, Раҳмонқули қори каби маҳоратли таълим-тарбия усталари ёшларга билим бериш ишлари билан шуғулландилар.

Феруз фармонига мувофиқ 1904 йилнинг 10 ноябрида Урганчда биринчи янги усул мактаби очилди. Унда Хусайн Кушаев деган Туркиядан келган ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бера бошлади.

Хусайн Кушаев 1906-1907 ўқув йилида хонликда илғор маърифатпарвар кишиларнинг истакларини ҳисобга олиб, Урганчда қизлар мактаби ташкил қилди. Феруз унга хомийлик қилиб, хазина ҳисобидан мактаб учун алоҳида маблағ ажратиб берди.

Феруз хомийлигидаги бу мактабда Хусайн Кушаевнинг турмуш ўртоғи Комила Кушаева қизларга билим бера бошлади.

1909 йилга келиб, Феруз қўл остидаги мадрасалар сони 130 тага етиб, ундаги муллавақчалар 2300 кишидан ортиб кетди.

Феруз Хева зиёлилари орасида нуфузли ўринни эгаллаган Комил Хоразмийни Тошкент шаҳрида гимназия ва мактаблардаги ўқитиш усулини ўрганиб келиши мақсадида сафарга жўнатади. Сафардан қайтгач Комил Хоразмий бу соҳадаги ишларни анчагина жонлантириб юборди.

Мазкур мактаб ўқув дастури ҳамда режасига - риёзиёт, тарих, жуғрофия, табиат, рус тили, маҳаллий савод (она тили) ва исломшунослик фанлари ўқитиш белгиланади. Машғулоти жараёнида Шарқ мутафаккирлари - Навоий, Ғоли, Бедил, Саъдий-Шерозий, Машраб, Сўфи Оллоёр кабилар билан бир қаторда рус шоир, ёзувчиларининг асарларини ўрганилди. Шунингдек, у, воҳада санъат, маориф ва маданият ривожига раҳнамолик қилиб, саройда «Подшоҳи замон типолитографияси»ни ташкил қилди.

«Литография» - юнонча сўз бўлиб «Литос»-тош ва «Графос»-ёзаман деган маънони билдиради. Бу атама ўзбек тилида тошбосма тарзида қўлланиб келинган.

Феруз саройидаги бу тошбосмахонада илк бор Абу Наср Фаробийнинг «Нисобус-сибиён» (Болалар насибаси), Алишер Навоийнинг «Ҳамса» асаридан парча, «Хайрат ул-аброр» достони, Шермуҳаммад Мунисининг «Мунис ул-ушшок» девони, Ёқубхўжа ибн Иброҳимхўжанинги «Девони холис» тўплами, Ферузнинг «Девони Феруз» ва бошқа ўнлаб асарлар нашр этилган.

Маълумки, Марказий Осиё заминида Темурийлар ҳукмронлиги инқирозга юз тутгандан кейин, бу ўлкани қўлга киритиш учун жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари ҳаракат қилдилар. Ана шулардан бири чор Россияси эди.

Россиянинг босқинчилик юриши XIX асрнинг 2-ярмига келиб, Бухоро амирлиги, Хива ҳамда Қўқон хонликларига қаратилди.

Бу уч мустақил давлат ўртасидаги ўзаро зиддиятлардан фойдаланган рус давлати Марказий Осиёни босиб олиш учун қулай шароит етилди, деб ҳисоблаб ҳужум бошладилар ва дастлаб Қозоғистонни ўзларига тобе қилдилар. Сўнгра Қозоғистон орқали 1864 йилда Туркменистон, Чимкент, Авлиё отани, 1865 йилда Тошкентни забт этдилар. 1867 йилда Еттисув вилояти, 1868 йилда Самарқанд, 1876 йилда Фарғона вилояти Россия қўлига ўтди.

1876 йил 19 февралда подшо Александр II Қўқон хонлиги тугатилганлиги тўғрисида буйруққа имзо чекди. 1885 йилга келиб Марказий Осиёнинг ҳамма ерлари Россия тасарруфига ўтади ва ўлкада Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилади. Шу билан Марказий Осиё мустамлака давлатига айлантирилади.

Туркистон ўлкаси Россия томонидан босиб олинган, чор маъмурлари минг-минглаб рус оилалари Марказий Осиёга кўчиб келади. Фарғона вилояти, Сирдарё, Самарқанд ва бошқа вилоятдаги (шаҳарлар) маҳаллий деҳқонларнинг серунум ерлари тортиб олиниб, уларга берилади.

Рус мухожирлари Туркистон генерал-губернаторининг фармонида биноан ўлкада рус мактаблари, рус тузем мактаблари, гимназия каби мактабларни очиш ва бу мактабларни кенгайтириш ҳисобига маҳаллий мактаблар, мактаб мадрасаларни сиқиб чиқариш мақсадида маориф ислохотини ўтказиш бошладилар.

Бу билан гўёки, улар Марказий Осиё аҳолисини саводхонлик даражасини оширмоқчи бўлдилар ва ҳар бир қилинган ишни бўрттириб кўрсатишга уриндилар.

1917 йилги тўнтаришгача 21% саводхон бўлган ўлка аҳолисини, ёппасига саводсиз эди, деяр камситишга уриндилар, қуруқ бўхтон ёғдирдилар.

Ўлка аҳолисини саводхон қилиш учун энг аввало рус, рус тузем, гимназия каби ўқув масканлари керак, мадраса ва «усули қадимия» эски усул мактабларида, отинлар мактабларида савод чиқариб бўлмайдиган сиёсатни юргизишга ҳаракат қилдилар.

Бунга биз 1897 йилдаги Россия томонидан ўтказилган аҳоли рўйхати маълумотларини кўрсатишимиз мумкин. Масалан, ўша аҳоли рўйхатида қайд этилишича, Марказий (Ўрта) Осиё аҳолисининг саводхонлик даражаси қуйидагича белгиланган:

Тожиқлар - 99,5% саводсиз

Қирғизлар - 99,4% саводсиз

Туркманлар - 99,3% саводсиз

Ўзбеклар - 98,4% саводсиз

Қozoқлар эса -97,9% саводсиз деб ҳисобланган.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси уйдирма эди. Аслида Туркистон ўлкаси халқларининг саводхонлик даражаси чор Россияси аҳолисининг саводхонлик даражасидан паст эмас эди. Чунки, Туркистон ўлкаси халқлари 1917 йилги тўнтаришдан олдин шахсий ва оммавий мактаблар, мадрасаларда билим олганлар, ва юксак илм эгаси бўлганлар. Ўлка халқлари эрамизнинг VI-VII асрларидан уйгур-турк ёзувидан, ўз ёзувлари сифатида фойдаланиб, ўз замонасига мос таълим берган бўлсалар, сон-саноксиз мутафаккирлар ана шу турк-уйғур ёзуви ва VIII асрдан бошлаб араб графикаси асосида савод чиқариб, бутун жаҳонга доврў таратганлар-«деярли бутунлай саводсиз», деб талқин этилган она юртимизда униб-ўсган жаҳон илмий ва амалий тафаккурида алохида ўрин эгаллаган юзлаб қомусий алломаларимиздан тортиб, қори-ю, отинойиларимиз савод ўргатган мактаб-у, мадрасаларимиздан юз ўгира олмаймиз.

Мактаб ишига таалуқли асосий сиёсий ва идеология соҳасидаги кўрсатмалар 1870 йилда чор Россияси халқ маорифи нозири Д. А. Толстой томонидан ифодалаб берилган эди. «Бизнинг ватанимизда яшовчи барча бегона (рус бўлмаган) халқларнинг маълумотли бўлишининг охирги мақсади, деб маълум қилган эди, у, шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан бирлаштиришдан иборат бўлиши керак». Руслаштириш кўрсатмаси 1870 йилда эълон қилинган бўлиб унга биноан рус миллатига мансуб бўлмаган барча халқлар учта тоифага бўлинган эди.

1. «Жуда кам руслашган халқлар», бўларга Шарқий Сибир ва Поволжье халқлари кирар эди. Бу халқлар учун очилган мактабларда ўқишни она тилида бошлаш ва кейинчалик рус тилида ўқитишга ўтиш тавсия қилинар эди.

2.»Руслар ҳам яшайдиган районларда яшовчи халқлар». Бу жойлардаги мактабларда ўқитишнинг дастлаб рус тилида олиб бориш айрим ҳолларда она тилининг ёрдамига таяниш ва мумкин қадар тезроқ фақат рус тилида ўқитишга ўтиш таклиф қилинар эди (масалан, грузин болалари ўқитиладиган мактабларда ўқитиш шундай олиб борилади).

3. «Етарли даражада руслашган халқлар». Украинлар, белорусь ва бошқалар, буларнинг мактабларида ўқитишни фақат рус тилида олиб бориш тайинланган эди. Мазкур «қоида»ларни мана шу тоифага киритилган халқларга қўлланиш 60-йилларда ижтимоий ҳаракат жараёнида вужудга келган она тилида ўқитиш тажрибасини батамом сиқиб чиқаришга олиб келди.

Мана шу умумий директив ҳужжат асосида улкан Россия империясининг айрим ҳудудларидаги мактабларнинг таълим принципларини белгилаб берадиган йўл-йўриқлар яратилади ва эълон қилинади.

Масалан, православ динига эътиқод қилган Кавказ халқларининг мактаблари 1873 йилда чиқарилган «Кавказда таълим ишининг қурилиши ҳақида устав» асосида ишлаши керак эди. Чор амалдорлари мана шу ва бошқа буйруқлар (бўлар руслаштириш ва улуғ давлатчилик кўрсатмаларига қатъий амал қилар эди) асосида иш кўриб арман черковининг олий органлари томонидан очиладиган она тилидаги мактабларни доимо ёпиб қўяр эдилар.

1776-йилда Марказий Осиё туманининг генерал-губернатори хўзурида Туркистон ўқув юртларининг махсус Бошқармаси ташкил этилган бўлиб, аввало, руслаштириш сиёсатини амалга ошириш вазифаси унинг зиммасига юклатилган эди.

Тегишли давлат хужжатлари билан мактабларнинг иш тартибини белгилаб ва мактаб идораси органлари ўз мақсадларида мустахкамланиб олгач, чоризм ўқитувчиларнинг фаолиятини инжиқлик билан синчиклаб назорат қилиш тизимини тўхтовсиз ошириб борди.

1814 йилда Қўқон хонлиги қишлоқларини кезиб чиққан поручик Ф.Назаров бундай деб езган эди: "Қўқон ва бутун Қўқон давлати пахта экини ва ипак дарахтига тўлиб ётибди, ҳамма ёқда пахта экилган далалар кўзга ташланади, ундан қўқонликлар мато тайерлаб, уни бухороликларга рус товари: темир, кундуз, денгиз орти мушуги, пўлат ва хоказоларга айирбошлайдилар.

Шунингдек, ўзбек хонликларида олтин, кумуш, рудалар ва шу каби фойдали қазилмалар олинар эди.

Россия мана шундай бой улкани босиб олишни асрлар давомида ният қилиб келар эди. Улар ўз ниятларига XIX асрнинг иккинчи чорагида эришдилар. Руслар Марказий Осиёни осонликча қўлга киритмадилар. Улар ўз мақсадларига эришгунларича кўз қуриб, қўлок эшитмаган вахшийликлар қилдилар, қанчадан-қанча қон тўкишлар эвазига Марказий Осиёни қўлга киритдилар. Улар энди Туркистонни хар томонлама таладилар.

Тарихда ўзбек халқи кўп босқинчиларни кўрган. Масалан муғил-татар босқинчилигини оладиган бўлсак, улар одамларни қиргин, молларини талон-тарож қилган...аммо маданиятига, тилига ва динига тегмаган. Энг дахшатлиси, руслар Туркистонда барча босқинчилик ишларини олиб бориш билан бирга халқнинг урф-одатини, тили ва динидан ҳам айирмоқчи бўлдилар.

Генерал Розенбах эса шундай деган эди: «Ўлкани руслаштириш режасини амалга оширишда мактаб катта аҳамият этиши лозим». Ҳақиқатдан ҳам мустамлака даврида рус тўзем мактаблари вужудга келди. Афсуски бу ўринда бошқа тишга тегадиган нозик бир ҳолат ҳам бор. «Туземец» деган русча ўзбекча луғатда «махаллий халқ», «туб аҳоли» деб таржима қилинган. Рус олими Владимир Дальнинг «Великорус жонли тилининг изохли луғати» китобида мана шундай жумлалар ёзилади: «Туземец. Местный относящийся до известной страны» Туземные жители части Океании стоят на низшей ступени человечества».

XX аср бошларида Туркистонда ҳаммаси бўлиб 20925 ишчи бўлган, холос. Темир йўллар ўлкамизнинг барча бойликларини Россияга ташиб олиб кетиш мақсадида қурилган. Янги очилган турли мактаблар мустамлакачи амалдорлар учун тилмочлар тайёрлаб бериш учун хизмат қилган.

1860 йилларда Марказий Осиёнинг кўпгина қисми Россия томонидан босиб олинди. 1865 йилда Россия таркибига кирган Тошкент Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли ерларнинг маркази бўлиб ҳисобланади.

Туркистонда дастлаб очилган баъзи бир рус мактабларида ўқувчиларнинг 1/4 қисминини ва ундан кўпроғини махаллий аҳоли болалари ташкил этган бўлсада, лекин бутун Туркистон ўлкаси буйича ҳисоблаганда бундай мактабларда ўқувчи махаллий аҳоли болалари 200 тадан ошмас эди. Буларнинг ҳам кўпи козоқ болалари бўлиб, ўзбек ва тожик болалари жуда оз эди, чунки мусулмон рухонийлар «кофирлар» мактабларига қарши тарғибот юргизар эдилар. Рус мактабларида, айниқса ўрта мактабларида ўқувчилар ўртасида ўз ижтимоий аҳолига кўра бойлар ва оқсуякларнинг болалари кўпчилиқни ташкил этар эди.

Чоризмнинг мактаб соҳасидаги сиёсати руслаштиришдан иборат бўлса ҳам, лекин рус болалари билан маҳаллий аҳоли болаларининг биргаликда ўқишлари, улар ўртасида ўзаро дўстликни тарбиялар эди.

Тошкентдаги гимназияда дастлабки йилларда, маҳаллий аҳолининг болаларини рус тили билан кўпроқ шуғуллантириш учун латин тилини ўргатишдан овоз қилинар эди.

1880 йилларнинг бошларига келиб рус мактабларида ўқийдиган ўзбек ва тожик болалари учун ислом динини ўқитиш керак, токи ота-оналари бу мактаблардан кўркмасинлар, деган фикр тарқалган эди. Туркистон маъмурлари бу фикрнинг қанчалик тўғри эканлигини текширишга қарор қилдилар. 1884 йил 19 декабрда Тошкентда, «эски шаҳар» қисмида синаб кўриш учун биринчи рус-тўзем мактаби очилган эди. 10 йиллардан кейин Тошкентда бундай мактаблар сони 4тага кўпайди. Бу типдаги мактаблар ўлкадаги йирик шаҳарлар ҳамда қишлоқларда ҳам ташкил этила бошлади. Ўлкада рус, рус-тузем мактаблари илк бор XIX-асрнинг 70-йилларида юзага келган бўлса, 1904 йилга келиб уларнинг сони 57 тага етди.

5.3. Туркистонда жаҳидчилик маърифати ва таълим - тарбия.

Савол тугилиши мумкин, Туркистонда жаҳидчилик ҳаракати қачон келиб чиққан ва у нимага асосланган эди. Масалан, XIX-асрнинг бошларида Бухородаги маърифатпарвар мусулмон рухонийлари ва зиёлилари орасида мадраса ва мактаблар тизимига ҳамда ислом динига кириб қолган бидъатларни ислох қилиш фикри пайдо бўла бошлади. Шундай ислохот тарафдорларини жаҳидлар, яъни янгилик тарафдорлари деб атай бошладилар. Ўша даврлардан бошлаб бунга қарама-қарши турган оқим, яъни феодал-ўрта асрчилик, диний фанатизм руҳида бўлган кишиларни эса қадимистлар, деб атай бошладилар. XIX-аср бошларида бир қанча маърифатпарвар мударрислар Бухоро шаҳридаги 200га яқин мадрасани ислох қилиш ғояси билан чиқдилар. Бу ҳаракат бошида мадраса мударриси Абу Наср Ал Курсавий турган эди. қадимистлар эса уларни кофирлик ва худосизликда айбладилар. Бухоро амири Хайдар эса Курсавийни зиндонга ташлатиб, ўлим жазосига ҳукм қилади. Аммо унинг тарафдорлари уни зиндондан қочирадилар. Курсавий Қозонда ўз фаолиятини давом эттириб, 1813 йилда вафот этади. XIX-асрнинг 50-60-йилларида диний ислохотчилик ҳаракати янада кенгая бошлайди. Энди бу ҳаракат бошида Бухоролик мударрис ва тарихчи олим Маржоний (1818-1889), Гиждувонлик домла Фозил, Мўминжон Вобкандий, мулла Худойберди Бойсуний ва бошқа мударрислар турар эдилар. Улар мадраса ва мактабларни ислох қилишни эмас, балки ортиқча дарсларни олиб ташлаш тарафдори эканликларини ёзадилар. Ислохотчилар раҳнамоси Маржоний ўзининг дастурида қуйидаги 6 асосий масалаларини кўяди:

1.Қуръондаги ҳар қандай диний масала юзасидан кишилар билган ҳолда ўзлари эркин фикр юритсинлар.

2.Бировнинг бировга кўр-кўрона эргашиши қатъий ман қилинсин.

3.Мадрасаларда ўқитиладиган хошия ва шрқ каби куруқ мазмунга эга бўлган ва мадраса ўқувчилари учун фойдасиз бўлган ҳамда уларнинг 8-10 дақиқа вақтини бекорга олувчи дарслар дарс жадвалларидан олиб ташлансин.

4.Мадрасаларда Қуръони Карим, Хадиси Шариф, уларнинг таржималари ва ислом тарихи каби дарслар ўтилсин.

5.Арифметика, тарих, жуғрофия, табобат, хандаса, мантиқ, фалсафа ва бошқа дунёвий фанларни ўқишга қаршилиқ кўрсатилмасин.

6.Хар бир ишда мусулмончилиқни Муҳаммад алайҳиссалом давридаги қадимий ислом маданиятига қайтариш кўзда тутилсин.

Маржоний ва унинг тарафдорлари бўлган ўша даврнинг жадиidlари мусулмон тараққийпарварларидан эдилар, улар мадрасаларда диний дарслар билан бир қаторда қадимий ислом маданияти давридагидек дунёвий дарсларни ўқитишни шарт қилиб қўйдилар. Бироқ, қадимистлар ва амирнинг реакцион сиёсати натижасида таъқибга учраган Маржоний Бухородан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Унинг маслакдошларидан кўпчилиги зиндонга ташланиб, орқаларига 75 дарра урилгач, улар тавба қилиб, қайтиб бундай ишларни қилмасликка ваъда бердилар.

XIX аср охири XX асрнинг бошларида Туркистонда чор мустамлакачилигининг кучайиши натижасида Марказий Осиёнинг кўп жойларида жадиdчилик ҳаракати кучайиб кетди.

Агар лўнда қилиб айтсак, жадиdларнинг ҳаракат дастури қуйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

1.Диний тасаввуф ва фанатизмга қарши кураш.

2.Диний ақидаларга асосланган ўрта аср мактаблари ўрнига Оврупо кабилидаги дунёвий илмларни она тилида ўқитишга мосланган янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, феодал даври маориф тизимини ислох қилиш.

3.Жадиdчилик ғояларини кенг халқ оммасига етказиш ниятида янги ўзбек адабий тилини ишлаб чиқиш, матбуот хурлиги учун кўраш, халқ оммасига тушунарли адабиёт ва театрни яратиш.

4.Хотин-қизларни паранжидан чиқариш ва жадиd мактабларига катнашларини таъминлаш йўли билан улар тақдирини ўзгартириш ва оилада ислохот утказиш.

5.Махаллий бойлар ва савдогар ахлининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан рус буржуазияси билан бир ҳуқуқда бўлиши, махаллий амалдорларнинг чор ҳукмдорлари томонидан сиқувга олишига қарши кўраш. Шу йўл билан мустамлакачилик сиёсатини ислох қилиш.

Биринчи марта жадиdчилик Кримда пайдо бўлди. Унинг асосчиси асримиз бошларида туркий кавмларининг чинакам жафокаши ва ифтихори Исмоилбек Гаспирали ҳисобланади.

Исмоилбек Гаспирали 1851 йилнинг 21-мартида-кутлуг Наврўз кунида таваллуд топди. Ёш Исмоилнинг тарбиясида онаси Фотима ва энагаси Хабибанинг хизматлари катта бўлди. Исмоилни 8 ёшда бокчасаройлик Хожи Исмоилнинг эски мактабига бердилар. 10 га кирганда эса отаси Мустафобек онаси Фотиманинг эътирозларига қарамасдан, Окмачитдаги губерния гимназиясига олиб боради. Унда икки йил уқигач, Воронеждаги офицерлар харбий ўқув юртига утади. 13 ёшида уқишни Москвадаги Милютин гимназиясига кучиради. 1868 йили уни битириб, Бокчасаройга қайтади. «Занжирли» мадрасасида рус тилидан дарс бера бошлайди. Орадан кўп утмай уқиш-урганиш иштиёки уни Туркия-Истамбўлга бошлаб келади. Ундан Францияга утади. Вена, Мюнхен, Штутгардда бўлади. Машхур Сарбона

университетига укишга катнайди. Нихоят, 1876 йилда Бокчасаройга қайтиб келади ва «Занжирли» да рус тили муаллими сифатида ишини давом эттиради.

1883 йилнинг 10 апрелида И.Гаспирали бошчилигида «Таржимон» номли газетанинг биринчи сони босмадан чиқади.

1884 йилда Гаспирали яна бир муҳим ишга қўл уради. У ун икки болани янгича усул-«усули жадида» билан ўқитишга киришади. Ва 40 кун ичида бурро саводини чиқаради. Имтихон ташкил қилиб болаларнинг ота-оналарини таклиф этади. Четдан кишилар келиб кўрадилар. Ҳамма бир огиздан «усули жадида»нинг бекиёс имкониятини эътироф этади. Хуллас Исмоилбек икки йилда эски мактабда беш йилда оладиган тахсилни ўргатишга муваффақ бўлади. Сўнг улар учун «Хўжаи сибён» («Болалар муаллими») номли биринчи дарсликни тузади.

Янги усул мактабда қуйидагиларга:

Синфда (мактабда) болалар сони ўттиздан ошмаслиққа;

Болалар фақат икки дафъа - ёз ва киш бошларидагина мактабга кабўл қилиниши;

Хар кабўл нечта бўлишидан катъий назар, бир синфдан ошмаслиғи;

Хар бир муаллимда кўпи билан 3-4 синф бўлиши;

Агар мактаб уч синфдан иборат бўлса, дарслар кетма-кет маълум уйғунликда қуйилмоғи;

7-9 ёшлардаги бола 7-8 соат узлуксиз уқий олмайди. Унинг учун 5 соат кифоя. Хар дарсдан сўнг 10 дақиқа танаффус;

Жума ва байрам кунлари дам олиниши;

10 ой уқишдан сўнг ёзнинг иссиқ кунларида таътил бўлиши;

Дарс зериктирмаслиғи;

Шогирдларини уриш ва суқиш бефойда эканлиғи ва бошқаларга эътибор қаратилган эди.

Гаспирали «усули жадида» билан ўқитишнинг қоидаларини шундай тушунтиради:

1.Бутун алифбони бирдан ўргатиш огирдир. Ибтидо (бошда) уч, беш харф ўргатиб бориш (енгил)дур.

2.биринчи дарсдан шогирдлари ёзишни бошламасликлари даркор.

3.Дарслар муайян соатларга, қисмларга ажратилиб ўргатилиши лозим.

4.Ўқувчи бир дарсни ўзлаштирмагунча иккинчисига утилмаслиғи керак.

5.Харфлар билан таништирганда, улар ҳақида кенгрок маълумот берилгани маъқул.

Болаларни хар олти ойда имтихон қилиш, йил охирида синфдан синфга утказиш, ўзлаштирмаганларни синфда қолдириш кўзда тутилади. Дарслар хар хил ва хар бири ярим соатдан бир соатгача бўлиши мумкин. Дарслар орасида танаффуслар бўлмоғи керак.

Бу мактаблар учун «Хўжаи сибён» асосий дарслик бўлиб хизмат қилар эди. 1910 йилгача 27 маротаба нашр қилинган. Лекин гап шундаки, у Россиядаги мусулмонлар маънавий оламининг барча жиҳатларини-мадрасани ҳам, матбуотни ҳам, илм-фанни ҳам ўз ичига олар ва энг муҳими, уларнинг ҳаммаси турмушга нечоғлик дахлдорлиғи, замонга хизмат қила олиши асосий меъзон қилиб кўзда тутилар эди.

Исмоилбек Гаспиралининг номи Марказий Осиёда ҳам маълум ва машхур эди. Хусусан, XX-аср бошларидаги Туркистон, Бухоро ва Хиванинг сакқиз миллионли халқи миллий онгида юз берган ўзгаришларда унинг буюк хизмати бор дейишга тула ҳақлимиз. Гаспиралининг ғоялари Марказий Осиёга кенг тарқалди:

Бухоро, Самарканд, Фарғона, Наманган, Кукон, Тошкент каби унлаб шаҳарлардаги зиёлилар гуруҳи жади́дчилик ҳаракатига бош-кош бўлдилар. Жумладан:

Файзулла Хужаев (1896-1938йй)
Исҳоқхон Иброт (1862-1937йй)
Сиддикий Азизий (1864-1924йй)
Саидрасул Азизий (1864-1933йй)
Муҳаммад Шариф Суфизода (1869-1937йй)
Махмудхужа Бехбудий (1874-1919йй)
Абдулқодир Шакурӣй (1875-1943йй)
Абдулла Авлоний (1878-1934йй)
Садриддин Айний (1878-1954йй)
Мунаввар Кори Абдурашидов (1878-1931йй)
Исматулла Раҳматуллаев (1883-1962йй)
Абдурауф Фитрат (1884-1939йй)
Х.Х.Ниёзий (1889-1929йй)

Ва бошқа унлаб зиёлиларни фахр билан тилга олишимиз мумкин.

Жади́дчилар 1910 йиллар давомида мустамлакачилик сиёсатига қарши қўраш олиб борганлари учун чор Россияси амалдорларидан жабрландилар. Янги усулдаги мактаб ва маориф таълим-тарбия муаммоларини кутариб чиққанликлари учун хурофотчилар игвоси билан Бухоро амирлиги тазйикига, 1917 йил тунтарилишидан сўнг эса «Буржуа демократик эркинликларини тарғиб этувчилар ва миллатчилар» тамғаси остида шўро ҳукумати таъкибига учрайдилар.

М.С. Жади́дчилик ҳаракатининг мақсади нима?
--

Мустақил таълимга оид топшириқлар.

1. Мавзуни ўқиб чиққандан сўнг, белгиланган мақсадларга эришганлик даражасини белгиланг;
2. Инсерт усулини қўлланг;

6 - маъруза. Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт, таълим-тарбия, педагогик фикрлар.

- 6.1. Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилган узлуксиз таълим тизими.
- 6.2. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.
- 6.3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзуни тўла ўзлаштиргандан сўнг;

- Мустақил ўзбекистонда олиб борилаётган таълим- тарбия ишларини билади;
- Таълим тўғрисидаги қонунни тушунтиради;
- Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётини пойдевори эканлигини асослайди;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури босқичларини санайди;
- Таълим- тарбия ишларини баҳолайди;
- Тахлилий фикрлашни қўллайди ;

Таянч сўз ва иборалар .

Таълим тўғрисидаги қонун, баркамол авлод, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, академик лицей, касб-хунар коллежи, ўрта махсус таълим.

6.1. Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилган узлуксиз таълим тизими.

Ўзбекистон мустақил бўлгандан буён республикада таълим тизими 1992 йилда қабул килинган «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида ва қуйидаги стратегияга мувофиқ ишлаб чиқилди:

- таълимнинг узлуксиз бўлиши;
- таълимни комплекс равишда уюштириш;
- таълимни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштириш;
- таълим тизимини фан соҳалари билан интеграциялаштириш;
- умумий ўрта таълим негизида ёшларни махсус билим юртларида уқишга, мутахассисликка тайёрлаш.

Республикада амалга оширилган узлуксиз таълим тизими барча таълим босқичлари-мактабгача тарбия ва бошлангич, таянч босқичлари, ўрта ва хунар мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, мактабгача тарбия муассасалари, малака ошириш институтлари ўртасида ўзвийлик бўлишида, таълимни илм-фан ютуқлари билан боғлиқ ҳолда ташкил этишда муҳим омил бўлди. Болаларни оилада боғчага, боғчадан мактабга уқишга тайёрлаш, умумий ўрта таълим негизида ўқувчиларни махсус билим юртларида мутахассисликка тайёрлашда жиддий

ютукларга эришилди. Узлуксиз таълим тизими барча таълим боскичларининг истикболли бўлишига, таълимни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштиришга, таълимни меҳнат тарбияси билан боғлиқ ҳолда олиб боришга, ўқув фанларни интеграциялаштиришга ёрдам берди.

Тарбияга комплекс ёндошиш билан аклий, меҳнат, ахлоқий, нафосат ва жисмоний тарбиялар ўртасидаги ўзвийлик мустахкамланади, ўқувчилар ҳаётини кенгрок тасаввур эта бошладилар. Комплекс принципи тарбиянинг, ўқувчилар фаолиятининг мазмуни бўлишини, таълим вазифаларининг ҳам комплекс равишда амалга оширишни таъминлади. Бу принцип мактаб, оила, жамоатчилик ўртасидаги алоқани мустахкамлаш, бу алоқанинг педагогик жиҳатини касб этишида, ёшларни англаш, мустақил фикрлаш фаолияти ва ахлоқ-одобли бўлиб ўсишида ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Тарбияда комплекс принципни қўллаш ўқув юртлари, таълим муассасаларидаги барча тарбиявий ишлар ҳамда, тарбия жараёнида вазифа, мақсад, мазмун, усул, шакл, восита, натижаларнинг ўзаро алоқада бўлишини таъминлайди.

Таълим ва тарбия мазмуни, шакл ва усуллари бу соҳада эришилган илгор тажрибалар асосида ишлаб чиқилди, бунда таълимнинг жаҳон стандарти даражасида бўлиши назарда тутилди.

Яратилган таълим давлат стандартларида уларнинг ижтимоий мақсадни ифода этувчи бўлишига эътибор берилди, уларда мустақиллик даври талаб этаётган таълим мазмуни, даражаси, усул ва шакллари белгиланди.

Давлат стандарти ва концепциялар асосида яратилган дастур ва дарсликларда, айниқса, ижтимоий фанларга доир барча дастур ва дарсликларда миллий ва умўминсоний кадрятлар ўз аксини топди.

Маълумки, истиклол мафқўрасининг асосларини яратиш, аввало, таълим-тарбия замини бўлган оила ва мактабгача бўлган тарбия муассасаларидан бошланади. Уларда тарбияланаётган ва мактабда ўқиётган болалар Ватан, жамият, халқ ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишлари, уларнинг калбида Ватан туйғуси, улуг алломаларимиз ва улар қолдирган маънавий мерослар билан фахрланиш ҳисси шаклланиши, ривож топиши керак.

Мактаб-давлат узлуксиз таълим тизимининг марказий бугинидир. Худди ана шу боскичда ўқувчилар билимлар асосини эгаллайдилар, уларда ижодий қобият, мустақил фикрлаш, Ватан, жамият, шахс, ахлоқ-одоб ҳақидаги тушунчалар шаклланади, такомиллашади.

Бошлангич боскич (1-4 синф)да асосий эътибор ўқувчилар саводини чиқаришга, уларда мустақил фикрлаш, ўз фикрини ифодали баён этиш малакасини шакллантириш ва ривожлантиришга йуналтирилди.

Бу боскич таълим жараёнида ўқувчиларда мантикий тафаккур қила олиш ва ўзаро фикр алмашув саводхонлигини ошириш, ўз-ўзини англаш салоҳиятларини, моддий борлик, гўзалликни ҳис қилиш, ундан завқланиш ва уни янада гўзаллаштириш иштиёқини устиришга, миллий урф-одатларни севиш ўз ҳаётларида улардан фойдаланиш малакаларини таркиб топтиришга эътибор берилди.

V-IX синфларда маънавий кадрятларни шакллантиришга самарали таъсир курсатувчи санъат тури бўлган адабиётни ўқитишда соғлом этикодли, миллий ва умум башарий кадрятларини англайдиган, ахлоқан баркамол шахсни шакллантириш

асосий мақсад қилиб қуйилди. Ўқувчиларда бадиий адабиётга ҳавас, меҳр уйғотиш, бадиий асарларни уқиб тушунадиган ва таҳлил қила оладиган, ўз фикрини оғзаки ва ёзма равишда тўғри, эрикин ифодалай оладиган қилиб тарбиялаш орқали амалга оширилмоқда.

**М.С. Аввалги таълим тизими билан киритилаётган
узлуксиз таълим тизимини фарқи нимада?**

6.2. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори.

Кейинги йилларда республикамізда очилган лицей, гимназияларда ва айрим умумий мактабларда ташкил этилган педагогикадан ихтисослаштирилган курслар (X-XI синфлар)да Ватан тарихи ва маданиятини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама урганиш ва тадқиқ этиш асосий вазифа қилиб қуйилди. Шунга кўра, ҳозирги кунда педагогикадан миллий ва умўминсоний кадрятлар асосида дарслик, қўлланмалар яратишга киришилди. Бу ишда ўқувчи ва талабалар ҳамда бўлғуси ўқитувчиларнинг умумий маданияти ва маънавиятини, педагогик билим ва педагогик маданиятини, педагогик тафаккурини устириш асосий мақсад қилиб қуйилди. Бу мақсад педагогик фикрлашга доир билим ва диний-ахлоқий, тарбиявий ғоялар умумбашарий ва миллий - маданий кадрятларни пухта урганиш билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон республика вазирлар маҳкамаси ҳўзурида Олий аттестация комиссиясининг ташкил этилиши - мустақилликнинг муҳим тимсолидир. Бу Олий аттестация комиссияси ўз зиммасига юкланган улкан вазифаларни, яъни юқори малакали илмий ва илмий - педагогик ходимлар тайёрлаш янги тизимини шакиллантириш, уларни республика ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараккиётининг уствор муаммоларини ҳал қилишга йуналтириш, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни давлат йўли билан экспертиза қилишни таъминлаш билан етук илмий-педагогик кадрлар етиштиришга самарали таъсир курсатмоқда.

Олий педагогика ўқув юртларида илмий даража берувчи иктисослаштирилган кенгаш ташкил этилиши билан республикамізда педагогика тарихи ва назарияси, фанларни ўқитиш усуллари буйича докторлик ва номзодлик диссертацияларини ўзбек тилида, турли миллат вакилларининг ўз она тилларида химоя қилишга кенг имконият яратилди, бу кенгашлар миллий педпгог олимлар сафининг усишида муҳим омил бўлмоқда.

Мустақиллик шарофати билан 1996-1997ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида уқиш янги алифбода олиб борилмоқда. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди.

Шу давр мобайнида 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди, 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди, кўпгина ўқитувчилар хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларини урганиш мақсадида чет мамлакатларига бориб қайтди.

Жойларда мактабларга ва ўқитувчи -мураббийларга, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёрдам бериш масалаларига эътибор анча кучайтирилди.

Ўрта махсус таълим соҳасида вилоятларда, жойларда бизнес мактаби, кичик ва ўрта мактаб учун касб-хунар курсларининг очилиши, бозор иктисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги мутахассислик (фермер, солик ва божхона ходими, аудит ва хоказо)лар киритилди.

Тошкент, Самарканд, Урганч, Тўртқўл ва Андижонда банк коллежлари ҳамда Тошкент аёллар коллежи ташкил қилинди.

Олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилди; вилоятлар марказларида педагогика институтларининг университетларга айлантирилиши ва жойлардаги ўқув юртларига юқори таъсис низоми берилди; ташкил этилган миллий ташкилот ва халқаро жамоалар ҳисобидан чет элларга тажриба алмашиш ва талабаларни уқишга юбориш йўлга қўйилди; иктисод ва бизнес соҳасидаги мутахассис ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда; утиш даврида 2000 дан ортиқ талаба ва мутахассислар чет элларда уқиб келишди; 200 дан ортиқ чет эл мутахассисининг республикамиз ўқув муассасаларига жалб қилинди.

Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк ва Молия академияларини ташкил қилингани ўз самарасини бермоқда.

Янги типдаги мактаблар умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда 238 лицей ва 136 гимназия ишлаб турибди. «Соғлом авлод учун», «Маънавият» ва «Маърифат», «Иқтисодий таълим», «Кишлоқ мактаби», «Ривожланишда нуксони бўлган болаларни тиклаш» ва бошқа тармоқ дастурлари руёбга чиқарилмоқда. Республика умумтаълим мактабларида 435 мингдан ортиқ ўқитувчи ишламоқда, уларнинг 73 фоизи олий маълумотлидир.

Мехнат бозорини, энг аввало кишлоқ жойларда мехнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда хунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Ҳозирги кунда бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 ўқув юрти, шу жумладан 209 касб-хунар мактаби, 180 касб-хунар лицейи, 53 бизнес мактаб ишлаб турибди. Бугунги кунда бошланғич касб-хунар таълими ўқув юртларига қарийб 20 минг ўқитувчи ва малакали мутахассислар ишламоқда.

Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 ўрта касб-хунар таълими ўқув юрти ишлаб турибди. Уларда қарийб 16 минг ўқитувчи ва муҳандис-педагог ходимлар мехнат қилмоқда.

Ўзбекистон олий мактаби тизими 58 олий ўқув юрти, шу жумладан 16 университет ва 42 институтни ўз ичига олади, уларда 164 минг талаба таълим олмоқда; 16 университетнинг Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топмоқда. Олий ўқув юртларида ишлаётган 18,5 минг ўқитувчининг 52 фоизи фан доктори ва фан номзодларидир. Олий таълимда кадрлар тайёрлашни марказлаштиришдан ҳуқуқий йўналишга утказиш иши олиб борилмоқда, ўқув юртларининг тармоғи кенгаймоқда, университет таълими ривожланмоқда. Билимларнинг янги тармоқлари бўйича кадрлар тайёрлаш бошлаб юборилди, олий мактабни кўп босқичли тизимга утказиш амалга оширилмоқда. Абитуриентлар ва талабаларнинг билим даражасини тест ва рейтинг асосида баҳолашнинг илгор усуллари жорий этилмоқда.

Шунга карамай, содир этилган ўзгартиришлар кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, мамлакатни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш талабларига мувофик бўлишини таъминлай олмаётганлигини Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг 1997 йил 29 август кунги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIX сессиясида сўзлаган нуткидан англаб олиш мумкин.

Олий Мажлиснинг XIX сессиясида Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримов «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори» мавзусидаги нуткида таълим тизимида эришилган мувофаккият ва камчиликларни объектив таҳлил қилиб берди.

Аввало, нуткда таълим мазмуни «Эски шуролар замонидан қолган таълим - тарбия тизимига хос мафқўравий қарашлардан ва саркитлардан бутунлай ҳалос бўлмаган»лиги, айниқса, ижтимоий - гумонитар йўналишдаги фанлар, эстетик йўналишдаги предметларни ўқитиш, тарбиявий - маърифий фаолият мазмуни ва уни ташкил этиш долзарб муаммо эканлигини таъкидлаган эди.

Умумий ўрта таълим тизими мазмунининг изчиллиги, узлуксизлиги, ўзвийлиги дидактик тамойиллари, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш ҳолатлари бўзилди.

Бундан ташқари, умумий ўрта таълимнинг давомийлик муддати 10 йилдан 11 йилга оширилганлиги сунъий бўлиб, мажбурий ўқув фанларининг сони нихоятда ошиб кетган, илмий жиҳатдан асосланмаган эди. Бунда мазкур фанлар мазмуни давлатимизда кечаётган демократик ва иқтисодий ўзгаришлар талабларига жавоб бермади. Энг асосий камчилик у ушиб келаётган авлодни мустақил фикрлашга ўргатмаслик, меҳнат фаолиятига тайёрламаслик муаммосининг пайдо бўлганлиги эди. 9 - синфни битираётган ўқувчилар тақдири эътиборсиз қолдирилди. Республикамизда ҳар йили ўртача 450 мингдан ортиқ ўқувчи 9 - синфни битиради. Уларнинг 250 мингги (55 %) юқори синфларда ўқишни давом эттирарди, 100 мингга яқини эса ҳунар - техника, ўрта махсус билим юр்தларига кириб ўқишни давом эттириш имкониятига эга эдилар. Натижада 100 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олиш ёки меҳнат фаолиятига жалб қилинмасдан қолиб кетарди. На бир аниқ мутахассисликни, на бир касбни, бирор бир меҳнат фаолияти қуникмаларини эгалламаган мактаб битирувчилари (жумладан 11-синфни битирганлар ҳам) ўз қобилияти, ҳаваси ва интилишларига мос ҳаётда ўзига муносиб ўрин тополмади. 9 ва 11-синфлар даражасидаги таълим дастурларида ўзилиш бор эди. Эски таълим тизимидаги юқорида таъкидланган қатор камчиликлар ва муаммоларни тугатиш истаги янги «Таълим тўғрисидаги қонун» ни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг яратилишига сабаб бўлди.

6.3.Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда.

1997 йил 29 августда қабул қилинган таълим тўғрисидаги қонуннинг мақсади фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар қимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу қонун бешта бўлим ва 34 та моддадан иборатдир.

Миллий дастурнинг мақсади - таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, уни утмидан колган мафкўравий қарашлар ва саркитлардан тула халос этиш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари боскичма - боскич руёбга чиқарилади.

Биринчи боскич (1997 -2001 йиллар) - мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислох қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий - услубий, молиявий - моддий шарт - шароитлар яратиш.

Иккинчи боскич (2001 - 2005 йиллар) - Миллий дастурни тўлиқ руёбга чиқариш ва меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий - иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳола унга аниқликлар киритиш.

Учинчи боскич (2005 ва ундан кейинги йиллар) - тупланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш истикболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни руёбга чиқариш, шунингдек лицейлар ва касб - ҳунар коллежларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қуйиш ва малакали кадрлар тайёрлашини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 24 феврал 1998 йилда № 77 сонли қарорини қабул қилди. Мазкур қарорга асосан касб - ҳунар коллежлари учун малакали педагог ва муҳандис - педагог кадрлар тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасалари сифатида Бухоро озиқ - овқит ва енгил саноат технологияси институти, Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти ва бизнинг Наманган индустриал - технология институтларимиз белгиланди ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти Тошкент Давлат Педагогика университети, бизнинг институтимиз Наманган муҳандислик педагогика институтига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус касб - ҳунар таълимини ташкил этиш чора тadbирлари тўғрисида 1998 йил 13 майда Вазирлар Маҳкамасининг 204-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ҳамда 1998 йил 23 ноябрда қабул қилинган академик лицей ва касб - ҳунар коллежларини педагог ва муҳандис - педагог кадрлар билан таъминлаш дастурлари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосига ошириш, билимлар асосларини пухта урганиш, ҳамда ўрта, махсус, касб - ҳунар таълими бўйича кадрлар тайёрлаш учун академик лицейлар ва касб - ҳунар коллежаларини ташкил этиш борасидаги долзарб вазифаларни белгилаб берди.

М.С. Наманган саноат - технология институтини
Муҳандислик педагогика институтига
айлантирилишига сабаб нима?

Мустақил таълимга оид топшириқлар

1. Мавзунини ўқиб чиқиб белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни аниқланг.

2. Таълим тўғрисидаги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тахлилий фикрлаш фазалари бўйича кўриб чиқинг.

7 - маъруза. Дидактика фани ва унинг вазифалари.

7.1. Дидактика ҳақида тушунча.

7.2. Таълим жараёни ва унинг хусусиятлари, билиш фаолиятининг босқичлари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари .

Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Дидактика сўзининг луғавий маъносини айтиб беринг;
- Дидактика фани ва унинг аҳамиятини тушинтиради;
- Таълим жараёнини изоҳлайди;
- Таълим жараёни хусусиятларини санайди;
- Билиш жараёнига баҳо беради;
- Билиш жараёни босқичларини таҳлил қилади;

Таянч сўз ва иборалар,

Дидактика, таълим жараёни, таълим жараёнининг хусусиятлари, кўникма, малака, билиш фаолияти, билиш босқичлари.

1. Дидактика ҳақида тушунча.

Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини урганувчи фандир. Дидактика грекча сўз бўлиб, «Дидайко»-ўқитиш, «Дидаскол»-ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиққан.

«Дидактика»нинг сўзма-сўз таржимаси таълим назариясини англатади. Таълим назарияси таълим жараёнининг тушунчаси ва моҳиятини, таълим қоидаларини, услублари ҳамда ташкилий формаларини ўз ичига олади.

Демак, дидактика педагогиканинг «ниманга ўқитиш», «нимани ўқитиш» ва «қандай ўқитиш» каби саволларга жавоб излайди. Умумий дидактика ўз навбатида, айрим ўқув фанларига оид усуллар билан мустахкам боғланади. Шу усуллар маълумотига таяниб, ўқитишнинг умумий қоидаларини ўқиб беради ва айни вақтда ҳар бир ўқув фанини ўқитиш усуллари учун умумий асос бўлиб хизмат қилади.

Бу дунёда не-не даҳолар яшаб ўтмаган - Сабокларга бой утмишимизда Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк аллома бобокалонларимиз тиббиёт, математика, мусика, адабиёт, география, риёзиёт каби илмларни ўқитиш воситасида авлодларни тарбиялаш ғоясини олган сурдилар.

Ўзбекистонда дидактик таълимнинг ташкил топиши ва ривожланиши Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Муҳаммадрасул Расулий, Пири Ниёзий, О. Шарофитдинов каби педагог олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Педагоглар бир канча авлодларнинг меҳнати билан қўлга киритилган, педагогика фани эришган барча қимматли ютуқлар, замон синовидан ўтган жамики илгор қарашларни авайлаб асраши ва уша меросдан фаол равишда фойдаланишлари керак. Билиш жараёни каби таълим жараёнида ҳам ўқувчи билмасликдан билишга, нотўғри ва ноаниқ билишдан тобора тўлиқроқ ва аниқроқ, чуқурроқ билишгача

бўлган йўлни босиб утади. Бу жараёнда хиссий идрок этиш ҳам, абстракт тафаккур ҳам, амалда синаб куриш ҳам бўлади.

Билиш икки паллага-назария ва амалиётга бўлинади. Назария янги билимни, янгича билишни ифодаловчи тизимли фикрдир. Назария хар-хил шаклларда ифодаланади: аксиома, теорема, қонун, формула, график ракам ва бошқа назарияда гоё шаклланади.

Амалиёт билимларнинг хақиқийлигини курсатувчи мезондир. Илмий билишнинг вазифаси ходисаларнинг мохиятини, уларнинг ривожланиш қонунларини очишдангина эмас, балки бирон-бир қонуннинг қай тарика намоён бўлиш сабабларини ҳам курсатиб беришдан иборат.

Билиш сезишдан бошланади. Сезиш теварак атрофдаги воқелик, нарсаларни сезги органларимизга таъсир этувчи айрим сифатларининг онгимизда акс этишидир. Бунда хар бир орган, хар бир анализатор, И. П. Павлов таъкидлаб айтганидек, нарсаларнинг айрим сифатларини идрок қилади: биз совук, иликлик, шуур, ок-кора, аччик-чучук ва хоказоларни куриш, эшитиш, хид билиш, таъм-маза билиш, тери, мусқул ҳаракат ва органик сезги органларининг фаолияти орқали билиб оламиз. Сезгилар - одам хақидаги барча билимларнинг манбаидир.

М.С. Назария ва амалиётни бир - биридан фарқ қилувчи хусусиятларини тушунтиринг.

7.2. Таълим жараёни ва унинг хусусиятлари, билиш фаолиятининг боскичлари.

Таълим - инсоният тажрибасининг маълум томонларини, яъни ўқувчилар ижтимоий тараккиётининг ҳозирги талабаларига мувофиқ даражада билим ва тарбияга эга бўлишларини таъминлайдиган фаолиятдир.

Таълим жараёнининг мазмунини билим, куникма ва малакалар ташкил қилади.

Демак, ўқувчилар уқиш орқали билим билан курулланадилар.

Куникма - машқ қилиш натижасида бериладиган ҳаракатлар йигиндисидир. Иктидор ва куникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали малакага айланади.

Билим асосида куникма, малака ҳосил бўлади. Билим бахсда керак бўлса, куникма меҳнатда. Дунени ўзлаштиришда зарур.

Ўқитиш жараёни икки фаолият-ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўз ичига олади. Ўқитувчининг фаолияти ўқув материалларини баён қилишдан, ўқувчиларда фанга қизиқишни таркиб топтиришдан, ўқувчиларнинг мустақил машғулотларига раҳбарлик қилишдан, уларнинг билим, куникмаларини текшириш, ўқув ишларига мойиллигини уйғотиш, рағбатлантириш, билим даражаларини ҳолис баҳолашдан иборатдир.

Ўқитувчининг фаолияти таълим жараёнининг ташки томонини ташкил қилади, чунки у ўқитади, таълим беради. Ўқувчи фаолияти ички жараёнини ташкил этади, чунки у ўқитувчи берган билимни уқиб, тушиниб олади.

Ўқитиш жараёнининг иккинчи томони ўқувчининг фаолияти бўлиб, у ўқув фани материалларини ўзлаштиришдан иборат. Ўқитиш билишдан фарқли уларок муаллим раҳбарлигида амалга оширилади. Таълимнинг асосий мақсади, вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, куникма ва малакалар билан куруллантиришдан иборатдир. Илмий билимларни эғалаш - муайян фанлар ўртасидаги боғланишларни

идрок қилиш, уларни изохлай билиш, мустақил равишда умумлаштириш, хулосалар чиқариш демакдир. Бўлар асосида ўқувчиларда кўзатувчанчанлик, тафактур, хотира каби билиш қобилиятлари усиб боради, уларда эътиқод тарбияланади.

Билимларни ўзлаштириш воқеъликдаги нарса - ходисаларни сезиш ва идрок қилишдан бошланади. Билимларни ўзлаштиришда бу босқичларнинг аҳамияти нихоятда каттадир.

Идрок-борликни одам онгида акс этишидир (биз дарахтни, хайвон ва бошқаларни идрок қиламиз).

Идрок ўқувчиларнинг билимлари, амалий тажрибаси даражасига қараб муайян мақсадни кўзловчи жараён бўлмоғи керак. Ўқитувчи идрокни ёки бевосита кузатишни йўлга қуяётганида кузатиш манбаларини синчиклаб танлайди.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги иккинчи босқич -билимларни тушуниш ва умумлаштиришдир. Тушунчаларнинг ҳосил бўлиш жараёнида индукция ва дедукция каби фикрлаш масалалари катта ўрин тутди. Индукция - хусусий ҳоллардан умумий қоидага борадиган, дедукция эса - умумийдан хусусийга борадиган фикр юритиш йўлидир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятидаги учинчи босқич - билимларни мустаҳкамлаш ва қўллашдир.

Мустаҳкамлашнинг моҳияти янги материални идрок қилиш вақтида ҳосил бўлган муваққат боғланишларни пухталашдир. Мазкур жарёнда буш ва бекарор боғланишлар мустаҳкамланиб боради.

Билим, қуникма ва малакаларни муваффақиятли эгаллаб олиш воситаларидан бири - аввал ўзлаштириб олинган билимларни амалда қўллашдир.

М.С. Билиш фаолияти босқичларини таҳлил қилинг.

Мустақил таълимга оид топшириқлар.

1. Маъруза матинини ўқиб, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни аниқланг.
2. Дидактика, таълим таянч сўзларидан бирига кубик стратегиясини қўлланг.

8 - маъруза. Таълимнинг мазмуни.

8.1. Таълим мазмуни ва ўқув режалари.

8.2. Ўқув дастурлари ва дарсликлар.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Таълим мазмунини айтиб беради;
- Ўқув режалари ва дастурлари моҳиятини тушунтиради;
- Дарсликлар ва уларнинг аҳамиятини изохлайди;
- Ўқув дастури қоидаларини санайди; таҳлил қилади;
- Кластер усулини қўллайди.

Таянч сўз ва иборалар.

Ўқув режаси, ўқув дастури, таълим мазмуни, дарслик, дарслик яратувчиларига кўйиладиган талаблар, ўқув дастури қоидалари.

8.1. Таълим мазмуни ва ўқув режалари.

Таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг укиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимга солинган билим, малака ва куникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади.

Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

А) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлари, ижтимоий тузумнинг хусусиятлари;

Б) давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ҳамда вазифалари;

В) ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) эътиборга олувчи дидактик талаблар.

Мактабларда бериладиган таълимнинг мазмуни тарихий ҳамда синфий хусусиятга эгадир.

Педагогика тарихида умутаълим мактабларида ўқитиладиган ўқув фанларини танлаш ва уларнинг мазмунини белгилашда икки йўналишдаги қоидага амал қилинган:

1) кўпчилик назариячилар «шакл маълумоти» тарафдорлари - мактабда ўқитиладиган фанлар ёшларни фан асослари билан қуроллантириш, илмий билимлар тизимини эгаллашлари учун хизмат қилмай, балки ёшларнинг қобилиятларини, тасаввур ва хотираларини устиришга хизмат қилмоғи керак, деб қарайдилар. «Формал маълумот» тарафдорлари мактаб ўқув фанларини ёшларнинг фикр қилиш қобилияти ва ақлини устириш учун хизмат қиладиган фанлар-тиллар, лотин ҳамда юнон тиллари, математика каби фанлардан иборат бўлишини илгари сурадилар.

2) XVIII-асрнинг охири ва XX-асрнинг бошларига келиб, «формал маълумот» қоидалари асосидаги мактаблар тараккий этиб бораётган капитализм тузуми талабларига жавоб бера олмай қолди. Шунга кўра мактаб таълими тизимида янги бир оқим - «Моддий маълумот» назарияси пайдо бўлди. Бу назария тарафдорлари мактаб таълими тизимида киши ҳаёти учун зарур бўлган, турмушда фойда келтирадиган маълумотлар берилиши керак, деган ғояни илгари сурдилар. Улар ўқувчилар қобилиятини ривожлантириш учун зарур бўлган алоҳида фанларни ўқитиш шарт эмас, балки «фойдали билимларни» ўқитиш жараёнида бола қобилияти ривожланиб бораверади, деб қарадилар.

Хозирги замон мактабларида таълимнинг мазмуни умўминсоний фазилатларга эга бўлган иймонли, эътиқодли ёшларни тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

Таълим мазмуни ўқув режаси, дастури ва дарсликларда ифодаланган.

Ўқув режаси - давлат хужжатидир. Ўқув режаси-барча умумтаълим мактабларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат хужжатидир. Унда синфлар буйича урганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва уша фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилган бўлади.

Мактабнинг ягона ўқув режаси халқ таълими вазирлиги томонидан тасдикланади.

Ўқув режаси деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат хужжатига айтилади.

Ўқув режасини тузишда қуйидаги омилларга асосланади:

1.Ўқув режаси ўқув - тарбия ишининг мақсад ва вазифаларига асосланади. Мақсад - илмий билимлар бериш, олган билимларини ҳаётда қўллай олишга ўргатишдир.

2.Мактабларнинг бирлиги ўз қоидаларига асосланади. (Яъни: бошлангич мактаб-I-IV синфлар, тўлиқсиз мактаб-V-IX синфларга, умумий таълим мактабининг X-XI синфларининг ўзаро боғлиқлиги.)

3.Тўлиқсиз ва ўрта мактабларда ўқувчиларга бир бутун тугал билим берилади.

4.Ўқув режасига киритилган фанларнинг хажми қайси синфда ўқитилиши, ажратилган соати, болаларнинг ёш ва билим савиясига қараб берилади. Фаннинг хажми, огир-енгиллиги, дидактик аҳамияти ҳам эътиборга олинади. Ўқув режасига киритилган фанлар, биринчи навбатда, умўминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилгандир. Унда таълимнинг илмийлиги, ғоявийлик ҳамда Ўзбекистоннинг келажагига муносиб баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказиш назарда тутилади.

М.С. Таълим мазмунини нималар белгилайди?

8.2. Ўқув дастурлари ва дарсликлар.

Хар бир ўқув фани учун ўқув дастури тузилади. Ўқув дастури ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури хар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим хажми, тизими ва ғоявий-сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат хужжатидир.

Ўқув дастури қуйидаги бир қатор қоидаларга амал қилган ҳолда тўзилади.

1.Дастурнинг катъийлиги. Ўқув дастурлари жамиятимиз тараккиётининг хар бир босқичида фан, техника, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий муносабатлар соҳасида эришилган даражани акс эттириши лозим. Бу, улар хар йили куриб чиқилиши керак, деган гап эмас, аксинча, ҳамма ўқув фанларига оид дастурларнинг бир неча йиллар мобайнида катъий бўлишига эришмоқ даркор. Дастурнинг катъийлиги катъий дастурлар ишлаб чиқиш учун катта аҳамиятга эгаки, бу дарсликлар узок яшаши ва ўқув жараёнида ўзок фойдаланиши керак.

3. Ўқув дастурида илмийлик қоидаси.

Дастурга борликни аниқ, ҳаққоний акс эттирган, илмий жиҳатдан текширилган ишончли материаллар киритилади.

Илмий билимларнинг тобора ривожланиб бориши ва уни ишлаб чиқаришда тадбик этилишига доир маълумотлар мактаб ўқув фанларга ҳам ўзгаришлар киритишга олиб келганидек, ўқув дастуридаги айрим эскирган масалалар ўқув фанларидан чиқариб ташланади.

3.Ўқув материаллари мазмунини тўғри танлаш. Фан материалларини танлашда унда исботлар, мисоллар, мантикий умумлашма ва хулосаларнинг тўғри уйғунлашувига алохида эътибор берилади. Аник мисоллар бўлмаса урганилаётган ходисаларни назарий жиҳатдан тушуниш мумкин эмас.

4.Назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаси. Ўқув дастурида назариянинг амалиёт билан бирлиги қоидаси, биринчи навбатда, энг аввало, илмий билимларнинг турмушда, ишлаб чиқариш амалиётида тутган урни курсатиб берилади. Илмий билим куникма ва малакаларнинг ўзаро мустахкам боғлиқ бўлиши ҳамда таълим жараёнидаги назарий маълумотларнинг амалда қўлланиб бориш жараёнида ўз аксини топади.

5.Ўқув дастурларида тарихийлик қоидаси. Ўқув дастурлари тарихийлик қоидасига асосланган ҳолда тўзилади. Бунда ўқув фанларининг характери назарда тутилади. Масалан, тарих фанини ўқитишда тарихий воқеалар изчиллик ва хронологик тарзда баён этилса, математика, информатика, физика ва бошқа қатор фанларни ўқитишда фан оламидаги маълум бир илмий ходиса, қоида ва қонунларнинг пайдо бўлиши, унинг келажак истикболига оид маълумотлар бериб утилади.

6.Дастур икки усул билан: кетма-кет (мунтазам) ва концентрик (марказлашган) тарзда жойлаштирилиши мумкин.

Кетма-кет жойлаштирилганда ўқув материалининг ҳар бир кейинги қисми аввалги қисмининг давоми бўлади, ҳар бир қисмдаги материалнинг мазмуни унинг мазкур олий синф ўқувчиларига тушунарли бўлишини ҳисобга олган ҳолда тула ёритилади.

Дарслик ўқув жараёнининг зарур қисмидир. Кўп вақтлардан бери у ўқитишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади.

Дарслик-ўқувчиларнинг иккинчи «муаллими». Чунки у, аввало, ўқувчи учун зарур қўлланмадир.

Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир.

Дарсликлар билан бир қаторда, айрим ўқув фанлари юзасидан ўқув қўлланмалари ҳам тўзилади.

Мактаб ислохоти ва халқ таълимини қайта қуриш дарслик яратувчилари олдида бир қатор талаблар қуяди.

1. Ҳар қайси ўқув фани учун яратиладиган дарсликда илмий билимлар тизими ва унинг ҳажми дастур талабларига ҳамда шу синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос келадиган бўлиши керак.

2. Дарсликда баён қилинган илмий билимларнинг назарий асослари ва ғоявий йўналиши тизимли ва изчил бўлиши, дарсликда келтирилган далилларнинг ишончли бўлиши, улар тўғри таҳлил, аник таъриф этилиши, тегишли хулосалар

чиқарилиши ҳамда шу орқали ўқувчиларда илмий дунёқараш, энг яхши инсоний фазилятлар таркиб топишини таъкидлаши лозим.

2. Назарий билимлар ишлаб чиқариш амалиёти билан боғланган бўлиши керак.

3. Дарсликда баён қилинаётган материалнинг характериға боғлиқ ҳолда тегишли қоида ва таърифлар берилиши, далиллар келтирилиши ҳамда дарслик яхши безатилган бўлиши, баъзи материаллар расм, схема, диаграмма ва бошқа иллюстрациялар билан бойитилиши талаб этилади.

4. Дарслик ўқувчилар тушуниши осон бўлган жонли тилда ёзилиши, айти замонда фикрлар аниқ ва қисқа бўлиши керак.

5. Дарсликнинг ташқи кўриниши, беағи уша синф ўқувчиларининг эстетик дидларига мос келадиган бўлмоғи лозим.

М.С. Ўқув дастури ва унинг аҳамиятини тушунтиринг.

Мустақил таълимға оид топшириқлар.

1. Белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни аниқланг, юқорироқ балл олмақчи бўлсангиз, маъруза матниға мурожаат қилинг.
2. Ўқув дастури таянч сўзига кластер стратегиясини қўлланг.

9 - маъруза: Таълим қонуниятлари ва қоидалари.

9.1. Таълимнинг илмий, тизимли ва изчил бўлиш қоидаси. Таълим ва тарбиянинг бирлиги ва назариянинг амалиёт билан боғлаб ўқитиш қоидаси.

9.2. Таълимда курсатмалилик ва таълимнинг ўқувчиларға мос бўлиш қоидалари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Қонуният ва таълим қоидалари тушунчаларига таъриф беради;
- Таълимнинг илмий, тизимли, изчил бўлиш қоидасини изоҳлайди;
- Таълим - тарбиянинг бирлик қоидасини баҳолайди;
- Курсатмалилик қоидасини таҳлил қилади;
- Таълимнинг ўқувчиларға мос бўлиш қоидасини тушунтиради;
- Кластер услубини қўллайди.

Таянч сўз ва иборалар.

Таълим қоидалари, илмийлик қоидаси, изчиллик қоидаси, тизимлилик қоидаси, таълим - тарбиянинг бирлик қоидаси, назария ва амалиётнинг боғланганлик қоидаси, курсатмалилик қоидаси, таълимни ўқувчиларға мос бўлиш қоидаси.

9.1. Таълимнинг илмий, тизимли ва изчил бўлиш қондаси. Таълим ва тарбиянинг бирлиги ва назариянинг амалиёт билан боғлаб ўқитиш қондаси.

Маълумки, қонуният - бу барқарор, зарурий, у ёки бу ходисалар ва жараёнлар ўртасидаги мутаносиблик ва муҳим алоқа. Агар ўқитиш жамият талабларини эътиборга олмаса, у холда уни, албатта, қайта куриш, такомиллаштириш керак.

Демак, таълим бериш, тарбиялаш ва ўқувчиларнинг умумий ривожланишларини бир бутунликда амалга ошириш зарур.

Хар бир ўқитувчи шуни англаб етиши муҳимки, ўқув жараёнини самарали куриш-бу, ишда ўзини оклаган педагогик қонунлар, қоидалар дидактик қоидаларни ҳозирги замон шароитидаги янги масалаларни ҳал қилишда ижодий фойдаланган холда, улардан бутунлай ва ўзаро алоқада фойдаланиш демакдир.

Таълим қоидалари деб умўминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган уқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши, ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малакалар ҳосил қилишининг асосий қонун ва қоидаларининг йигиндисига айтилади. Сўнгги йилларда олимлар томонидан яратилган педагогик адабиётларда.

Дидактик қоидалар турлича гуруҳлаштирилмоқда. Ана шуларга асосланган холда қуйидагича таълим қоидаларини курсатиб утиш мумкин.

1.Таълимнинг илмий бўлиш қондаси.

4.Таълимнинг тизими ва изчиллик бўлиши қондаси.

3.Таълимнинг тарбияловчилик характери.

4.Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиши қондаси.

5.Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик қондаси.

6.Таълимда курсатмалилик қондаси.

7.Таълим жараёнида ҳар қайси ўқувчига ҳос хусусиятларни ҳисобга олиш қондаси.

8.Таълимда илмий билим ва қуникма, малакаларни пухта, мустаҳкам ўзлаштириш қондаси.

9.Таълимнинг ўқувчига мос бўлиши қондаси.

10.Таълим ва тарбиянинг бирлиги қондаси.

Таълимнинг илмийлиги қондаси ўқувчининг ўқув материалидаги қонуниятларни ақс эттириши, тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шароит яратиш мақсадида зарурдир.

Дидактиканинг илмийлик қондаси мактаб таълимининг мазмунигагина алоқадор бўлиб қолмай, ўқитиш усулларига ҳам алоқадордир. У таълим жараёнида фан-техника ютуқларидан фойдалана оладиган ўқитиш усулларини такомиллаштиришни ҳам талаб қилади.

Ҳозирги замон дидактикаси ўқитишда хусусийдан умумийга қараб боришни талаб қилувчи классик қоидага ўзгартиришлар киритди.

Таълимда изчилликка риоя қилиб ўқитиш лозим, токи бугун урганилган билимлар кеча урганилганларни мустаҳкамласин, эртага урганиладиганларга замин ҳозирласин.

Таълимнинг тизимли бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғлиқдир. Изчилликка асосланган таълимнинг характерли белгиси шундаки, у ўқувчиларнинг

олдиндан ўзлаштирган билим ва малакалари заминида янги билим, куникма ва малакалар ҳосил қилади.

Тизимлилик ва изчиллик ўқувчиларда ҳар қайси ўқув фанларининг бир-бири билан ўзвий боғлиқ бўлишини курсатишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тизимлилик ва изчиллик қоидалари ўзаро боғлиқ бўлган алоҳида ўқув фанларини ҳамда кундалик ўқув материалларини мантикий жиҳатдан бир-бирига мустаҳкам боғлиқ ҳолда ва муайян бир тартибда ўқитиш ҳамда таълим жараёнида ўқувчиларни тизимли илмий билим, куникма ва малакаларни ўзлаштириб олишларини таъминлайди.

Таълим-тарбиянинг бирлиги таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш ва ўқитишнинг хилма-хил усул ва услубларидан фойдалана олишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Айниқса, таълим билан тар-биянинг бирлигини таъминламок учун:

А)баён қилинаётган ўқув материалларининг мазмуни ҳам илмий, ҳам ғоявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниши;

Б)ўқитилаётган мавзунинг илмий ва тарбиявий моҳияти очиб берилиши, таълим жараёнида ҳадислардан фойдаланиш имкониятини яратилиши;

В)баён қилинаётган илмий билимларнинг пухта ва мустаҳкам ўзлаштирилиши ва турмушда унга амал қилиниши;

Г)таълимда муаммоли жараённи вужудга келтириш, ўқувчиларнинг қизиқишлари, активлик ва ташаббускорликларини таъминлашга эътиборнинг кучайтирилиши.

Д)таълим жараёнида ўқувчиларнинг уюшқоклик, интизомлилик ва жавобгарликни сезиш, ўзаро ёрдам ҳисларини тарбиялашни таъминламок зарур.

Таълим жараёнида назария билан амалиётнинг бирлиги қоидасининг изчиллик билан амалга оширилиши оқибатидагина ўқувчилар ўқув материалининг туб моҳиятини, табиат ва жамият тараккиёти қонуниятларини илмий асосда атрофлича тўғри, чуқур тушуниб оладилар ва келажак амалий фаолиятлари учун зарур бўлган маҳорат, куникма ва малакалар ҳосил қиладилар.

Ўқитиш жараёнида онглилик ва фаоллик қоидаси ўқувчиларда тафаккур ва нутқни ривожлантиришни назарда тутди.

Онглилик ва фаоллик қоидаси ўқувчиларни меҳнат ва укишда ижодий фаолият усуллариغا ўргатишни талаб этади. қайта қуриш даврининг мактаб ва халқ таълими олдида қуйилган талаблари ҳам шу мақсадларга қаратилган.

М.С. Қонуният ва қоиданинг фарқи нимада?
--

9.2. Таълимда курсатмалилик ва таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиш қоидалари.

Курсатмалилик қоидаси таълимнинг етакчи қонун-қоидаларини ва талабларини амалга оширишда воситачилик қилади. Чунончи:

1.Баён қилинаётган мавзунинг мазмунига мос келадиган материаллардан унумли ва тўғри фойдаланиш ўқувчиларнинг утилаётган материални ўзлаштиришга бўлган қизиқишини таъминлайди. Дарс қизикарли утади.

2.Таълимда қўлланилаётган курсатмали куроллар ўқувчиларнинг қай даражада яққол ва аниқ, образли идрок қилишини таъминласа ва кўзатаётган объектга мумкин қадар кўпроқ сезги органлари сафарбар килинса, ўқув материаллари шунчалик тез, қулайва осон ўзлаштирилади, ўзок вақт эсда саклаб қолиш ҳамда қайта эсга тушуриш мумкин бўлади, оқибатда ўқув матери-алларининг пухта ўзлаштирилиши таъминланади.

3.Курсатмали материаллар орқали ўқувчилар объектив борликдаги нарсалар билан, уларнинг хусусияти, белгилари билан танишадилар. Мавхум ходисаларнинг аниқ образлар орқали идрок қилиниши натижасида ўқувчиларнинг мантикий фикр қилиш қобилиятлари ривожланади. Ўқувчиларнинг айниқса схема, жадвал, диаграмма каби материаллар устида иш олиб боришлари ва материал хусусиятларни таққослаш, таҳлил қилиш, умулаштириш, хулоса чиқаришлари алоҳида аҳамиятга эга.

4.Ўқув материалларининг курсатмали бўлиши ўзлаштирилган илмий бўлимларни тажрибада, ишлаб чиқариш амалиётида қўллана олишлари учун зарур бўлган қуникма ва малакалар билан ҳам куроллантиради.

Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши қондаси деганда ўқув материалларининг мазмуни, унинг ҳажми, характери, у ёки бу синф ўқувчиларининг жисмоний ривожини, умумий тайёргарлигини савиясини ва имкониятларига лойик бўлиши тушунилади.

Мослик қондасида таълимнинг икки томони эътиборда тутилади:

1)Маълум синф учун белгиланган ўқув материалларининг характери, мазмуни ва ҳажми шу синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос бўлиши;

2)Ҳар бир синф учун белгиланган билим ҳажми шу синф ўқувчиларининг савиясига мос бўлиши лозим.

Илгор классик педагогика намоёндалари таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши юзасидан бир қатор қондалар ишлаб чиққанлар. Улардан бири «Осондан кийинга қараб бориш» қондасидир. Иккинчи «Маълумдан номаълумга қараб бориш» дир. Бу қондага амал қилишда ўқувчиларда аввалдан мавжуд бўлган илмий билим ва тажрибалар замирида янги, ҳали ўқувчиларга маълум бўлмаган маълумотлар билан куроллантиришни тушунмок лозим. Учунчиси «Соддадан мураккабга қараб бориш»дир. Кўпинча биз тушуниб етган, ўзлаштирилган ҳамма нарсалар содда, тушуниб етмаган, ўзлаштирилмаган нарсалар эса мураккабдек кўринади.

Таълимда билим, қуникма ва малакаларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш қондаси аввало ҳамма ўқитиш қондалари: тушунарлилик, тизимлилик ва изчиллик, назария билан амалиётнинг боғлиқлиги, курсатмалилик, ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги қондаларини амалга ошириш билан эришилади. Пухта ўзлаштиришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан такрорлаш ва машқ қилдиришга ҳам боғлиқдир.

Такрорлашнинг аҳамияти шундаки, такрорлаш жараёнида фақат олдиндан ўзлаштирилган ўқув материалларига эсга тушурилмай, балки шу ўқув материалларига боғлиқ бўлган янги-янги маълумотлар ҳам берилади, ўзлаштирилган билимларнинг ноаниқ, туман бўлиб қолган томонлари ойдинлаштирилади ва тулдирилади.

Такрорлаш, хотирада қайта тиклашни бир неча йўл билан олиб бориш мумкин. Хар бир дарсда аввалги дарс материали билан янги материал ўртасида боғлиқлик урнатиш мақсадида кундалик такрорлаш утказилади.

Такрорлашнинг иккинчи тури махсус қайтаришдир. Бундай такрорлаш катта мавзуларни утиб бўлгач, шунингдек, маълум бир чорак ичида утилган материал юзасидан олиб борилади.

Махсус такрорлашнинг кенг таркалган тури ўқув йили охирида алоҳида ажратилган соатларда утказилади.

Таълимда ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш қоидаси дарсда хар бир ўқувчининг ўзига хос хусусиятларини тула ҳисобга олиш жуда кийин ва хар доим ҳам буни иложи бўлавермайди. Педагог ўқувчиларни дарсдаги ва амалий машгулотлар жараёнидаги ишини, уй вазифаларини бажаришини кўзатади, уларнинг билими, ёзма ишлари, ясаган кургазма материалларини текширади. Дарсдан ташкари вақтларда уртоклари ва бошқаларга бўлган муносабати, хулқи, иродавий сифатларини урганади, улар билан суҳбат қилади. Кузатиш жараёнида у ўқувчининг кучли ва ожиз томонларини, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутки, хотираси, диққати, ҳаёлига мос бўлган хусусиятларни билиб олади. Масалан: ўқувчининг куриш қобилияти унча яхши бўлмаса ёки ёмон эшитса, уни биринчи қаторга утқизиш керак. Бу нарса диққати бекарор бўлган ўқувчиларга ҳам тегишлидир.

Дарсда ва уй вазифаларида дифференциаллашган таълим элементларини қўлланилиши ўқувчиларни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишнинг муҳим воситасидир.

М.С. Мантиқий фикрлаш қобилиятини шакллантириш учун нима қилиш керак?

Мустақил таълимга оид топшириқлар.

1. Маъруза матнини ўқиб чиқинг, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни текширинг.
2. Кластер усулини қўлланг.

10 - маъруза. Таълим усуллари.

- 10.1. Таълим усуллари ҳақида тушунча;
- 10.2. Ўқитишнинг огзаки ва кургазмали усуллари.
- 10.3. Ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли-изланиш усуллари. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Таълим усуллари санайди;
- Огзаки ва кургазмали методлар моҳиятини тушунтиради;
- Репродуктив ва муаммоли изланиш методлари аҳамиятини англайди;

- Индуктив ва дедуктив методларни таққослайди;
- Кластер стратегиясини қўллайди.

Таянч сўз ва иборалар.

Таълим усуллари, оғзаки метод, кўргазмали метод, репродуктив ва муаммоли изланиш методи, индуктив метод, дедуктив метод, ўқитишда назорат, ўз - ўзини назорат қилиш методи.

10.1. Таълим усуллари ҳақида тушунча

Ўқитишнинг дидактик усуллари ва уларни урни билан янгилаб бориш ўқитувчилар олдида ёш авлодни камол топтиришдек муҳим вазифани куяди.

Ўқитиш усуллари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қандай бўлишини, ўқитиш жараёнини қандай қилиб ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини белгилаб беради, яъни ўқитувчи томонидан ўқувчиларни билим, куникма ва малакалар билан куроллантириш ҳамда ўқувчилар томонидан уша назарда тутилган илмий билим, куникма ва малакаларни ўзлаштириш фаолиятида қўлланиладиган йўлларни ўз ичига олади.

Халқ педагогикаси дурдоналарини туплаш, улардан унумли фойдаланишнинг усуллари яратиш борасида педагогика фани илгор ва пешкадам ўқитувчиларнинг иш тажрибаларига, олий илмгоҳларнинг педагог олимларига таяниб иш кўради.

Таълим тизимида ўқувчиларга билим беришнинг энг қулайимкониятларига асосланган ҳолда ўқитиш усуллари қуйидаги турларга бўламиз.

1. Ўқитишнинг оғзаки усуллари.
2. Ўқитишнинг кургазмали усуллари.
3. Ўқитишнинг амалий усуллари.
4. Ўқитишнинг муаммоли - изланиш ва репродуктив усули.
5. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усули.
6. Мустақил иш усуллари.
7. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини рағбатлантириш ва асослаш усули.
8. Ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усули.
9. Китоб билан ишлаш усули.
10. Интерактив усуллар.

10.2. Ўқитишнинг оғзаки ва кургазмали усуллари.

Ўқитишнинг оғзаси усуллари уч турга: ўқитувчининг хикояси, суҳбат ва мактаб маърузасига ажратилади.

Ўқув материалларини оғзаки баён қилиш усули, унинг хикоя қилиш, тушунтириш ва мактаб маърузаси каби турлари қуйидаги бир қатор дидактик қоида ва талабларга асосан қўлланилади.

1.Баён қилинаётган материаллар ғоявий жиҳатдан мазмунли, илмий ҳамда назарияни амалиёт билан боғлашга қаратилган бўлиши керак.

2.Баён қилинаётган материалларнинг тарбиявий аҳамиятини тўғри белгилаш орқали ўқувчиларга тарбиявий таъсир курсатиш воситаларини аниқлаш ва амалга ошириш лозим.

3.Баён қилишда ўқитувчининг нутки ягона манба ҳисобланади, унинг равон, тушунарли бўлиши хал қилувчи омилдир. Шунинг учун ҳам муаллим ўқув материаллини хис-туйғули ифода қилиб бериши ҳам нихоятда катта аҳамиятга эгадир.

4.Баён қилиш жараёнида ўқитувчи томонидан ишлатилган таърифлар, қоида ва қонунлар китоб матнидан фарқ қилган ҳолларда ўқитувчи курсатган таърифлар ёзиб олиниши керак.

Ўқитишнинг кургазмали усуллари икки турда бўлади:

1.Аслича курсатилиши мумкин бўлган буюм ва нарсалар: усимликлар ва уларнинг таркиби, хайвонлар, маъданлар, коллекциялар, асбоб ва машиналар, моделлар ва хоказо.

2.Тасвирий кургазмали материаллар. Тасвирий-кургазмали материаллар ҳам мазмуни ва тузилиш шаклига қараб икки турга бўлинади:

а) буюм, нарса, ходиса ва воқеаларнинг тасвирини ифодаловчи материаллар-расм, сурат фотосурат, диафильм, кинофильмлар ва хоказо;

б) буюм, нарса, ходиса ва воқеаларнинг бирор шартли белгиси орқали ифодаланган символик ва схематик тасвирий материаллар - жуғрофия ва тарих карталари, чизмалар, жадваллар ва диаграммалар.

Тасвирий-кургазмали материалларнинг ҳар иккала тури - иллюстрация материаллари деб ҳам юритилади.

Экскурсия усули таълим ва тарбия ишларининг шундай туридирки, бу усул билан урганилаётган нарса ва ходисаларни табиий шароитда (завод, фабрика, колхоз-совхозлар, табиатни кузатишга) ёки махсус муассаларга (музей ва кургазмаларга) ташкилий равишда борилади.

Ўқитишнинг амалий усули ўқувчиларнинг ўзлаштирган қуниқма ва малакаларини мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда машқ қилдиришда;

1.Машқ учун берилган топширикнинг мақсади ўқувчиларга аниқ тушунтирилган бўлиши;

2.Машқ устида синф ўқувчилар жамоаси ва ҳар қайси ўқувчининг шахсий интилиши, қизиқишини ҳисобга олиш;

3.Топширик бутун синф ўқувчиларининг актив фаолиятини таъминлайдиган бўлиши ва машқни, албатта, белгиланган вақт ичида бажариш талаб қилиниши керак.

Машқ қилдириш усулида ўқувчиларнинг ёзма, ижодий машқлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Лаборатория машқ ишлари машгулотнинг характериға қараб турлича ташкил қилинади:

1.Ўқувчилар билан ёппасига олиб бориладиган машгулотлар.

3. Синф ўқувчиларининг ҳар қайсиси билан алоҳида-алоҳида олиб бориладиган тажриба машгулотлари.

Ёлпасига олиб бориладиган тажрибалар, физика, химия, биология фанлари буйича утказилади. Бундай тажрибалар одатда, янги мавзудан олдин утказилиб, янги мавзуга тажриба асосида кириш хизматини утайди.

Амалий машгулотлар мактаб жонли бурчаги ва тажриба ер участкасида олиб борилади. Мактаб тажриба ер участкасида олиб бориладиган ишлар ўқувчилар бригадалари орқали амалга оширилади. Унда ўқувчилар экин майдонларини хайдаш, угитлаш, сугориш, умуман экинларни парвариш қилиш каби ишларни олиб борадилар.

10.3. Ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли-изланиш усуллари. **Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари.**

Ўқитишнинг репродуктив ва муаммоли-изланиш усуллари. Репродуктив усуллар биринчи навбатда, ўқувчиларнинг ўқув материални мустахкамрок эслаб қолишларини таъминлаш, билишга доир фаолиятни бевосита бошқариш, камчиликларни тез аниқлаш учун амалий куникма ва малакаларни таркиб топтириш макс-адида қўлланилади.

Муаммоли вазият яратиш усуллари деганда ўқув материални ўқувчилар онгида илмий изланишига ўхшаш билиш вазифалари ва муаммолари пайдо бўладиган қилиб урганиш тушунилади. Ишнинг мохияти ўқитувчи бу вазифаларга муаммолик характерини канчалик бера олишидадир. Вазифа қуйидаги талабларни кондира олади-ган бўлсагина шу масаланинг туб мохияти билиш муаммосига айланиши мумкин:

1. Ўқувчилар учун билиш кийинчилигига эга, яъни урганилаётган муаммо устида фикр юритиш.

2. Ўқувчиларда билишга қизиқиш уйғотиш.

3. Тахлил жараёнида ўқувчиларнинг аввалги тажрибаси ва билимига суяниш.

Таълим жараёнида муаммоли вазиятни вужудга келтириш, ундан фойдаланиш усуллари яратиш, таълим тизимининг хар бир боскичида урганиладиган фанларга хосдир.

Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив усуллари дарсларга тайёрланиш жараёнида ўқитишнинг индуктив, дедуктив каби усуллари танлаш зарурияти ҳам тугилади.

Индуктив усуллар техник курилмаларини урганишда ва амалий топширикларни бажаришда кенг қўлланилади.

Дедуктив услуб ўқув материални тезрок утишига ёрдам беради, тафаккурни бир мунча фаолрок ривожлантиради.

Таълим жараёнида ўқувчиларни рағбатлантириш ва танбех бериш усуллари.

Ўқув фаолиятини рағбатлантириш деб кишининг актив фаолиятига бўлган ташки майлига айтилади. Шунинг учун ҳам рағбатлантириш-ўқитувчи фаолиятининг омили ҳисобланади. Укишга қизиқишни рағбатлантириш турларидан бири-укишда маълум кийинчилик сезаётган ўқувчиларга муваффақиятли вазиятларни яратишдир.

Укишга доир танбехлар: дарс пайтидаги огзаки танбех беришлар, бахосини пасайтириб қуйиш, иш дафтарига ёзишлар хатоларини курсатиш ва бошқа усуллар орқали қўлланилади.

Койиш ҳамда жазолашнинг бошқа турларини қўллаш ўқитиш усулида истисно хол, чунки бу усул энг охирги иложсиз чора ҳисобланади.

Мактабда болага тан жазоси бериш, ўзлаштира олмагани учун уни ҳақорат қилиш, шахсига тегиш, ёмон иборалар билан сукиш асло мумкин эмас.

Ўқитишда назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари.

Огзаки назорат-якка ва гуруҳий сураш йўли билан амалга оширилади. Алохида сурашда ўқитувчи маълум вақт даврида ўқувчилар тушунча, қонун, назария ҳамда далилларни қай даражада эгаллаганликларини аниқлайди. Алохида сурашда маълум масалаларини, операцияларни ҳал қилиш куникмаси, техник воситалардан фойдалана билишлари текширилади.

Ёзма назорат ишларини утказишда, баҳоларнинг тўлиқ объективлигини таъминлаш билан бирга буш ўзлаштирувчиларни илгорлар сафига тортиш, топширикни уддалашларига ишонч ҳосил қилиш мақсадида уларга масалаларнинг жавобларини, кушимча расмлар ва хоказоларни бериш керак.

Назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш услубларини ўзаро мохирона бириктириш барча ўқув фанлари бўйича таълим самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

М.С. Анъанавий методлар ва ноанъанавий методларнинг бир - биридан фарқли томонларини сананг.

Мустақил таълимга оид топшириқлар

1. Маъруза матнини ўқиб чиқинг, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни аниқланг.
2. Инсерт ва кластер усулини қўлланг.

11- маъруза. Таълимни ташкил этиш шакллари.

- 11.1. Дарсга бўлган талаблар.
- 11.2. Синф-дарс шаклидаги дарс турлари ва уларнинг тузилиши.
- 11.3. Семинар ва амалий-тажриба ишлар шаклидаги машғулотлар.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Дарсга бўлган талабларни санайди;
- Дарс турларини айтиб беради ва изоҳлайди;
- Семинар машғулотлари ва амалий машғулотларни тушунтиради;
- Дарс турларини таҳлил қилади;
- Мавзуга оид Кластер тузади.

Таянч сўз ва иборалар.

Дарс, дарс шакллари, дарс турлари, семинар машғулоти, амалий машғулоти, дарсга бўлган талаблар.

11.1. Дарсга бўлган талаблар.

Мактабнинг тарихан тараккий этиш даврида таълимни ташкил қилиш шакллари турлича бўлган. Таълимни ташкил этиш шакллари маълум ижтимоий тузум ва шу тузумнинг манфаатларига мос ҳолда шакллانган.

Синф-дарс тизими шарқ мамлакатларига, жумладан Марказий Осиёдаги эски мусулмон мактабларига тадбик бўлмади. Уларда октябр тунтаришига қадар ўрта аср мактабларига ҳос таълим тизими давом этиб келди.

Бир укиш хонасида 6 ёшдан 15-16 ёшгача бўлган болалар гуруҳи билан бир вақтда машғулоти олиб бориларди. Шунингдек, бир укиш хонасидаги (20-30) ўқувчининг билим даражаси ҳам турлича бўлар эди. Ўзбек мактаби октябр тунтаришидан кейин синф-дарс тизимига ўтди.

ВКП (б) Марказий Комитети 1932 йил 25 августда «Бошланғич ва ўрта мактабнинг ўқув дастурлари ва режими тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорда «Бошланғич, ўрта мактабда ўқув ишини уюштиришнинг асосий шакли-маълум гуруҳ ўқувчилари билан, қатъий машғулоти жадвалига мувофиқ дарс олиб бориш лозим; бунда бир гуруҳ ўқувчилар состави сири ўзгармаслиги керак; ўқув ишининг бу шакли ўқитувчининг раҳбарлиги остида, бутун гуруҳни бирлаштириб ишлаши, бригадаларга бўлиниб ишлаш ва ҳар бир ўқувчининг индивидуал ишлашини ўз ичига олиш; ўқитишнинг хилма-хил усуллари қўлланиши керак», деб қурсатиб қўйилди.

Эндиликда мустақил жумҳуриятимиз халқ таълими олдига қўйган талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда мактаб таълимини ташкил қилишнинг янги-янги шакллари яратилмоқда.

Синф - ёши ва билими жиҳатдан бир хил бўлган маълум микдордаги ўқувчилар гуруҳидир.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машғулоти айтилади.

Дарс-ўқув ишларининг асосий ташкилий шаклидир.

Дарс-ўқув ишларининг марказий қисмидир.

Мактабларимиз босиб ўтган тарихий давр ичида таълимни ташкил қилиш шакллари ўзгарди, ривожланди. Ҳозир мактаб-ларимизда қўлланилаётган синф-дарс тизими қуйидаги ташкилий шаклларда олиб борилади.

1. Ҳар қайси синф ёши ва билимига кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлган.

2. Дарс машғулоти асосан 45 минутга мулжалланган бўлиб, қатъий жадвал орқали олиб борилади.

3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва яқка шаклда олиб борилади.

3. Дарс утилаётган материалнинг мазмунига караб хилма-хил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб уюштирилади.

Айни пайтда, мактабларимизда таълимни ташкил қилиш шакллари икки турда олиб борилмоқда.

1. Синф-дарс шаклида олиб бориладиган машгулотлар.

2. Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машгулотлар.

Дарсга бўлган талаблар турли-туман фикр ва мулохазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс қуйидаги умумий дидактик талабаларга жавоб бериши лозим:

1. Хар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.

2. Хар бир дарс мустаҳкам ғоявий-сиёсий йўналишга эга бўлмоғи лозим.

3. Хар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.

4. Хар бир дарс хилма-хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.

5. Дарсга ажратилган хар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ лозим.

6. Хар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.

7. Дарсда ўқув материалларининг мазмунига оид курсатмали куроллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.

8. Дарс машгулотини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан хар қайси ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.

9. Хар бир дарсда мавзунинг характерида келиб чиқиб, халқимизнинг бой педагогик меросига мурожаат қилиш ва ундан фойдаланмоқ имкониятини изламоқ лозим.

М.С. Таълимни ташкил қилиш шакллари неча турдан иборат ва уларни шархланг.

11.2. Синф-дарс шаклидаги дарс турлари ва уларнинг тузилиши.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён қилиш дарси.

2. Утилган материалларни мустаҳкамлаш дарси.

3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва қуникмаларини текшириш, баҳолаш дарси.

4. Такрорий-умумлаштирувчи ва кириш дарслари.

5. Аралаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечасини бирга қўлланиш).

Хар бир дарс тўрининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор, бу нарсa ўқитувчининг ўқув материаллини тўғри ва самарали тушунишга, мустаҳкам эсда қолдиришга, такрорлашга ва унинг ўзлаштирилишини назорат қилиб боришга ёрдам беради.

Маълум бир дарс тури билан олиб бориладиган машгулотларда иккинчи, хатто учинчи бир дарс тўрининг элементлари бўлиши мумкин. Масалан, мактабларимизда энг кўп қўлланиладиган дарс турларидан бири-янги билимларни баён қилиш дарсидир. Бу дарс тури қуйидагича тўзилади:

А)янги билимларни баён қилиш;

Б)янги билимларни мустахкамлаш;

В)янги билимлар устида машқ қилиш;

Г)янги билимларга боғлиқ холда уй вазифалари топшириш.

Дарс тузилишини бирдан иккинчисига утиши ва шу орқали дарснинг шакли ҳамда усуллариининг ўзгариши дарс боскичи деб юритилади.

Масалан, аралаш дарс тўрининг тузилиши:

1) Уй вазифаларини сураш, текшириб куриш;

2) Янги материалларини сураш, текшириб куриш;

3) Янги материалларини мустахкамлаш;

4) Уй вазифаларини топширишни ўз ичига олади. Бунда:

а) уй вазифаларини куриш суҳбат (савол-жавоб), мисол ва масалалар ишлатиш йўли билан олиб борилиши мумкин. Бу дарс тузилишининг 1-қисми, дарснинг биринчи боскичи;

б) янги материалларни баён қилиш жараёнида ўқитувчи тушунтириш, хикоя қилиш, мактаб маърузаси, суҳбат каби усулла-ридан фойдаланиши мумкин. Бу-дарс тўзулишининг иккинчи қисми, дарснинг иккинчи боскичи;

г) уй вазифаларини топшириш жараёнида тушунтириш, суҳбат усулидан фойдаланиш мумкин. Бу-дарс тузилишини туртинчи қисми, дарснинг туртинчи боскичидир.

11.3. Семинар ва амалий-тажриба ишлар шаклидаги машгулотлар.

Семинар машгулотларни ўқувчиларнинг мавзудаги муҳим масалаларини чуқур урганиш юзасидан мустақил ишлашини, кейинчалик уларни жамоа бўлиб муҳокама қилишини ташкил этиш шаклидир.

Амалий тажриба машгулотлари синф-дарс тизими шаклида олиб борилмайдиган машгулот тури бўлиб, у махсус жихозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба участкасида олиб борилади:

1.Амалий тажриба машгулотлари.

2.Экскурсиялар.

Амалий тажриба машгулотлари ҳам ўз характериға кўра икки турға эға:

1.Мактаб устахонасида.

2.Мактаб тажриба ер участкасида олиб бориладиган тажриба машгулотлари.

Амалий тажриба машгулотларининг синф-дарс шаклидаги машгулотдан фарқи шундаки, бу машгулот турида ҳар қайси ўқувчини ўзига ҳос ишлатиш, куниқма ва малакалар билан куроллантириш назарда тутилади. Бу машгулотлар асосий иш тури билан бирға ўқувчиларни материал, асбоб-ускуна билан таъминлаш, йиғиштириб олиш, иш урнини тоза тутиш каби ташкилий масалаларни ҳам ўз ичига олади.

Мустақил таълимга оид топшириқлар.

1. Мавзуни ўқиб чиқиб, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни белгиланг.
2. Кубик ҳамда Кластер усулини қўлланг.

12 - маъруза. Тарбия жараёнининг моҳияти.

12.1. Тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги, тарбияда инсонпар-варлик ва демократия.

12.2. Тарбияда миллий ва умўминсоний кадриятларнинг устунлиги, тарбияда изчиллик, тизимлилик-тарбиявий таъсирларнинг уйғунлиги ва узлуксизлиги.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзуни тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- тарбия қоидаларини санайди;
- тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги қоидасини изоҳлайди;
- тарбиянинг инсонпарварлик ва демократия қоидасини тушунтиради;
- тарбияда изчиллик ва тизимлилик қоидасини таҳлил қилади;
- мавзуга оид кластер тузади.

Таянч сўз ва иборалар.

Тарбия, тарбия қоидалари, мақсадга қаратилганлик, демократия қоидаси, изчиллик қоидаси, миллийлик қоидаси, умўминсоний кадриятлар.

12.1. Тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги, тарбияда инсонпар-варлик ва демократия.

Тарбия назарияси-педагогика фанининг бир қисми бўлиб, тарбиявий жараённинг мазмуни усули ва ташкил этилиши масалаларини урганади. Ҳаётга янгича сиёсий ва иқтисодий нуқтаи назардан ёндошиш усиб келаётган ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жараёни фан қайтадан куриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришуви таълим ва тарбиянинг миллий шакллари ривожланишига кенг имкониятлар очиб берди. Тарбия назарияси Марказий Осиё файла-суфларининг ва халқ педагогикасининг тарбия борасидаги бой тажрибаларига таянади. Тарбия назарияси ўз қоидаларини асослаш учун фалсафа, социология, этика, эстетика, физиология, психология фанлари маълумотларидан фойдаланади. Тарбия назарияси педагогиканинг бошқа бўлимлари: педагогиканинг умумий асослари, таълим назарияси, мактабшунослик билан ўзвий боғлан-гандир.

Тарбия жараёнининг мохияти шу жараён учун характерли бўлган ва муаъян қонуниятларда намоён бўладиган ички алоқа ва муносабатларни акс эттиради.

Хозирги замон педагогикасида тарбия тарбиячининг тарбияланувчи шахсига оддий таъсир курсатиши эмас, балки тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг аник бир мақсадга қаратилган, бир-бири билан ҳамкорликда қиладиган муносабатлари ва ўзаро таъсир курсатиши эканлиги алоҳида таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни оила, давлат олдидаги масъулиятини англаб етадиган ҳар томонлама етук шахсни шакллантирувчи, интеллектуал ва илмий кучларни тараккий эттиришдек юксак маданиятларни белгилаб берди.

Тарбия жараёнида кишининг турли қобилиятлари ривожланади, ғоявий, ахлоқий, иродавий, эстетик хислатлари шаклланади, табиатга, жамиятга илмий қарашлар тизими таркиб топади, жисмоний куч-қувватлари мустаҳкамланади.

Бола катталарнинг тажрибаларини суи ҳолда эмас, балки фаол равишда ўзлаштиради: бу ўзлаштиришда унинг онгли ҳаракати, тиришқоклиги катта аҳамиятга эга бўлади. Тарбияланувчилар муайян даражада актив фаолият курсатмасалар тажриба ва билимни ўзлаштира олмайдилар. Боланинг ёши улгайган сари бу фаоллик табора кўпроқ мустақил хусусиятларга эга бўлиб боради; тарбияланувчилар ўзларида дунёқарашни таркиб топтиришга, ўз-ўзини такомиллаштириш, табиат, жамият ва турмушда учрайдиган ҳодисаларни тушунишга ҳамда идрок этилган нарсаларга танқидий муносабатда бўлишга куника борадилар.

Ҳамма даврларнинг илгор кишилари тарбияга юқори баҳо берганлар. Халқ донишмандлари ва мутаффақирларидан Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Завкий, Фуркат, Аваз Утар, Ҳамза, Абдулла Ав-лоний инсон камолотини илм-фан ва тарбияда деб билдилар.

Тарбия қоидалари

Тарбия қоидаи-педагог таълим ва тарбия жараёнини яхшироқ ташкил этиш мақсадида фойдаланадиган бошланғич ҳолат, раҳбарлик асосидир.

Тарбия қоидалари ўқитувчи, тарбиячиларга йўл-йурик курсатувчи қоидалар ҳисобланади, янги кишини шакллантириш вазифалари билан белгиланади. Тарбия қоидалари Шарк ва Марказий Осиё файласуф-донишмандларининг фикрлари ва миллий педагогика эришган ютуқларга асосланади. Тарбия қоидалари мустақил характерга эга бўлиб, тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини акс эттиради. Тарбиявий жараёнда бу қоидаларга риоя қилиш унинг самарасини оширади, яхши натижаларга олиб келади.

Тарбия қоидаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: тарбиянинг маълум мақсадга қаратилганлиги, тарбиянинг инсонпарварлик ва демократик қоидаи, тарбияни ҳаёт билан, меҳнат билан боғлиқлиги қоидаи, тарбияда миллий-маданий ва умўминсоний кадриятларнинг устиворлиги қоидаи, тарбияда ўқувчиларнинг ёш ва шахсий хусусиятларнинг ҳисобга олиш қоидаи, изчиллик, тизимлилик, тарбиявий таъсирларнинг бирлиги ва узлуксизлиги қоидаи ва бошқалар.

Тарбиянинг мақсадга қаратилганлиги қоидаи

Тарбиядан кўзланган асосий мақсад, ҳар томонлама маънавий ривожланган ақлий ва ахлоқий баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Шунга кўра

тарбиявий фаолиятнинг мазмуни, ташкилий шакллари ва усуллари шу мақсадга эришишни кўзда тутади.

Умумий таълим мактабининг асосий вазифаси-шахснинг аклий, ахлоқий, ҳистуйгули ва жисмоний ривожланиши, қоби-лиятларини ҳар томонлама камол топтириш имкони борича қулайшароитлар яратишдан иборатдир. Шунингдек, ўқувчиларда миллий гурур ва миллий ахлоқ-одобни шакллантиришни кўзда тутади.

Шахснинг шаклланиш манфаатлари ҳар бир педагогик тадбирни тарбиянинг умумий мақсадлари билан боғлашни, уни режали тарзда ва катъий суратда амалга оширишга ҳаракат қилишини талаб этади.

Тарбиянинг маълум мақсадга киритилганлик қондаси болалар жамоасининг ривожланиш истикболларини кўра билишга ёрдам беради. Ҳар бир тарбиявий тадбир олдиндан пухта уйланган, муайян мақсадни амалга оширишга бўйсундирилган бўлса, унинг ғоявий-сиёсий даражасини кутаради, танланган усул ва воситалар мақсадга мувофиқ келади, уларнинг тарбиявий таъсири юқори бўлади.

Тарбияда инсонпарварлик ва демократия қондаси

Умумий таълим мактаби янги педагогик тафаккур эгаси, муносиб шахс, ўз ишининг устаси бўлган ўқитувчига муҳтож.

Ўқитувчининг билим савияси, маънавияти жамиятни ҳаракатга келтирувчи, тараккиётга элтувчи етакчи омиллардан биридир. Ўқитувчи юриш - туриши, хатти-ҳаракати, кийиниши, муомаласи билан ўқувчи калбига кириши, уни эзгулик сарийналтириши керак.

Мактабда рухий хизматдан фойдаланиб болалар қайфиятини, интилишини ва қобилиятларини аниқлаш таълим-тарбия жараёнларига ижодий ёндошишга имкон беради.

Ёшларни инсоний фазилатлар руҳида таъбиялашда муқаддас китоб Қуръони Карим, ҳадиси шарифдан фойдаланиш жуда муҳим.

Шундай экан, мактабда ўқувчиларга гуманитар-ижтимоий фанлардан таълим беришда тарбияга кўпроқ эътиборни қаратмоқ лозим. Айниқса ҳозирги шароитда Ўзбекистон тарихи, адабиётини ўқитиш жараёнида бевосита тарбияга оид бўлган миллий маънавиятга, миллий рух, урф-одат ва, шунингдек, умумбашарий қадриятларга алоҳида ургу бериш зарур.

Яхши ўқитувчи ўқувчиларнинг сўзини диққат билан тинглайди уларга далда беради, тинчлантиради, тўғри баҳо қояди, ҳаммани тенг кўради, болаларни севади.

Тарбияни демократиялаш - бу тарбияни маъмурий эҳтиёж ва қизиқишларидан юқори қуйиш, тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасида ўзаро ишонч, ҳамкорлик асосида педагогик муносабатлар моҳиятини ўзгартириш демакдир.

Ўқитувчи ўқувчига, аввалгидек, тарбия объекти эмас, худди ўзи қаби субъект деб қараши даркор. Яъни ўқувчига фақат менинг буйругимни бажарувчи эмас, балки менинг ўзим билан тенг ҳуқуқли, бирга ишловчи, ҳамкорлик қилувчи деб қараши лозим.

Бола бутун калбини дарсга бағишласа, уни оғир аҳволга солиб қуйган бўламиз, у фақат ўқувчигина эмас, аввало, ранг-баранг қизиқишлар, эҳтиёжлар, интилишларга эга бўлган инсондир.

Тарбиявий фаолиятни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш унинг мохияти ва мазмунини қайта тафаккур этишни кўзда тутди, шахснинг ривожланиш ва ўзлигини англаш ҳуқуқини таъминлайди.

М.С. Тарбиявий муносабатлар деганда нимани тушунаси?

12.2. Тарбияда миллий ва умуминсоний кадриятларнинг устунлиги, тарбияда изчиллик, тизимлилик-тарбиявий таъсирларнинг уйғунлиги ва узлуксизлиги.

Тарбияда миллий ва умуминсоний кадриятларнинг устунлиги қондаси.

Ўзбек халқининг маданий меросини урганишда ва ривожлантиришда миллий ўзига хослиги, маънавий хусусиятлари ҳисобга олиниб, халқ педагогика анъаналарига суянган ҳолда иш қилиниши мақсадга мувофиқ.

Халқ педагогикасининг бола тарбиясидаги бой тажрибалари ҳаётга тула тадбиқ этилмаганлиги, буюк алломаларнинг педагогик қарашлари, шарқона урф-одатлар, бой анъаналари ҳаётга жорий этилмаганлиги тарбия борасида талай қусурларнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Халқимизнинг кўп асрли кадриятларини, улкан ва бой маданий меросини чуқур билмасдан, миллий ўзликни англаш, миллий гуруҳ туйғусини қарор топтириш мумкин эмас.

Ўзбек халқи кўп асрлик тарихий тараккиётида катта мадани-ятни яратди. У яратган бойликлар ёшлар тарбиясида муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Исмоил-ал Бухорий, ал-Хоразмий, Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Юғнакий, Саъдий Шерозий, Аҳмад Яссавий, Низомий Ганжавий, Фаридиддин Аттор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа буюк мутафаккирларнинг асарлари орқали ўқувчилар гўзал ахлоқ, бахт, инсоф, поклик, ифбат, сабр-матонат, меҳр-шафқат, сихат-саломатлик, ота-онани ҳурмат қилиш қондалари ҳақида кенг тасаввурга эга бўладилар. Инсонийлик ўз таркибига инсоннинг энг яхши ахлоқий хусусиятларини, яъни одамлар ўртасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш, дустлик, ота-онага садокатлик, меҳнатсеварлик, диёнатлилик каби фазилатларни камраб олади. Ота-боболаримиз болаларда ёшлиқдан ана шу гўзал фазилатларни қарор топтиришга аҳамият берганлар.

Тарбияда изчиллик, тизимлилик - тарбиявий таъсирларининг уйғунлиги ва узлуксизлиги қондаси. Тарбияга яхлит тизимли ёндашиш тарбиянинг педагогик ҳаракатнинг пировард натижасига йуналтирилганлик даражасини белгилаб беради. Бунда педагогик мақсад ва вазифалар, унинг мазмуни тарбиявий жараённинг барча катнашчилари томонидан тан олиниши шарт.

Тарбия ишида изчиллик жуда муҳимдир. Тарбиячи аввалига болалардан бирор нарсани талаб қилиб, сўнгра ўзининг бу талабини унутиб қуйса ёки ўзи бу талабга ҳилоф иш тутса, бу ҳол тарбияга жуда ёмон таъсир қилади. Ўқитувчи субутли; ўз лавзига собит бўлмоғи керак. Масалан: «Эртага кундаликларингизни текшираман», «Оёқ кийимларингизни мойлаганлигини кўраман» деб ваъда бердингизми, ижросини унутманг. Педагог бирор тарбиявий тадбир уюштиришни

болаларга ваъда қилиб сал орада ваъдасини эсидан чиқариб қўйса ўқувчилар бундай ўқитувчига ишонмай қўядилар. Хар бир педагогнинг иши билан сўзи бир бўлиши лозим.

Болаларга бирданига жуда кўп талаб ва қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас. Болаларга тарбия ва таълим беришда узлуксиз ва тизимлилика риоя қилиш керак.

Ўқитувчилар орасида ҳам талабаларнинг бир хиллиги ҳамisha таъминланавермайди. Тарбия ўзок муддатли, мураккаб жараён бўлиб, унда ота-онаси, ўқитувчи жамоатчилик ва бошқалар катнашадилар. Шу сабабли уларнинг ишида изчиллик ва давомийлик бўлишига риоя этиш, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини, тарбия усуллари ва шакллари ўз вақтида аниқлаб олиш жуда муҳимдир. Бу қоида тарбия ишида тарбияни амалга оширадиган барча бугинларнинг (оила ва мактаб, ўқувчилар ва ёшлар ташкилотлари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари ва ишлаб чиқариш жамоаларининг, кенг жамоатчиликнинг) ҳамжиҳат ва бамаслаҳат иш қўришини кўзда тутди. Чунки тарбиявий таъсирдаги тизимлилиқ фақат ёшларни эмас, балки аҳолининг барча катламларини камраб олиши керак.

Мустақил таълимга оид топшириқлар.

1. Маъруза матнини ўқиб чиқинг, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни текширинг.
2. Тарбия тушунчасига Кластер тузинг.

13 - маъруза. Тарбиянинг умумий усуллари

13.1. Халқ педагогикасида қўлланилган тарбия усуллари. Машқ ва урга-тиш, ўз-ўзини тарбиялаш усуллари.

13.2. Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Тарбия тушунчасига таъриф беради;
- Машқ усулини тушунтиради;
- Ўз - ўзини тарбиялаш усулини изоҳлайди;
- Рағбатлантириш ва жазо усулини таққослайди;
- Мавзуга оид Синквейн тузади.

Таянч сўз ва иборалар.

Тарбия, тарбия усуллари, машқ ва ўргатиш, ўз - ўзини тарбиялаш, рағбатлантириш усули, жазолаш усули.

13.1. Халқ педагогикасида қўлланилган тарбия усуллари. Машқ ва урга-тиш, ўз-ўзини тарбиялаш усуллари.

Бола укишни, тарбия олишни истайди, улгайиб жамият ҳаётида фаол иштирок этишни хоҳлайди. Педагог уни қай усулда, қандай муносабатлар шароитида, қандай педагогик жараёнида тарбиялаши лозимлиги билиши керак. Шу билан бирга бола ўзини ўзгартиришда фаол иштирокчи эканлигини ҳам унутмаслиги лозим. Ўқувчилар яқин кишиларининг (ота-онаси, ўқитувчилари, тарбиячиларининг) муносабатларини яхши билса бу унга ишда ёрдам берса, шундагина бола педагогик таъсир утказишга очик ва мойил бўлади. Ўқитувчи - дуст, мураббий, йўл бошловчи бўлгандагина ўқувчилар ўзларининг ички оламларини очиб курсатадилар.

Юқорида айтганимиздек, тарбия - тарбиячи ва тарбияланувчи фаолиятларини ўз ичига олган икки ёклама жараён. Тарбиячилар - билим ва тарбияга эга бўлган кишилар, тарбияланувчилар - билим ва тажриба урганувчи ёшлардир. Аммо тарбияланувчилар муайян даражада актив фаолият курсатмасалар тажриба ва билим ургана олмайдилар.

Демак, тарбия усули - тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолият ва ўзаро таъсир курсатиш усуллари дир. Илмий адабиётларда тарбия усуллари тарбия методлари деб ҳам ишлатилади.

«Метод» сўзи грекчадан олинган бўлиб, йўл, усул маъносини билдиради.

Халқ педагогикасида қўлланилган жуда хилма-хил тарбия усуллари куйидаги тарзда умумлаштириш мумкин.

1. Тушунтириш (ўргатиш, одатлантириш, машқ килдириш).

2. Намуна (маслахат бериш, ўзр сураш, яхшиликлар ҳақида сўзлаш, уртак бўлиш).

3. Насихат бериш, уғит (ундаш, кундириш, илтимос қилиш, ёлвориш, тилак-истак билдириш, мақўллаш, раҳмат айтиш, дуо қилиш, ок йўл тилаш ва хоказолар).

4. Коралаш ва жазо. (таъкиклаш, таъна, гина, танбех бериш, мажбур қилиш, қойиш, айблаш, уялтириш, куркитиш, нафратланиш, онт-қасам ичириш, уриш, қалтаклаш ва хоказолар.)

Тарбия усуллари урганиш, таҳлил қилиш, бу усуллардан педагогик жараёндан фойдаланиш, қуникма ва малакаларни эгаллашни осонлаштириш учун уларни шартли равишда бир неча гуруҳга бўлиб оламиз:

Сухбат ва хикоя. Ўқувчи шахсини ғоявий ва ахлоқий шакллантиришда ўқитувчининг жонли сўзи энг таъсирли усул ҳисобланади. Сухбат учун мавзу танлашда унинг мазкур синф учун долзарблиги, болаларда ахлоқий ишонч уйғотишнинг сухбат мазмунига бўлгант иуносабатларини ва сухбатдан кутилаётган натижани ҳисобга олиш лозим.

Хикоя. Ўқувчилар одатда ҳаётдан ва бадиий адабиётдан олинган аниқ мисоллар билан тўлиқ хикояларни қизиқиб тинглайдилар. Сухбат ҳам, хикоя ҳам ўқувчиларнинг ёшига мос мавзуларда, улар тушунадиган сўзлар орқали ўзбек тилида утказилиши керак. Энг яхшиси, сухбат ва хикоя мавзусини ўқувчиларнинг ўзлари танласин, бунда сухбатнинг завки - шундан таъминланади, ўқувчилар мавзуга бефарқ қарамайдилар.

Намуна. Ўқувчилар ўз атрофларидаги кишиларда ҳамма яхши ахлоқий сифатларни қуришлари ва намуна олишлари ниҳоятда муҳимдир.

Ўқитувчининг шахсан ўзи намуна бўлиши, айниқса ёшларга қатта таъсир курсатади.

Намунадан халқ педагогикасида ҳам кенг фойдаланилган. Ота - боболаримиз ўз фарзандларини ҳамиша яхшилардан, донолардан, улуг кишилардан ибрат олишга даъват қилиб келганлар. Масалан: «Куш уясида курганини қилади». Жуда оддий жунгина хулоса.

Топширик. Ўқувчиларнинг меҳнат топширикларини жамоа бўлиб бажаришлари уларда ижтимоий хулқ тажрибаларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўқувчилар ўз кучларини умум ишига сарфлашга, жамоа учун масъулиятни ҳис этишга урганадилар. Меҳнат қилиш болани характерини шакллантиради, мустаҳкамлайди.

Педагогик талаб. Педагогик талаб тарбиянинг энг муҳим усулларида биридир. Талаб - бу ўқувчининг турли вазифаларни бажариши; ижтимоий хулқ - атвор мезонларини ифодалаш; у ёки бу фаолиятда катнашиб бажарилиши зарур бўлган аниқ бир вазифа сифатида намоён бўлиши; турли курсатма сифатида намоён бўлиши, у ёки бу ҳаракатда рағбатлантирувчи ёки уни тухтатувчи бўлиши; оқилона ҳаракатларга ундовчи бўлиши мумкин.

Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари ўқувчиларнинг ўзини - ўзи идора қилиш органлари фаолиятида катнашишлари, уларнинг ижтимоий фаоллик мавқеини шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир. Ўқувчилар уқишда, тарбияда, дам олишда ўз - ўзини тарбиялаш усулларида фойдаланадилар, ўз - ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди.

Ўз-ўзини таҳлил қилиш. Ўз шахсини, фазилатларини таҳлил қилишга, хатти - ҳаракатлари ҳақида уйлашга ўргатади.

Ўз - ўзини назорат қилиш учун ўқувчи ўзининг юриш - туриши, интизоми, ижобий одатларининг ортиб бориши ва, аксинча, салбий одатларининг камайиб бориши ҳақида мунтазам равишда кундалигига ёзиб боради.

Ўз-ўзини баҳолаш. Ўқувчининг қобилиятини ўз кучи билан юзага чиқишига ёрдамлашиш зарур. Ўз - ўзини баҳолаш кийин, лекин ўқувчини бунга етарли тайёрлаш мумкин.

Ўз - ўзини баҳолаш ўқувчи учун ўзининг имкониятларини ҳисоб - китоб қилиш, баҳолаш, ўзига четдан туриб ҳолисона баҳо бериш, ўзидан қониқиш ҳосил қилишда ёрдам беради.

М.С. Метод, усул тушунчаларига таъриф беринг.
--

13.2. Рағбатлантириш ва жазолаш усуллари.

1. Ўқувчининг кучи етадиган, масъулиятли топширик бериш орқали болага ишонч билдириш; бунда ўқувчи ўз кадр - қиммати билан фахрланади;
2. Макташ (ота-оналар, болалар жамоаси олдида);
3. Эсдалик совғаси бериш (китоб, ручка, ўқув асбоби ва бошқалар);
4. Мактов ёрлиғи бериш;
5. Стипендия билан тақдирлаш;
6. Хурмат тахтасига фотосуратини қўйиш;
7. Қўллаб-қувватлаш;
8. Масъулият ва жамоанинг миннатдорчилиғи;

- 9.Сафда биринчи ўринда туриш;
- 10.Мусобакаларда байрок кутариш;
- 11.Газетада, радиода эълон ва хоказо.

Хар қандай рағбатлантириш педагогик талабларни ҳисобга олган ҳолда қўлланиши лозим.

Жазолаш - бу тарбияланувчининг хатти - ҳаракати ва фаолиятига салбий баҳо беришдир.

Жазо ҳам ўқувчининг ва бутун синф манфаати учун қўлланадиган охириги тарбия усули. Жазо чораларини қўллашда жисмоний жазо, уриш, калтаклаш мумкин эмас, болани куркитиш, газаблантириш ҳам яхши натижа бермайди, ўқувчи курканидан ёлгон гапиришга урганади, иккиюзламачи бўлиб қолади.

Мақтабларда қўллаш мумкин бўлган жазо чораларига қуйидагилар киради:

Танбех бериш - энг енгил жазо чорасидир. Ўқитувчи болага юзма - юз туриб танбех беради, буни кундалигига ёзиб қуйиш мумкин.

Огоҳлантириш - номаъқўл хатти ҳаракатларнинг олдини олиш учун қўлланилади.

Хайфсан бериш - агар танбех ва огоҳлантириш кутилган натижани бермаса, ўқувчи белгиланган интизомни бўзаверса, ўқувчининг айби қай даражада ва унинг интизомини қандай шароитда бўзганини эътиборга олиб унга хайфсан эълон қилиш мумкин.

Уялтириш. Одамнинг энг нозик сезгиларидан бири уят, ор-номус, шарм-хаёдир. Одатда, одамда иззат -нафс, одамийлик канча кучли бўлса, аввало ўзини ҳурмат қилса, унда ор-номус, уят шунчалик кучли бўлади. Болаларни тарбиялашда шу ҳисларни эҳтиёткорлик билан устириш лозим, лекин хадеб уялтиравериш ва қизартиравериш ярамайди. Бундан оқилона ва ўз урнида фойдаланиш керак, шундагина ижобий натижага умид қилиш мумкин.

М.В. Сиз ўқитувчисиз, талабаларингиздан бири берилган топшириқни бажармаган ва дарсда ўзини яхши тутмаяпти. Қандай жазо чорасини қўллайсиз?

14 - маъруза. Ўқувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантиришнинг асосий таркибий қисмлари.

- 14.1. Ахлоқ ва ахлоқий тарбиянинг мазмуни.
- 14.2. Ҳуқуқий ва экологик тарбия.
- 14.3. Иқтисодий, эстетик, жисмоний тарбиянинг мақсади ва вазифалари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Ахлоқ ҳақида тушунча беради;
- Ҳуқуқий ва экологик тарбияни изоҳлайди;
- Иқтисодий, эстетик тарбияни таҳлил қилади;
- Жисмоний тарбия аҳамиятини баҳолайди;
- Ахлоқий тарбия мазмунини тушунтиради;

- Мавзуга оид Кластер ёки Синквейн тузади.

Таянч сўз ва иборалар.

Ахлоқ, ахлоқий тарбия, ҳуқуқий тарбия, экологик тарбия, иқтисодий тарбия, эстетик тарбия, жисмоний тарбия.

14.1. Ахлоқ ва ахлоқий тарбиянинг мазмуни.

Ахлоқ ва ахлоқий тарбия ҳақида тушунча. Ахлоқ, хулқ ва атвор сўзлари арабча бўлиб улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида ишлатилади. Айрим адабиётларда ахлоқ кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос ҳуқуқ нормалари мажмуи, дейилса бошқаларида эса, ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири социал тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоида ижтимоий ҳаётнинг истисносиз ҳамма соҳиларида кишиларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солиш функциясини бажаради дейилади.

Шунингдек, рус тилида ишлатиладиган «мораль» сўзи латинча «мочёя» сўздан олинган бўлиб, у ҳам ахлоқ маъносини билдиради. «Мораль» сўзининг рус тилида «нравственность» деган синоними бор.

Ахлоқ бизнинг ҳаётимизга ва онгимизга фаол таъсир этади, кишилик жамияти номидан яхшилик билан ёмонлик, адолат билан адолатсизлик, меҳр билан зулм ўртасидаги ва инсоний муносабатлардаги макбўл ва номакбўл, ман этилмайдиган ва ман этиладиган ишларни, хатти ҳаракатларни белгилаб беради.

Ахлоқий тарбиянинг мазмуни.

Халқ таълими тизимида ўқитиш ўқувчиларни ахлоқий мукаммаллаштириш билан боғлаб олиб борилади. Уларда онг билан хулқ бирлиги тарбияланади. Шахснинг жамият ва ватанга, меҳнатга, кишиларга, ўз хулқига муносабатларини қуйидагича текширмоқ мумкин:

А) Жамиятга, ватанга муҳаббат ва садокатни тарбиялаш.

Ватанпарварлик ва байналмилаллик ахлоқий тарбияда алоҳида ўрин тутди.

Ҳадиси шарифда ватанни севмоқ иймондандир, деб бежиз айтилмаган.

Б) Меҳнатга ахлоқий муносабатни тарбиялай - шахснинг бутун маънавий йўналишини белгилайди, чунки ишламай, кўрашмай яшаш мумкин эмас. Меҳнат - яшаш манбаи.

В) Атрофидаги кишиларга ахлоқий муносабат - шахснинг жамоатчилик, кўпчилик манфаатини ўз шахсий манфаатидан усутн қуйишдир.

Жамоатчилик ўқувчидан инсонпарварлик, меҳнатга муносабат, онгли интизомли шакллантиришда имкон беради.

Г) Шахснинг ўзига, ўз хулқига ахлоқий муносабатни тарбиялаши - бу ўқувчини ўз-ўзини онгли интизом руҳида тарбиялашга ўргатишдан иборатдир. Интизом ахлоқий норма бўлиб, шахснинг фуқаролик киежасини белгилайди.

Мактаб ўқувчиларини қуйидаги интизом нормаларига куништириш керак:

1. Кабўл килинган интизом қоидаларига уқишда, меҳнатдан буш вақтларида риоя қилишга эҳтиёж сезиш;

2. Ўз-ўзини назорат қилиш ва ўз хулқини идора қилиш;

3. Жамоада тартиб бўзётган, интизомсизлик килаётган болаларга карши фаол кўрашиш..

Интизом асосида онг ётади, уни ирода бошқаради. Онгли интизомни таъминлайдиган катъийлик, ташаббускорлик, мустақиллик, ўзини тута билиш, уюшқоклик иродавий сифатлардир. Онгли интизом виждон ва ростгуйлик билан боғлиқ.

Мактабда ахлоқий тарбияни амалга ошириш йўллари.

Мактабда болаларни ахлоқий тарбиялаш дарс жараёни, синфдан ва мактабдан ташкари турли туман ишларда олиб борилади. Ахлоқий тарбия беришда хилма-хил усуллар қўлланилади. қуйида шу усуллардан наъмуналар келтирамиз:

1) Ахлоқий тарбия ўқитиш жараёни билан кушиб олиб борилади. Буюк немис педагоги А. В. Дистервег айтганидек, яхши ўқита билган ўқитувчи яхши тарбиялайди ҳам.

2) Ахлоқий тарбия жараёнининг мувоффақияти ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасининг савиясига боғлиқ. Бунинг учун жамоа ахил ва инок, болалар интизомли бўлиши керак.

3) Тарбиявий ишларнинг режали бўлиши ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширилиши ахлоқий тарбиянинг мувоффақиятини таъминлайди. А. С. Макаренконинг «Ўнта юқори малакали, ўз холича ишлайдиган ўқитувчидан малакаси паст, бир ёкадан бош чиқарадиган бешта ўқитувчи афзал» деганини унутмаслик керак.

4) Мактабда ижобий эмоционал шароит яратиш ахлоқий тарбия жараёнига фойдали таъсир этади. Масалан, республика мустақиллиги куни, наврўз байрами.

5) Барча ўқувчиларнинг мактабдаги умумий ва ягона тартиб - қоидага риоя қилишларига эришиш.

6) Ахлоқий тарбияда онгни тушунчаларни шакллантиришда тушунтириш, уқтириш, сухбат, мунзара, лекция, рағбатлантириш, жазолаш усулларида фойдаланиш.

7) Ахлоқий одатни шакллантиришда машқ, болаларнинг турли фаолиятини уюштириш.

8) Тарбиявий соатлар, «Одобнома» дарслари савиясини ошириш.

9) Мехнат илгорлари, илм-фан ходимлари, мехнат ва уруш фахрийлари, кўп болали оналар, имонли қариялар, хожила билан ўқувчилар учрашувларини уюштириб бориш.

10) Мактабда турли - туман тадбирлар, адабий кечалар, байрам, олимпиада, фестивал, мусобалар утказиш, кинотеатр, телевидения курсатувларидан, жумладан, «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи», «маърифатнома» эшиттиришларидан янги ташкил этилган «маънавият ва маърифат» маркази тавсияларидан фойдаланиш.

11) Дарс жараёни, синфдан ва мактабдан ташкари машгулотларда Шарк кадриятлари ва миллий анъаналар акс этган Қуръони Карим, Хадис, «Хотамнома», «Одобнома», «Хикматнома», «Бозорнома», Кайковуснинг «Кобуснома», Юсуф Хос Хожибнинг «Кутадгу билиг», Носир Хисравнинг «Саодатнома», Навоийнинг «Махбубул кулуб», Бобурнинг «Бобурнома», Абдулла Авлонийнинг «Туркий

гулистон ёхуд ахлоқ», шунингдек Ҳамза, Фитрат, М. Исмоилий, Х. Тухтабоев асарларини укиб урганиш лозим.

М.С. Ватанпарварлик ва инсонпарварлик деганда нимани тушунаси?

14.2. Ҳуқуқий ва экологик тарбия.

Ҳуқуқий тарбия. Марказий Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи кўп минг йиллик бой ҳуқуқ ва ҳуқуқий маданият тарихига эга. Пайғавбар Алайҳиссалом вафотларидан кейин Ислом оамида янги қонун ва қоидаларни пайдо бўлиши жараёни тухтади. Ана шу даврдан бошлаб барча ҳуқуқий муаммолар Қуръони Каримда ва пайғамбар Алайҳиссалом суннатларида (Суннатий набавийя - Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган гаплари ва қилган ишлари) курсатиб берилган қонун ва қоидалар асосида ҳал этилиб, ҳуқуқий тарбия бериладиган бўлди.

Ўзбекистон - мустақил демократик, ҳуқуқий давлат, Ўзбекистон инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий ахволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб борадиган давлатдир. қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмасдан шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириб бўлмайди. Шу жиҳатдан XII чакирик Ўзбекисон Республикаси Оий кенгашининг ун олтинчи сессиясида қабўл қилинган «Ўзбекисон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси» ҳуқуқий тарбияда асосий дастур бўлиб хизмат қилади. Бунда вояга етмаганларнинг жавобгарлигиг тўғрисидагимодаларни урганиш осонлаштирилади. Педагогларнинг мазкур бўлимдан фойдаланш имкониятларини вужудга келтиради. Жазо турлари қайта қайта муҳокама қилиниши натижасида ўқувчиларнинг онгига мукамал сингиб боради. Оиладаги ва мактабдаги назоратнинг бошидаги натижасида ҳуқуқий тарбия ҳам бир мунча сусаяди. Шу даврда усмирнинг янгича ҳаёт шароитларига қуниқшига кўз-қўлок бўлиб турилмаса, ҳуқуқий тарбиядан четга чиқиш ҳавфи келиб чиқади.

Хозирги жаврда болалар ва усмирлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг янги шакллари қўлланила бошланди. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини ташкил этиш ва содир этиладиган ҳуқуқбўзарликни олдини олиш борасидаги педагогик фаолиятни янада кучайтириш учун бизнингча қуйидагиларни амалга ошириш керак:

1). Умумий таълим мактабларида ҳуқуқий билимларни бариб қиладиган хоналар ташкил этишга алоҳида аҳамият бериш.

2). Барча мактабларнинг суд, прократура, адвокатура, биринчи навбатда эса вояга етмаганлар инспекцияси ва вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссиялар билан алоқаларини мустаҳкамлаш.

3). Доимий равишда яхши тажрибаларни урганиш, умумлаштириш ва уларни ҳаёётга кенг тадбик қилиш.

Тупланган илмий билимлардан, педагогик тажрибалардан оқилона фойдаланиш, усмирларга давлатимиз қонунлари ва қоидаларига мунтазам риоя

қилиш куникмаларини сингдириш ҳуқуқий тарбиянинг самарали амалга ошириш гаровидир.

Экологик тарбия. «Экология» - юнунча сўз бўлиб, тирик мавжудотларнинг яшаш шароити ва теварак атрофдаги муҳит билан ўзаро муносабатлари ҳамда шу асосда юзага келадиган қонуниятларни урганадиган фандир.

«Экология» атамаси 1866 йилда немис зооллог олими Э. Геккел томонидан фанга киритилган.

Якин вақтларгача бу атама фақат мутахассисларгагина маълум эди. эндиликда атроф муҳитга, табиат бойликларига эътиборсиз бўлиш бутун сайёрага зарар етказиши мумкинлиги аниқ бўлиб қолди. Инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар муаммоларини ечиш зарурати тугилди. Шу баробарида экологик вазиятни соғломлаштириш асосий ишлардан бири бўлиб қолди. Ўқувчиларда экологик маданиятни таркиб топтириш, уларга табиат, атроф муҳит билан қандай муносабатда бўлишни ўргатиш педагогика назарияси ва мактаблар амалиётининг энг долзарб мавзусига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши, шу номда Давлат дастури, «Экологик таълим-тарбия концепцияси» нинг ишлаб чиқиши, «Экосан» жамғармасининг тузилиши мамлакатда экологик муаммоларни бартараф этишга киришилганидан далолатдир.

Экологик таълим-тарбия умумий таълим-тарбиянинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбиядан бош мақсад ҳам ёш авлодда атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Экологик тарбия беришни тайёрлашнинг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Атроф муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири;
- Табиат ва унинг аҳамиятини аниқлаш;
- Табиатга муҳаббатни ривожлантиришда мактаб ва оилани ҳамкорчили;
- Ўз туманини, шаҳрини, кишлоқ ва мактаби ховлисини кукаламзорлаштиришда, хатто, синф хонасидаги усимликларни ҳам парваришлашга қизиқишларини ошириш;
- Атроф-муҳит муҳофазаси, бунда болаларнинг вазифалари;
- Табиатни муҳофаза қилишда ота-оналарнинг намуналари;
- Оиладаги, мактабдаги табиатни, усимликлар ва ҳайвонот дунёсини эъзозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилиш;
- Табиатга онгли муносабат жараёнида ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш;
- Ёшларнинг экологик тарбиялашда миллий анъана ва удумларни қайта тиклаш, уларга эътиборни кучайтириш.

Республикамиз мустақилликка эришишдан сўнг бу диёрни обод этиш, унинг атроф-муҳитини тозза саклаш, ҳар бир фуқаронинг инсоний бурчига айланди. Ободончилик ва орасталик, поқизалик ва тежамкорлик, ҳуш ҳулқлик ва ҳушмуомилалик ҳар бир инсон учун, ҳусусан, педагоглар ва ўқувчилар учун ҳам экологик маънавий мезондир.

14.3. Иқтисодий, эстетик, жисмоний тарбиянинг мақсади ва вазифалари.

Иқтисодий тарбия. Ўқувчиларга мактаб ва оила шароитида иқтисодий тарбия бериш муаммоси кўпдан буён педагогиканинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Бозор иқтисодиётига утилаётган бир пайтда ёшларда иқтисодий тафаккурни тарбиялаш айниқса муҳимдир. Зеро ҳукуматимиз бу тўғрида гамхурлик курсатмоқда, педагогларимиз тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Аввало, иқтисодий тарбия ҳақида мукаммал тушунчага эга бўлмаок даркор. Иқтисодий тарбия ўқувчиларда тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб китоб ва айти шу қабилар ҳақида фикрлай олиш қабил қобилиятни қамол топтиришдир.

Иқтисодий тарбиянинг қатор вазифалари меҳнат дарсларида амалга оширилади. Бу дарслар не қоглик қизиқарли ва фойдали ташкил этилса, ўқувчилар шунчалик иқтисодий билим ва малака оладилар.

Иқтисодий тарбия услублари хилма-хилдир. Жумладан, суҳбат, маъруза, амалий машғулотлар, саноат шохобчаларига саёхат утказиш, солиштириш, ҳисоб китоб қилиш ҳолатда таъсирчан услублар ҳисобланади. Ўқувчиларда иқтисод борасида ижодий фикр юритишни шакллантиришда дарсларда ва дарсдан ташқари машғулотлардан унумли фойдаланиш лозим.

Эстетик тарбия. Эстетик тарбия анча қенг маънога эга бўлиб, шахсни табиат ва жамиятдаги гўзалликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга ўргатади. Шунингдек, эстетик фаолиятга, воқеликни гўзаллик қонун қоидалари асосида қобилиятли шахсни тарбиялайди.

Эстетик ривожлантириш - бу шахснинг эстетик онги, мунсабатлари ва эстетик фаолиятининг вужудга келиши ҳамда такомиллашувидан иборат ўзок давом этадиган жараёндир. Бу жараён ёш ва ижтимоий омиллар билан белгиланадиган турли босқич ҳамда даражадаларга эга. Эстетик тарбия шахснинг жамият эстетик маданиятини эгаллаб олишига боғлиқ бўлиб, турли йўللар ва шакллар ёрдамида амалга оширилади.

Эстетик онг ижтимоий воқелик, табиат, санъат билан бевосита мулоқот жараёнида - назариялар, қарашлар, бадиий таълим ва тарбия натижасида шаклланади. Эстетик онгнинг асосини эстетик идрок ташкил қилади. Эстетик идрок - бу атроф воқеликдаги буюмлар, ҳодисаларнинг эстетик моҳиятини бутун таркибий қисмлари билан биргаликда акс эттиришдир, яъни идрок этилган нарсаларни шахсда мавжуд бўлган ҳиссий ва аклий нарсаларга қиёслаш жараёнидир. Эстетик идрок гўзаллик билан учрашганда юзага келади ва аниқ мақсадга қаратилганлик билан тавсифланади.

Эстетик мулоҳаза - шахснинг аниқ бир эстетик ҳодисага муносабатини билдирувчи аклий ҳаракатида ифодаланади. Шахснинг эстетик мулоҳазаси чуқурлиги, такомиллашганлиги, мураккаблиги, юқори ёки пастлиги билан ажралиб туради. Эстетик мулоҳаза даражаси шахснинг ҳуқ-атвори ва билим савиясига, эстетик тажрибасига боғлиқдир.

Эстетик тарбия ўқувчиларда эстетик билим, куникма ва малакаларни шакллантиришни ҳамда, эстетик хис-туйғу, қизиқиш, эҳтиёж, баҳо бериш каби хислатларни тарбиялаш масаласини ўз ичига олади.

Жисмоний тарбия. Жисмоний тарбиянинг асосий мақсади - ўқувчилар танасидаги барча аъзоларни соғлом усишини таъминлаш баробарида уларни ақлий ва жисмоний меҳнатга, шунингдек, Ватан муҳофафасига тайёрлашдир. Бу гоҳ азал-азалдан ота-боболаримиз маънавиятида акс этиб келамоқда. Жумладан, халқ ижодида, “Алпомиш”, “Гур-угли” каби дostonларда ҳам ўз ифодасини топган.

Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий “Фарход ва Ширин” дostonида Фарходнинг жисмоний қobiliятларини мактайти. Дostonда ёзилишича, Фарход ақлий тарбия билангина чекланиб қолмасдан жисмоний ва харбий машқлар билан ҳам шугулланиб чиника бошлайти. Сувда сўзиш, чавандозлик, қиличбозлик ва бошқалар унинг кундалиқ машғулотти бўлиб қолади. Унда ун ёшида 20 яшар йигитнинг қуч-қуввати бўлади. У ўзининг ақлий ва жисмоний қуч-қуввати, махорати билан қишиларни хайратда қолдиради.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, инсоннинг ақлий, ахлоқий ва жисмоний қамолоти қишилиқ тарихи тараққиётининг барча жабахаларида улугланган, қадрланган.

Жисмоний тарбия қишиларга катта таъсир қурсатиб, саломатлигини мустақкамлайти, ишлаш қobiliятини оширади, ўзоқ умр қуришига ёрдам беради. Спорт-хар қандай ёшда ҳам қадди-қоматти тарбия қилиш, қуч-қувватти сақлаб туришининг ажойиб воситасидир. Спорт дам олиш билан меҳнатти алмаштириб туриш манбаи бўлиб ҳам хизмат қилади. Шу сабабли ҳам қишилиқ жамиятининг энг ибтидоий ҳолатидан ҳозирги қунимизга қадар жисмоний тарбия авлодлар қамолотини таъминловчи восита деб ҳисобланган.

М.Т. 40 секунд мобайнида 20 та сўзни тартиб рақамига кўра ёд олишга ҳаракат қилинг ва берилган материални беркитиб, уларни тартиб рақамига кўра ёзинг.

- | | |
|---------------|--------------|
| 1. Педагогика | 11. Кластер |
| 2. Таълим | 12. Синквейн |
| 3. Тарбия | 13. Кубик |
| 4. Метод | 14. Маълумот |
| 5. Усул | 15. Билиш |
| 6. Ватан | 16. Дарс |
| 7. Қуръон | 17. Семинар |
| 8. Хадис | 18. Муҳаббат |
| 9. Ривоят | 19. Садоқат |
| 10. Дидактика | 20. Иқтисод |

Эсга туширилган сўзлар X 100% : Таклиф қилинган сонлар миқдори қ

Мустақил таълимга оид топшириқлар.

1. Белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни текширинг.
2. Мавзуга оид Кластер тузинг.

15 - Маъруза. Педагогик жараёни лойихалаш.

- 15.1. Педагогик лойихалаш ҳақида тушунча
- 15.2. Педагогик технология
- 15.3. Педагогик лойихалаш объектлари
- 15.4. Педагогик вазият ва уни лойихалаш

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Педагогик лойихалаш ҳақида тушунча беради;
- Педагогик технология мазмунини тушунтиради;
- Педагогик лойихалаш объектларини санайди;
- Педагогик системани белгилари асосида таҳлил қилади;
- Педагогик вазият моҳиятини тушунтиради;
- Педагогик вазият структурасини билади;
- Педагогик жараён тушунчасига Кластер тузади.

15.1. Педагогик лойихалаш ҳақида тушунча

Мухандис педагог ҳар куни ўз олдига ёшларни тарбиялаш, ўқитиш ёки таълим бериш мақсадларини қўяди. Шунингдек, таълим принципларига амал қилган ҳолда, ўз фаолияти мазмунини, ўқувчи талабалар фаолиятини шакллантиради, буни амалга ошириш метод ва воситаларини танлайди, уни талабаларга бериш шакллариини такомиллаштиришга интилади. Педагогик жараёни яратишга қаратилган педагогик фаолиятнинг энг умумий ва энг соддалаштирилган алгоритми мана шундан иборат.

Бу таълим - тарбия мураккаб технологиясини яратишга қараб қўйилган дастлабки босқич ҳисобланади. Навбатдаги, нисбатан масъулиятли босқич - бошқа бир компонентларни ягона, бир бутун ва ўзаро мутаносиб тизимга келтиришдан иборатдир. Бунинг учун эса, ўқитувчи педагогик лойихалаш назариясини эгаллаши лозим бўлади.

Педагогик лойихалаш - талабалар ва педагогнинг бўлажак фаолиятининг асосий қисмларини дастлабки фикран, мантикий ишлаб чиқишидир. Педагогикага лойихалаш атамаси техник билимлардан кириб келди. Техникадаги лойихалаш кейинчалик Ҳақиқатда рўёбга чиқариш учун қилинадиган ишларнинг илгарилаб кетилган чамалашни аниқлар эди. Педагогик билимларнинг ортиши, тарбия методлари, воситалари ва шакллариининг кўпайиши, тарбиявий муносабатларга таъсир этадиган омилларнинг кенгайиб бориши педагогик фаолиятни тобора мураккаб касбга айланиб боришига олиб келди. Педагогнинг бу билимларни эгаллаб олиши, аниқса ундан фойдаланиши тоборақийинлашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам педагогика фани технократик тавсияномаларгина ишлаб чиқишдан қочишга мажбур бўлмоқда. Технократ - касб - ҳунар, «бошқарув санъати», тадбиркорлик каби маъноларни аниқлатади.

Педагогикадаги бу йўналиш тарафдорлари ёшлар хулқ атворини бошқариш масалаларидаги аморфлик яъни бир қолипга, шаклга кирмаганлик, ўрнига самарали педагогик техника келишига ишонч хосил қиладилар.

Мухандис педагог учун «лойиҳалаш», «техника», «технология» каби атама тушунчалар нисбатан таниш ва тушунарлидир. Гўёки бу тушунча-атамалар унинг фаолиятининг икки функциясини бир-бирига боғлаб тургандай, улар ўртасидаги умумийликни очишга имкон беради ва меҳнатларни анча енгиллаштиради.

Техник лойиҳалашнинг анчагина сермахсул ғояларини ўзигакамраб олган педагогик лойиҳалаш, биз учун қандайдир тартибсиздай кўринган ҳолатдан олиб чиқишга, педагогик билимларни бойитишга лаёқатдир. Педагогик лойиҳалаш ишлаб чиқариш таълими устаси ва техник фанлар ўқитувчилари фаолиятини оптимизациялашга имкон беради.

Педагогик лойиҳалаш ҳар қандай педагог функцияси бўлиб, унинг ташкилотчилик, гностик (яъни ўқувчи билан мулоқотга кириша олиш, алоқа ўрнатиш, муносабатда бўлиш йўллари қидириб топа олиш, ижодкорлик, ихтирочилик қобиляти) ёки коммуникатив қобилятлари устун бўлиши мумкин. Педагогик тадқиқот маълумотларига кўра техник фан ўқитувчилари бу функцияни бажариш учун ўз иш вақтларининг 28% ни, ишлаб чиқариш таълимиусталари эса 11% дан кўпроқ қисмини сарфлар эканлар.

Мақтаб ва касб-хунар коллежларида ўқув-тарбия жараёнларини лойиҳалаштира олиш туфайли бу мураккаб жараён технологик бўлиб қолиши таъминлайди.

15.2. Педагогик технология

Педагогик технология - бу педагогик жараён ҳолати ва унинг қатнашчилари ҳаракатининг ўзаро боғланган компонентларининг тартибли ва узлуксиз ҳаракатидан иборатдир.

Улар қандай педагогик жараён ўқувчилар ва педагогларнинг ривожланишини жадаллаштириш ва тартибга солиш учун яратилади. Уларни лойиҳалаш - ривожлантирувчи жараённи яратиш, унга ҳалакит берадиган ёки тескари таъсир қиладиган омилларни бартараф қилиш, унга акс таъсир эта оладиган қулай вазият ярата олишдир. Педагогик лойиҳалаш, агар у касбий нуқтаи назардан қаралганда, ҳар доим педагог ўз ўқувчилари учун қулай шароит яратишга интилиши билан боғланган бўлиб, ўқувчилар ўқув ва ўқишдан ташқари фаолиятларида ўз ички имкониятларини ишга солиш, ҳар қандай иккиланиш ёки алданиб қолишдан холи, шундай қулай вазиятни яратишга интиладиган бўлишларини таъминлай олишлари керак. Бундай вазиятда ўқувчилар ишлаб чиқариш меҳнатига, касб маҳоратига анча осон мослашадилар (адаптациялашадилар). Лойиҳалаш жараёнида ва лойиҳалаш орқали педагогик жараён қатнашчилари ривожлантиришни таъминлайдиган педагогик технология яратилади.

Маълумки, ишлаб чиқариш техникаси ва технологияси ҳар қанча муаммал бўлмасин, у ҳам эскиради. Шунингдек, педагогикада ҳам тарихий, социал, иқтисодий, психологик омилларга боғлиқ ҳолда ҳар доим ўзгаришлар ва ҳаракатлар бўлиб туради.

Педагогик лойиҳалаш ва технологиялар назарияси ва амалиёти тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш зарур. Конструкторлик фанлари унинг ривожланишига туртки берди. Бу фанлар ўз даврида системотехника, операциялар тадқиқоти методлари, ечимлар назарияси, тармоқ лойиҳалашлари, эргономика, техник эстетика ва бошқа номлар ҳам юритиб келинди. Ва нихоят, XX аср бошларида ривожланган мамлакат олимлари «одам - техника - мақсад» тизимини тавсифлаб, тегишли фанлар маълумотлари асосида лойиҳалашни ва технологияларни таклиф қилдилар. Бошқа манбаа эса - педагогиканинг ўзи. Кўпгина машҳур педагоглар ҳам педагогик лойиҳалаш ва педагогик технология муаммоларига у ёки бу жиҳатдан ёндошланганлар.

15.3. Педагогик лойиҳалаш объектлари

Педагогик лойиҳалаш моҳияти бўлажак фаолиятининг тахминий вариантларинияратиш учун уни олдиндан кўра билиш унинг натижаларини кўра билишдир. Бунда педагогнингасосий эътибори яратилган янгилик механизми ва у ёки бу ҳаракат, жараён ва тизимлар давом эттирилишига, қўлланилишига қаратилиши керак.

Дарҳақиқат, аслини олганда муҳандис-педагог нимани лойиҳалайди? У лойиҳалаш объектларини аниқлашдан иш бошлайди. Бу объектларнинг бири ҳақида биз айтиб ўтган эдик - бу педагогик жараёндир.

Бу ўз навбатида ундан келиб чиқадиган педагогик вазиятларга бўлинади. Булар унинг таркибий қисмларидир. Улар жараённинг бир ҳолатиданиккинчи ҳолатига ўтиши билан тавсифланади. Педагогик жараённинг ўзи анча мураккаб курилманинг, яъни педагогик система нинг бир қисмидир. «Майда» вазиятлар жараён таркибига киради, жараён эса системага киради. («Матрешкалар»)

Педагогик система - бу инсоннинг ривожланиши мақсадларигаэришувига имкон берадиган барча омилларнинг бир бутун мажмуидир. Педагогикада «система» атамаси икки маънода қўлланилади. Биринчидан, педагогик ходисаларнинг сифат ҳолатини белгилаш учун; иккинчидан, бу атама айрим педагогик воқеликнигина англатиш учун махсус ишлатилади. Масалан, биз таълим тизимида (системасида)ишлаймиз, касб-хунар таълими тизимида ишлаймиз. Ҳар икки ҳолатда ҳам «система» атамаси умумий белгиларига эга. Уларни очишга ҳаракат қиламиз.

Айтайлик, ўқувчиларга касб танлашларига ёрдам бериш мақсадида мактаб ўқувчилари ўртасида касб танлашга йўллаш ишларини олиб бориш зарур.

Педагог касб танлашга таъсир этадиган барча омилларни (оила, синф, оммавий ахборот воситалари маълумотлари, кўча-маҳалла, ўсмирнинг психологик имкониятлари, айниқса ишлаб чиқариш корхоналари эҳтиёжи ва имкониятларини) фикран тўплай бошлайди. Касб танлашга йўллаш (профориентация) тизимида бу омилларнинг ҳаммаси жужа муҳим. Бу педагогик системанинг энг муҳим биринчи белгисидир: система яратиш учун мақсадга эришишга алоқадор бўлган компонентларнинг тўла бўлиши зарур. Педсистеманинг иккинчи белгиси - компонентлар ўртасида алоқа ва муносабатларнинг мавжудлиги. Системани лойиҳалай бориб, педагог бу жараёнга тахминан шундай ёндошади, гўё муҳандис

машина яратиш учун, ҳар бир қисмнинг бошқа қисмларнинг мақсадли ҳаракати учун қандай ҳизмат қилишни лойиҳалашга ўхшатиш мумкин. Айнан ана шу алоқа ва муносабатлар қисмлар тўпламини системага айлантиради.

Педсистеманинг учинчи белгиси - қисмларни бирлаштириш учун зарур бўлган етакчи буғин, етакчи ғоянинг мавжуд бўлишидир. Касб танлашга йўллаш системасида шундай етакчи буғин ўқувчининг ўзи, унинг қобилиятлари, мойилликлари ва бошқа имкониятлари бўлиши керак. Афсуски биз касб-ҳунар коллежига ўқувчилар қабул қилиш режасини асос қилиб оламиз ҳолос.

Ва нихоят, системанинг туртинчи белгиси унинг қисмларида умумий сифатларнинг пайдо бўлишидир. (Қатъий натижа - самарага эга бўлиши, унга педагоглар, ўқувчилар, ва уларнинг ота-оналарнинг муносабати ва бошқалар.)

Педсистеманинг лойиҳалаштиришнинг объекти бўлиши - бу мураккаб ҳосила жараён бўлиб, турли сифат кўрсаткичларига эга қисмлардан иборатдир. Масалан, системага одамлар - педагоглар, ўқувчилар, моддий техника буюмлари - таълимнинг техника воситалари (ТТВ), электрон ҳисоблаш машиналари (ЭХМ), улар бажарадиган функциялар.

Педсистеманинг кичик, ўрта, катта ва супер катта бўлади. Кичик системага ўқувчиларни тарбиялашнинг айрим тизимлари киради. Масалан, коллежларда ишлаб чиқариш таълими системаси ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятлари, касб танлашга йўллаш тизими, ҳуқуқий тарбия, касбга уюшма ишлари, экологик тарбия ва бошқалардан ташкил топади. Ўртача катталиқдаги тизим асосан коллеж педагогик фаолиятидан иборат катта педсистема туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги таълим тизимларидан иборат. Бу, одатида, катта социал-педагогик мажмуадан иборат бўлиб, унга мактаблар ва ўқув юртларидан ташқари маданият муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари, маиший ва маиший ҳизмат муассасалари, шунингдек, мазкур ҳудудни бошқариш бошқармалари ҳам киради.

Суперсистемага (ўта катта система) ҳажми ва мақсадлари жihatдан катта ҳудудлар, республика миқёсида яратилган системалар киради.

Мазкур система бизнинг тарбияланувчиларимиз ва бизнинг ўзимиздан иборатдир.

Ҳар бир система ўзининг белгиланган мақсадига, ўз навбатида ўз қисмлари тўплами мажмуига эга. Масалан, касб-ҳунар таълими суперсистема бўлажак ишчиларни тайёрлаш билан боғлиқ фаолият музмунини, унинг тузилиши, принципларини, педагогик жараёнларини, жараён қатнашчилари бўлган ўқувчилар, педагоглар, ота-оналар, ишлаб чиқариш ходисаларини, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, педагогик системани бошқаришни, моддий техника таъминотини, ўқув-услугий, илмий, молиявий-ҳўжалик ва ҳуқуқий-юримдик таъминот мажмуасини ўз ичига олади.

Лойиҳалаш система компонентларини билиш ҳар қандай педагогик система учун жуда зарурдир, гарчи уларнинг тўла тўплами ҳар доим ҳам таъминланавермаса, ҳам педагог фаолияти учун муҳимдир. Таълим соҳасига ЭХМ нинг кириб келиши ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз устида ишлашни кескин яхшилашга ёрдам берди.

Педсистемалар - бу алоҳида ҳос ҳосиладир (жараён маҳсулидир). Уларнинг ҳар бири ўзининг фақат ўзига ҳос белгиларига эга:

- улар ҳар доим ўз мақсадларига эга: ўқувчилар ва педагогларни ривожлантириш, уларни муҳитнинг ноҳуш таъсирларидан ҳимоя қилиш;
- уларнинг ҳар бири система сифатида ташкил топади ва фаолият кўрсатиш, ташқи таъсир остида ўзгара олади, ва ҳатто бу таъсирни қабул қилиб олган тақдирда ҳам уни юмшатишга, зарур томонга бура олишга, текислай олишга, кучайтира олишга лаёқатлидир.

Муҳандис педагог қайси аниқ педагогик системалар билан ишлайди. Амалий жихатдан барча турдаги системалар билан. Дарҳақиқат, республика, ҳудудий, вилоят, шаҳар, туман таълим тизими нисбатан тор системалар - мактаблар, коллежлар, олий ўқув юртлари фаолиятини белгилайди, йўналтиради. Улар ўз навбатида ўқувчиларнинг касбий тайёрилиги системасига, уларнинг эстетик тарбиясига, уларнинг фаолиятига таъсир қилади.

Системалар доирасида педагогик жараёнлар яратилади. Ўз навбатида педагогик система педагогик жараёнлар яратиш учун қулай шароитлар яратишни шакллантиради. Шундай қилиб, педагогик жараён педагог учун энг муҳим лойиҳалаш объектидир.

Педагогик жараён ўқувчи ва ўқитувчи ривожланиши ва бевосита ўзаро муносабатда бўлишини таъминлайдиган барча компонентларни (омилларни) бир бутун ягона, яхлит бўлиб бирлашувидир.

Мамлакат ёки вилоят миқёсидаги таълим суперсистемасида анжуманлар, конференциялар, олимпиадалар, кўрик-танловлар, «давра столлари», «педагогик ўқишлар» ўтказилади, газеталар ва махсус матбуот шакллари уюштирилади ва хоказо. Кичик ва ўрта педагогик системалар янада каттароқ педагогик жараёнлар лойиҳалаштирилади.

15.4. Педагогик вазият ва уни лойиҳалаш

Ҳар доим у ёки бу педагогик жараён доирасида мавжуд бўлади, у орқали эса маълум педагогик система доирасида педагогик жараён яратилади.

Педагогик вазият - бу педагогик жараённинг таркибий қисми бўлиб, унинг маълум вақт ва маълум макондаги ҳолатини белгилайди.

Педагогик вазият ҳар доим конкрет бўлиб, дарс ўтказиш жараёнида имтиҳон пайтида, экскурсия вақтида ва хоказоларда яратилади ёки келиб чиқади, одатда у шу захоти ҳал қилиниши мумкин. Педагогик вазиятни лойиҳалаш жараёни ўзини лойиҳалаш таркибига киради.

Педагогик вазиятни ярата олиш ва ҳал қилиш педагогик фаолиятда жуда катта аҳамиятга эга. Чунки улар орқалигина педагогик жараён намоён бўлади. Бу кичик қисмлар ўзида педагогик жараён ва умуман педагогик системанинг барча ютуқларини ва камчиликларини ўзида мужассамлаштиради. Тарбиявий муносабатларнинг конкрет ифодаси педагогик вазиятларнинг имкониятларини амалга оширади.


Педагогик вазият структураси ташқи кўринишидан жуда содда. Унга фаолиятнинг икки субъекти - педагог ва ўқувчи, ва уларнинг ўзаро муносабатлари усуллари киради. Лекин бу соддалик алдамчи ва армонда қолдирувчи бўлиши

мумкин (хушомадгўйлик, тилёғламалик ёки кўрс-кўполлик ҳар доим фаолиятда айнан бир натижани беравермаслиги мумкин). Педагогик вазият қатнашчиларнинг ўзаро таъсири уларнинг мураккаб ички дунёси, уларнинг тарбияланганлик даражаси ва савиясининг қандайлигига боғлиқ бўлади, ҳатто барча компонентларини бир йўла қамраб олиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш таълими устаси бир гуруҳ ўқувчиларининг бошқа, алоҳида бир ўқувчига нисбатан зўриқишини юмшатмоқчи бўлади. Бу ўқувчининг ажойиб инсон эканлигини, чиройли ва ростгўй эканлигини назарда тутиб вазиятни лойиҳалаштиради. Бунинг учун топшириқ бериш, ота-онанинг болалар олдида чиқишларини ташкил қилишни, ишонч ва рағбатлантириш сингарилардан фойдаланишни маслаҳат беради.

Педагогик вазият тасодифан ёки аввалдан лойиҳаланиб келиб чиқиши мумкин. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам уни ҳал қилиш ўйлаб иш кўришни тақозо қилади.

Педагогик вазиятларни лойиҳалаш конкрет одамларни реал ҳолатнинг энг майда зарраларигача ҳисобга олиб педагогик жараёни «мослаштириш» жараёни сингари амалга ошади. Педагогикада вазият педагог ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар ўзгармас деб қаралади. Аслида педагог ва ўқувчи ўртасидаги суҳбатга учинчи бир одам қўшилиши ёки мавзуга алоқадор бўлмаган бирор ҳодиса аралашуви вазиятни тамомила ўзгартириб юборади.

Ҳар бир педагог уч типдаги объектларни лойиҳалашда қатнашади: педагогик системани, педагогик жараёни ва педагогик вазиятларни. Буларнинг барчаси ўзаро боғланган, уларнинг бутунлиги ва ички боғланганлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади. Бунинг қўйидаги расм-схемада кўришимиз мумкин:



Педагогик система тузилиши педагогик жараёнлар сифатига, педагогик жараён педагогик вазият сифатига боғлиқ, ва нихоят педагогик вазият тарбиявий муносабатлар сифатига боғлиқ. Демак педагогик жараён давомида бирор нохуш ҳолатни аввал педагогик вазиятдан, кейин жараёнинг ўзидан ва нихоят педагогик системадан қидириш керак. Ёки умумий ҳолат уни лойиҳалашда эканлигини аниқлаш ҳам мумкин.

Мустақил таълимга оид топшириқлар.

1. Мавзунинг ўқиб чиқинг, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни аниқланг.

2. Ўқиш мобайнида инсерт усулини қўлланг.

16 - маъруза. Мухандис-педагог фаолиятини лойиҳалаш.

16.1. Мухандис-педагог шахсининг лойиҳавий модели.

16.2. Мухандис-педагог касбий маҳорати ёки профессионализм.

16.3. Индивидуал педагогик тизимни лойиҳалаш.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Мухандис-педагог бажарадиган фаолият турларини санайди;
- Мухандис-педагог функцияларини изоҳлайди;
- Педагогик стиль тушунчасига таъриф беради;
- Новация ва инновация тушунчаларини фарқлайди;
- Билиш фаолиятининг босқичларини тушунтиради;
- Новатор ўқитувчи қандай бўлиши кераклигини айтиб беради.

Таянч сўз ва иборалар

16.1. Мухандис-педагог шахсининг лойиҳавий модели.

Мухандис-педагог педагогик фаолиятини касб-ҳунар таълими тизимининг барча жабҳаларида, шунингдек, ишчилар тайёрлашнинг нодавлат жавҳаларда намоён қилиш керак, унинг шахс сифатлари ва фаолияти ҳам ишчи, ҳам мураббий шаклида лойиҳалаштирилиши керак.

Мухандис-педагог кадрлар тайёрлаш тизими XX асрнинг 20-30 йилларидан шакллана бошлади. Уша вақтлардаёқ бундай кадрлар тайёрлашнинг икки йўналиши назарда тутилади: ҳунар-техника билим юртлари учун ўқитувчилар ва меҳнат таълими инструкторларини тайёрлаш назарда тутилган бўлса, кейинроқ бир мунча кенг маънодаги ишлаб чиқариш таълими усталари тайёрлаш асосий вазифа бўлиб қолди.

Бундай курслар биринчи марта 1921 йилда Москвада очилган бўлиб, 1925 - 1926 йиллардан бундай курслар индустриал педагогик курсларга, техникумларга анлантирила бошлади. Буларга дастлабки вақтларда ҳатто бошланғич маълумотга ҳам эга бўлмаган, лекин тажрибали ишчи-ҳунармандлар қабул қилина бошлади. Кейинроқ мухандис-педагогика институтлари очила бошлади. (Москва, Свердловск шаҳарларида) Уруш ҳолати туфайли 1943 йилда мамлакатнинг турли ҳудудларида ўқиш муддати тўрт йил бўлган индустриал-педагогика техникумларини яна очишга туғри келди. Дастлабки Москва, Свердловск, Магнитогорск сингари саноат шаҳарларида очилиб, 1946 йилда 16та, 1958 йилда 50та, 1960 йилда 60та техникум ишлади.

70-йиллар ўрталарида техника олий ўқув юртларида мухандис-педагогика факультетларини очиш жадал ривожлантирилди. Бундай факультетлар 1943 йилларда 13та, 1975 йилларда 24та, 1980 йилларда 34та, 1982 йилларда 36та, 1987 йилларда 48та бўлди.

1979 йилда Свердловск мухандислик-педагогика институти деб номланган махсус олий ўқув юрти очилди (45 йилдан кўпроқ давр мобайнида мамлакатда бирорта мухандислик-педагогика олий ўқув юрти йўқ эди).

Мухандис - педагогик касби унча кўп бўлмаган касблар ичида бўлган мураккаб касблар гуруҳига киради ва бир вақтнинг ўзига ўз мазмуни жиҳатидан турлича бўлган икки тизим: «одам-одам», «Одам-техника» ва уларнинг модификациялари оралиғида фаолият кўрсатади. Бу таълим тизимига мансуб бўлиб, жамиятда педагогик зиёлилар тайёрлаш тизимида алоҳида ўрин эгаллайди.

Мухандис-педагогик касби шундай касб турики, у кўпгина ихтисосларни ўз ичига олиш мумкин: машинасозлик, электроэнергетика, тоғ-кончилик ишлари ва бошқалар. Бу касб-ихтисосини олий ўқув юртида 4-6 йил ўқиш олишлари мумкин. Бундай олий ўқув юртидан ками 4-5 разрядли ишчи малакасига эга бўлган мухандис-педагоглар етишиб чиқади. Улар олий ўқув юртини тамомлагандан кейин касбий таълим циклидаги назарий фанлардан ўқитувчи ишлаб чиқариш таълими усталари бўлиб ишлашлари мумкин. Улар касбий юксалиш имкониятларига ҳам эгадирлар: катта уста, директорнинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ёки ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосари, касб-хунар коллежи директори, техник таълим бўлими бошлиғи, вилоят туман миқёсида касб-хунар таълими бошқармаси раҳбари ходимлари ва бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин.

Мухандис-педагогнинг бажарадиган фаолият турлари жуда кенг:

- ҳам назарий, ҳам амалий касб-хунар таълими;
- ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш гуруҳида ўқув ишларидан ташқари тарбиявий ишлар, синф раҳбари сифатида ва ўқувчилар жамоасида, ётоқхонасида жамоат ишларида ҳам мухандис-педагог фаолиятчи;
- ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил қилишда мухандис педагогнинг ишлаб чиқариш технологик фаолияти;
- ўқувчилар ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил қилиш бўйича мухандис педагогик хўжалик ҳисоби ва иқтисодий фаолияти;
- ўқув юртидаги ўқув гуруҳларида иш тартибини (режимини) таъминлаш;
- ўз касб маҳоратини ошириш ва ўз устида ишлаш, билим ва малакасини ошириш;
- ўқувчиларни касб танлашга йўллаш;
- техника ижодкорлиги;
- тадқиқотчилик характерида бўлган ботшланғич тажриба-экспериментчилик фаолияти, бундай кенг қамровдаги ва хилма-хил ишларни бажариш учун мухандис-педагогдан маълум билим ва малакалар талаб қилинадики, бунининг фаолият қирралари деб аташ мумкин.

Мухандис-педагог эгаллаши лозим бўлган билимларнинг намунавий доираси қуйидагилардан иборат:

Мухандис-педагог билиши керак:

- булажак малакали ишчиларни тайёрлаш амалиётида кенг қўлланиладиган педагогик фаолиятнинг назарий асосларини, унинг йўл ва воситаларини;
- бозор иқтисодиёти ва муносабатларига ўтиш шароитида ва жамиятни қайта қуриш шароитида ишчилар тайёрлаш тизимини ривожлантириш мақсадида ва вазифаларини, хусусиятларини;

- касб-хунар таълими амалиёти ва психологияси;
- ўсмирлик ёши, илк ўспиринлик даврининг психо-физиологик хусусиятларини;
- меҳнат психологиясини;
- назарий ва ишлаб чиқариш таълимнинг шакллари лойиҳалаш ва конструкциялаш (методикани);
- ўқувчиларнинг ўқув машғулотида ташқари фаолиятини лойиҳалаш (методикани);
- ишчи ихтисосларини ўзлаштириш бўйича касбий ишларнинг назарий асосларини ва методикасини;
- бошқарув назарияси асосларини, касб-хунар коллежларини ва бошқа билим юртида бошқариш назарияси ва методикасини;
- меҳнатнинг ташкил қилишнинг илмий тамойилларини;
- менежмент ва маркетинг асосларини;
- таълимнинг замонавий техника воситаларини, ўқув техникасини, улардан моҳирлик эркин билан эркин фойдалана олишни, улардан ўқувчиларнинг ҳам фойдалана олишларини таъминлаш йўли ва воситаларини ўқув тарбия жараёнида қўллана олишларини таъминлаш;
- ҳозирги замон ишлаб чиқариш ва ишчилар тайёрлаш тизимини ташкил қилиш асослари ва бошқарувини;
- техника фанларнинг, информатика ва ҳисоблаш техникасини, олий математика, физика, кимё, назарий ва амалий механика, муҳандислик графикасини, стандартлаш ва техник ўлчовларни, материалшунослик ва металл ишлов бериш технологиясини, муҳандислик лойиҳаларини, электротехника, ва саноат электротехникаси асосларини, микропроцессор техникаси ва шу каби фанларнинг илмий асосларини;
- соф муҳандислик фанларини;
- ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш асосларини, автоматизациялаш ва роботлаштириш, уларни назорат қилиш ва сифатини ва чидамлигини таъминлаш ва бошқаларни.

16.2. Муҳандис-педагог касбий маҳорати ёки профессионализм.

Муҳандис педагог қатор касбий-педагогик маҳорат тўпламига ҳам эга бўлиши керак. Жумладан, қўйилган сифат кўрсаткичларига эга бўлиши шарт: гностик қобилиятга (ўз фаолиятини ва ўқувчилар фаолиятини тадқиқ қила олиш), маънавий - ғоявий, дидактик, ташкилий - методик, коммуникатив, конструкторлик - педагогик, конструктив- техник, умум техникавий ва бошқа фазилатларга ҳам эга бўлиши керак.

Муҳандис педагогнинг психологик тафсилотига келганда, унга янада мураккаброқ талаблар қўйилади .

Муҳандис педагог енг аввало юксак маънавиятли - ахлоқли киши бўлиши керак: инсонпарвар, тарбияланган, эмоционал - раҳимдил-ҳамдард, эҳтиёткор-тадбиркор (тактичнўй) бўлиши керак .

Касбий аҳамиятга ега бўлган бу барча хусусиятлар муҳандис педагог функциясида мужассамлашади. Бироқ функция - ғоя (мақсад) ва функция - уларга эришиш воситаларини аниқ билиб олиши керак.

Функция-мақсад - муҳандис педагог ўз фаолиятида интиладиган пировард натижани билдиради. Бу мақсад бўлажак ишчиини етиштириш, уни шахс сифатларини шакллантиришдир.

Функция-воситалар - бир мунча кўп қиррали бўлиб, улар гностик, лойихаловчи, конструктив, коммуникатив, ташкилотчилик хиллари бор.

Гностик функциялари педагогнинг доимий ва изчил тадқиқотчилик ишлари билан шуғулланиши зарурлиги, ўқувчиларни, педагогик жараёнини, вазиятни, педагогик тизимни ўрганиб боришдан иборат бурчидир. Янги педагогик билимларни олиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Лойихаловчилик функцияси - педагогнинг ўз фаолияти натижаларини олдиндан кўра олишдир. Шунингдек, ўз мақсадига эришишида ўз саъи ҳаракатлари изчиллигини, яъни ўз педагогик стратегияси ва тактикасини бир тизимга келтириш ҳам шу функция таркибига киради.

Конструктив функция - педагогнинг ўқувчилар фаолиятининг ҳар бир шакли технологиясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бурчидир.

Коммуникатив функция - педагогнинг ўқувчилар билан, уларнинг ота-оналари ва ҳамкасблари билан алоқа ва муносабатлар ўрната олиш билан боғлиқ бурчидир.

Ташкилотчилик функцияси - педагогининг ўз кучини шундай бурчини, унда педагог ўз кучини ва ўқувчилар кучини ўқув ва бошқа фаолият турларида тақсимлай олишда, ўзаро таъсир кўрсатиш ва меҳнатга қатъий вақт белгилаш (регламентлаш), масъулият мезонини белгилаш, назорат қилиш ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Кўрсатилган бу функцияларнинг бажарилиши муҳандис-педагогининг шахс сифатлари билан боғланган.

Муҳандис педагог фаолияти ва унинг шахс сифатлари аста секин шаклланиб бормоқда. Хали ўрганиладиган қирралари жуда кўп. Бозор муносабатига ўтилиши билан “ўқитувчи” ва “мураббий” тушунчаларининг бир-бирига яқин ва фарқ қиладиган томонлари янада чуқур ўрганилишини ҳаёт талаб қилиб келмоқда. Шарқ халқларида ҳаёт дарсини олмаган ҳеч бир киши на ўзига, на жамиятга фойда келтира олмаслигини таъкидлаб келинган.

Муҳандис педагог шахс сифатларини тегишли илмий тадқиқот муассасалари, шунингдек педагог шахси профессиограммасини ва касбий тавсифномалар ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган касб таълими бошқармалари шуғулланади. Бироқ педагогнинг ўзи ҳам уларга тегишли ўзгаришлар киритиши, ўз табиати ва умумий маданиятга мувофиқ хилма-хил қушимчалар киритиб касб малака ва кўникмаларини бойитиб бора олади.

Муҳандис педагог муваффақияти унинг ўз индивидуал педагогик тизимини, индивидуал стилини, ўз «мен» сиймосининг шаклланганлигига ҳам боғлиқ.

Касбий фаолиятининг ўзига хос индивидуал сифати - стили мавжудлиги шахс сифатларининг қай даражада шаклланганлигини билдиради. Ҳўш педагогик стил нима?

Педагогик стил - педагогик фаолиятга бетакрорлик ва оригиналлик бахш этадиган белги ва хусусияти бўлиб, бу бирмунча қатъий, кўп марта такрорланувчи компонентдир.

Педагогик стил меҳнат фаолиятининг дастлабки кунларидан шакллана бошласа-да унинг мавжудлиги ва сифатлари ҳақида педагог ёки ишлаб чиқариш устаси педагогик маҳоратнинг маълум жаражасига етгандагинагапирилади, унинг стили тавсифланади. Меҳнат фаолияти шаклланишининг физиологик асослари динамик стереотип бўлганлиги учун ҳам ўз услубининг яратилишини тобора кечки, етуклик даврига боғлаб қўйиш ҳам ярамайди.

Барча педагог фаолиятида анчагина умумийлик бўлса-да ҳар биридан бир хил маҳорат танлаб килинади: тарбияланувчилар билан мулоқотга кириша олиш, ўқув материалларини етарли тушунтира олиш, билимларини назорат қилиб бориш ва бошқалар. Лекин шундай малака ва кўникмалар борки, у доимо фақат бир ўқитувчи - мураббийгагина хосдир. Масалан, қизиқарли мисол ёки ибораларни ўйлаб топиш ва қўллаш олиш, ўқувчиларни дарсни таҳлил қилишга жалб қила олиш ва бошқалар.

Фаолиятнинг индивидуал педагогик стили шаклланишида қуйидаги омиллар катта аҳамиятга эга:

- нерв тизимининг хоссалари, нерв жараёнларининг кучи ва ҳаракатчанлиги, шартли рефлекс шаклланишининг тезлиги;
- педагогнинг ўз фаолиятиди ҳар доим ҳал қилишига туғри келадиган педагогик вазифа, муаммо, вазиятларнинг хусусиятлари;
- мунтазам машқ қилиб бориш, шахсий ва қобилият ва индивидуал хусусиятларни пайдо қилишга ёрдам берадиган самарали тажрибалар;
- ижодий йўналишни шакллантирадиган тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш;
- маъмурият томонидан педагог стилини индивидуаллигини педагогик жамоада рағбатлантириббориш.

Мухандис педагог фаолиятининг индивидуал педагогик тизимининг шаклланиши изланувчи фаолият сифатида боради. Бунда педагог ўз қобилият ва имкониятларини намоён қилади.

Агар педагог ижодий изланувчи бўлмаса, бу ўзини хис қилишига, ўқувчилар билан бўладиган муомиласига ёмон таъсир қилади.

Педагог фаолиятининг стили индивидуал педагогик тизим ярата олиш учун асос бўлиб ҳизмат қилади.

16.3. Индивидуал педагогик тизимни лойиҳалаш.

Индивидуал педагогик тизим - бу педагог ва ўқувчи фаолиятининг бутун бир мажмуи бўлиб улар шахсининг имкониятларидан тўла фойдаланишга асосланади, уни бошқа шароитларда ва бошқа педагоглар томонидан самарали фойдаланиши мумкин.

Педагог ҳар доим ўз касбий фаолияти учун бирор етишмовчилигини ҳис этади. Кўпгина ўқитувчилар ўз ҳамкасблари тажрибасини синаб, кўришдан, у ёки бу педагогик технологиясини қўллаб кўришдан иш бошлайдилар. Лейкин бу иш ҳар доим ҳам қўл келавермайди, яъни ҳар қандай ёт тажриба педагогнинг шахсий

сифатлари, имкониятлари билан ортиб, ўзгариб бориши мумкин. Шунга қарамай, новатор - педагогларнинг тажрибалари амалий педагогиканинг бир хил шароитларда индивидуал педагогик тизимда яратилган бўлса ҳам индивидуал педагогик тизим яратилишида муҳимдир.

«Новация» ва «Инновация» тушунчаларни фарқлаш керак - луғатга кўра, новация - қисман ўзгартириш, ҳозиргача бор бўлган бирор нарсани ўзгартиришдир; бир хусусият, хосса, алоқанинг бирор бир қисмини ўзгартириш, олмоштириш билан боғлиқ тушунча. Инновация - бу принципал янгиланиш (иной) бутунлай бошқа деган сўз билан боғлиқ маъноларини билдиради. Шулардан «новатор» тушунчаси ҳам пайдо бўлган. «Новатор» мавжуд тизимга, жараёнга, воқеаларга қандайдир янгилик, илғорликни киритадиган одамдир. К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой, С.Т.Шатский, В.А.Сухомлинский, С.А.Амонашвили новатор педагог ҳисобланадилар. Барча новатор педагогларни ягона педагогик принциплар қуйидагилардан таркиб топади: гуманизм, ривожланиш педагогикаси, узлуксиз таълим, маданиятга ҳослик, баъдий баркамоллик, қизиқишлар ортиб бориши ва ҳоказо. Худди шунинг учун ҳам педагогик принциплар тарбия ва таълимдаги индивидуал педагогик тизим яратувчи асосий омил ҳисобланади.

Новатор педагог ўз педагогик тизимлари марказига ўқувчи шахси ва унинг ривожланиши қўйиб, шу вақтгача кенг тарқалган педагогизмни (четдан таъсир этиб ўзгартиришни) инкор қилдилар.

Педагогик жараённинг бош принципи - истиқлолнинг очилиши бўлиб, «ҳеч қандай қушимча талаблар қўйилмаган бенуксон бажарилган ишга фақат «беш» баҳо- қўйилиши кераклигини талаб қилади Шаталов.

Бошқа принциплари: материални кўп марта такрорлаш керак, илдамлаб боровчи назарий тайёргарлик таълимнинг юксак суръати ва вақтини тежаш. (Қаранг: Шаталов В.Ф. Учит всех, учит каждого. ж. «профтех обр.» №7 7-10 б.)

Шаталов ўқув материални кескин ўзгартирди. У ўқув материалнинг йирик блокларини ишлаб чиқди, кўп марта такрорланадиган блоklar ҳам «зичлашади», ҳам сийраклашади». Ўқув материали схемада, конспектларда расмийлаштирилади.

Шаталов В.Ф. қўллайдиган методлар ҳам ҳилма-ҳил: тушунтириш таянч конспектлари (сигналлари), овозли қилиш, символлар, дарслик билан ишлаш. Таянч сигналларини ёзма қайта тиклаш, ўзаро назорат қилиш варақлари, билимларни ҳисобга олиш варақлари ва бошқалар.

Таълим мазмунини ва бунинг методларини ягона педагогик жараёнга бирлаштиришни новатор педагог Шаталов ўқувчиларнинг билиш фаолиятини босқичма босқич ташкил қилиш билан амалга оширади. Бу ҳақда унинг учун ўзи шундай деб ёзади.

Биринчи босқич: - дарс учун ажратиб олинган параграфларнинг ўқитувчи томонидан кенгайтирилган ҳолда, образли, эмоционал тушунтириб берилиши;

Иккинчи босқич: - ўқув материални таянч палкатлар билан қисқача баён қилиш, асосий тушунча ва асосий мантиқий боғланган алоқаларни ҳилма-ҳил символлар ёрдамида овозли қилиш, кодлаштирилган мазмунни изохлаб айтиб бериш (расшировка қилиш).

Учинчи босқич - ҳар бир ўқувчи олдида ва уларни альбомларига ёпиштириб борадиган таянч сигналларни ўрганиш.

Тўртинчи босқич - дарслик ва таянч сигналлар варақлари билан уй шароитларида ишлаш.

Бешинчи босқич - келгуси дарс таянч сигналларини ёзма қайта тиклаш.

Олитинчи босқич - таянч сигналларга жавоблар (ёзма ва оғзаки) секин, тинч, имо ишора билан, магнитофон билан ўзаро назорат қилиш варақлари билан ва хоказо.

Еттинчи босқич - аввал ўрганилган материаллар ва такрорлаш ва чуқурлаштириш.

Ҳар бир новатор педагог томонидан оригинал лойиҳаланган педагогик жараёнлар яхши натижалар беради бу ўқув материални пкхта ўзлаштиришда, касбий йўналишни қатъий танлаб олишда, билим олишда берилиб кетишида кўринади.

Мустақил таълимга оид топшириқлар.

1. Белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангазни текширинг.
2. Тахлилий фикрлашни қўлланг.

17 - маъруза. Мухандис - педагог шахсининг педагогик қобилиятлари

17.1. Касб-хунар коллежи педагоги шахсининг фаоллиги.

17.2. Педагогик қобилият ва унинг турлари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзунини тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Мухандис - педагог шахсига таъриф беради;
- Мухандис - педагогнинг педагогик қобилиятларини санайди;
- Қобилиятларни бир - биридан фарқлайди;
- Гуруҳда олиб бориладиган тарбиявий ташкилий ишларни моҳиятини тушунтиради;
- Педагогик такт моҳиятини тушунтиради.

Таянч суз ва иборалар:

Педагог шахси. Педагогик фаолият. Педагогик қобилият. Гуруҳ ва жамоада шахслараро муносабатлар. Тарбиявий иш ва унинг психологик моҳияти.

17.1. Касб-хунар коллежи педагоги шахсининг фаоллиги.

Мухандис - педагогнинг тарбиячи сифатидаги фаолияти, унинг бошқа соҳа билимларидан хабардор булиши, уз фанига доир фундаментал билим-га эга булиши ҳамда мактаб ўқувчисининг шаклланиб келаётган шахси психологияси, унинг қобилиятлари тугрисида чуқур билимга эга булиши, кишилиқ оламида содир бўлаётган социал воқеа-ҳодиса-ларни тугри идрок эта билиши ва уларга тугри баҳо

бера билиши, синф жамоасини яхлит ва ҳар бир укувчини пухта ургана билиши, уларнинг ҳулк-атвори ва социал фаолиятини олдиндан айтиб бера олиш маҳорат гоят катта аҳамиятга эгадир.

Мухандис - педагог касб маҳоратининг ортиб боришида Мухандис - педагогга нисбатан мактаб маъмурияти, ҳамкасблари, укувчилар, ота-оналардан кутиладиган социал муносабатлар жуда муҳимдир. Мухандис - педагогнинг обриси унинг дарсдаги фаоллиги, мактаб жамоасида олиб борадиган ишлари, ота-оналар билан мулоқоти - ҳуллас, уз ахлокий идеалига мувофиқ хатти-ҳаракатлари билан белгиланади. Уз укувчиларида буюрилган иш учун юксак даражадаги социал маъсулиятни ҳис қилиш одатини, олийжанобликни тарбиялаши, унинг интеллектуал камолотига эришиб, маънавий жихатдан мусаффо киши бўлиб тарбияланишига эришмоғи керак.

Мухандис - педагог фаолиятида, унинг укувчилар турли ёш босқичларида улар билан қандай услубда иш олиб бориши катта роль уйнайди. Психологик-педагогик адабиётларда укувчиларга раҳбарлик қилишда тез-тез учраб турадиган қуйидаги беш хил иш услуби алоҳида ажратиб қурсатилади: 1) Автократ (узини устун қуйиш, “баланддимог”), 2) Авторитар (маъмурий бўйруқбоз), 3) Демократик (жамоага суяниб иш олиб боровчи), 4) Либерал - лоқайд (амалда раҳбарликдан четда, уз вазифасини номигагина бажаради), 5) Ноизчил (укувчилар билан буладиган узаро муносабатларда вазиятга қараб иш тутайди, “унинг қим тарафдори эканини билиб бўлмайди!”), Реал ҳаётда Мухандис - педагог фаолиятида унинг раҳбарлик усули ҳар турли субъектив ва объектив омилларнинг таъсири остида шаклланиб боради. Бундай омиллар - педагогик фаолиятнинг бир субъекти сифатида Мухандис - педагогнинг юксак даражадаги педагогик маданияти қарор топиши учун зарур шартлардандир.

Мухандис - педагог билан укувчи уртасидаги турли хил вазиятлардаги узаро муносабатларни таҳлил қилиш натижасида болалар жамоасидаги психологик муҳит ва коммуникатив маданият Мухандис - педагогнинг укувчилар билан қиладиган муомала стили (тарзи) ва унинг педагогик такти (назоқати) га қўп жихатдан боғлиқ бўлади, деган ҳулосага қилиш мумкин.

Ҳуллас, педагоглик касбини танлаган киши аввало соғлом бўлиши, яъни ташқи қуринишида бирдан қўзғатиланадиган нуқсонли йўқ (буқри, оқсоқ, қилай бўлмаслиги), сузларни тугри ва яхши талаффуз қила олиши, асаблари жойида, вазмин бўлиши қарор. Шунингдек юқорида санаб қўйилган сифатларга эга бўлиши зарур.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида қавоб бера оладиган, болаларга таълим тарбия беришга маҳсус тайёрланган одамларнинг меҳнат фаолиятидир. Мухандис - педагоглик ихтисосининг бу хусусиятлари унинг профессиограммасида ифодаланади.

Профессиограмма қуйидагиларни уз ичига олади: 1) Мухандис - педагог шахсининг хусусиятлари; 2) Мухандис - педагогнинг рухий-педагогик тайёргарлигига қўйилган талаблар; 3) Маҳсус тайёргарлик ҳажми ва мазмуни; 4) Ихтисосга оид усулий тайёргарликнинг мазмуни.

Мухандис - педагог шахсининг хусусиятлари қаввий соҳада: илмий дунёқараш ва эътиқод, ижтимоий эҳтиёж ва ахлокий заруратни қўқур тушуниш, ижтимоий ва

фукаролик бурчни англаш, ижтимоий-сиёсий фаоллик. Педагоглик касби соҳасида: болаларни севиш ва улар билан ишлашга қизиқиш, педагоглик ишини севиш, рухий-педагогик зийраклик ва кузатувчанлик, педагогик назокат, педагогик тасаввур, ташкилотчилик, ҳаққонийлик, дилкашлик, талабчанлик, катъийлик ва мақсадга интилиш, вазминлик, узини тута билиш. Кенг илмий савия, маънавий эҳтиёж ва қизиқиш, интеллектуал қизиқиш, янгиликни ҳис қила олиш, уз маълумотини оширишга интилиш ва хоказо.

Юқоридаги шахс сифатларига эга бўлиш билан бир каторда муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир Мухандис - педагог педагогик маҳорат ва педагогик қобилиятга ҳам эга бўлиши шарт. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамроҳи бўлиши керак. Педагогик ишга қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин.

Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва удабуронлик машқ, уқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун эса яна истеъдод, лаёқат ва зехн, яъни инсон нерв тизимида анатомо-физиологик хусусият бўлиши ҳам зарур. Ана шу табиий заминда қобилият деб аталадиган рухий хусусият тараккий этади. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши учун Мухандис - педагогда қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлмоғи ва тарбиялаб етиштирилмоғи лозим. (Бўлар алоҳида педагогик қобилият деб ҳам айтилади).

17.2. Педагогик қобилият ва унинг турлари.

1. Академик қобилият ёки билиш қобилияти. Бундай қобилиятга эга бўлган Мухандис - педагог фанни укув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқур билади, уз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради, материални ипидан игнасиғача билади, унга қизикади, оддий тадқиқотлар олиб боради.

2. Дидактик қобилият - тушунтира олиш қобилияти - укув материални укувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, укувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиш қобилиятидир. Укувчиларнинг ёш ва рухий хусусиятларини ҳисобга олиш, укувчиларнинг билими ва дастур талаби уртасида тафовут доимо диққат-марказида туради ва уни бартараф этиш чоралари қуриб борилади. Баъзи Мухандис - педагогларга укув материали оддий, тушунарли ва қандайдир алоҳида изоҳни талаб этмайдигандек туюлади. Бундай Мухандис - педагоглар укувчиларни эмас балки узларини назарда тутадилар. Қобилиятли, тажрибали Мухандис - педагог узини укувчининг урнига қўя олади, у катталарга аниқ ва тушунарли нарсаларнинг укувчиларга тушунилиши қийин ва мавҳум бир нарса бўлиши мумкинлигига асосланиб иш тутеди.

Қобилиятли Мухандис - педагог дарс материални баён этиш жараёнида укувчиларнинг қандай узлаштираётганликларидан катор белгилар асосида пайқаб олади ва зарур ҳолларда баён қилиш усулини узгартиради. Шунингдек, қобилиятли Мухандис - педагог укувчиларнинг сабоқни узлаштириб олишлари учун замин тайёрлайди, чоралар қўради. У тегишли вазият юзага келмагунга қадар иш бошламайди.

3. Кузатувчанлик кобилияти - перцептив кобилият, укувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш кобилияти, Мухандис - педагог шахсини ва унинг рухий ҳолатларини яхши тушуна билиш боглик психологик кузатувчанликдир. (Бундай Мухандис - педагог ҳақида болалар: «қарамаётганган ўхшайди-ю, ҳамма нарсани кўради!», «Укувчининг ҳафа булганини ёки дарс тайёрламаганини кузидан билади», «Бу Мухандис - педагогни ҳеч алдаб булмайди!» ва ҳоказо фикрлар билдирадилар).

4. Нутк кобилияти - нутк ёрдамида, шунингдек, имо-ишора воситасида уз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш кобилияти. Бу Мухандис - педагоглик касби учун жуда муҳимдир. Мухандис - педагогнинг баёни укувчилар фикри ва диққатини максимал даражада фаоллаштиришга қаратилади («Мана бу ерга алоҳида эътибор беринг!», «Ўйлаб қуринг!», «Сиз нима десиз?» вах.) Шунингдек, Уринли кочирик, ҳазил, енгилгина истехзо нуткни жонлантириб юборади ва уни укувчилар тез ушлаштирадилар. Мухандис - педагог нутки равшон, бегубор, бегараз бўлиши керак. Ҳаддан ташқари паст сузланган нутк ланжлик ва зериклишга, ҳаддан ташқари кескин ва бакирок нутк укувчининг асабийлашуви ва чарчашига сабаб бўлади.

5. Ташкилотчилик кобилияти - биринчидан, укучилар жамоасини уюштириш, жиҳтлаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришни, иккинчидан, уз ишини тугри уюштиришни назарда тутди.

6. Авторитар ёки сузини утказа олиш кобилияти - укувчиларга бевосита эмоционал - иродавий таъсир қурсатиш ва шу асосда обрӯ қозона олишдир. Мухандис - педагогнинг билими, тадбиркорлиги, ҳушёрлиги, нутки ва имо-ишора, пичинг ва ҳоказоларни уз урнида фойдалана олиши («Мен» бу ёққа кел! Деган сузни 20 хил оҳангда айта олганимдан кейин яхши Мухандис - педагог бўлдим - деб ҳисоблаганман, деган эди А. Макаренко).

7. Тугри муомала қила олиш кобилияти - болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи-назардан жуда самарали муносабатлар урната билиш, педагогик назоратнинг мавжудлигини билдиради.

8. Прогнозлаш ёки келажакни кўра билиш кобилияти-уз ҳаракат-ларини ва укувчи ҳаракатининг оқибатини кўра билиш, укувчининг қелғусида қандай одам бўлишини тасаввур қила олишида, тарбияла-нувчида қандай фазилатларни тараккий эттириш лозимлигини олдиндан айтиб бера олишда ифодаланади. Бу кобилият педагогик оптимизмга, тарбиянинг қудратига боглик.

9. Диққатни тақсимлай олиш кобилияти - Мухандис - педагог учун диққатнинг барча хусусиятлари - ҳажми, қучи, қучувчанлиги, идора қилина олиши, сафарбарлиги қабиларнинг тараккий этиши билан изоҳланади.

Диққатни айни бир вақтда тақсимлаш кобилияти Мухандис - педагоглик учун алоҳида аҳамият қасб этади. Бир вақтнинг узида дарс мазмунига, уни қандай тушунтиришга, қайси усул ва воситаларни қўллашга, укувчиларнинг уларини қандай тутаётганликларига, қандай ушлаштириб бораётганликларига эътибор бериб бориш қупинча ёш ва тажрибасиз Мухандис - педагогнинг қўлидан қелмайди. Шунинг учун гоҳ дарс мазмунига берилиб кетиб, вақт ва болалар четда қолади, гоҳ дарс қолиб бошқа иш билан уралашиб қолиш ҳоллари учраб туради.

М.С. Педагогик қобилият сифатларини санаб беринг.
--

Мустақил таълимга оид топшириқлар.

1. Мавзуни ўқиб чиқинг, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни белгиланг.
2. Мавзуга оид Кластер тузинг.

18 - Маъруза. Мухандис - педагог шахсига қўйиладиган педагогик талаблар.

18.1. Мухандис - педагог шахсига қўйиладиган талаблар.

18.2. Мухандис - педагогнинг касбий сифатлари.

Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари. Талаба бу мавзуни тўла ўзлаштиргандан сўнг:

- Мухандис - педагог шахсига қўйилган талабларни санайди;
- Мухандис - педагогнинг касбий сифатларини изоҳлайди;
- Мухандис - педагог шахсига қўйилган талабларни моҳиятини тушунтиради;
- Мухандис - педагогнинг касб - ҳунар коллежидаги тутган ўрни баҳолайди;
- Мавзуга оид Кластер тузади.

18.1. Мухандис - педагог шахсига қўйиладиган талаблар.

Шундай бир касб борки, жамият учун зарур булган бирор мутахассис унинг иштироки ва меҳнатисиз уз касбини мукаммал эгаллаб чиқа олмайди. Бу -Мухандис - педагоглик касбидир. Мухандис - педагоглик шарафли, лекин жуда мураккаб касбидир. Чунки ҳар қандай одам ҳам бу мураккаб касбни эгаллаб ололмайди. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тугрисида»ги қонунда ҳозирги замон Мухандис - педагог қайси сифатларга эга бўлиши кераклиги шундай санаб утилади:

- педагогик фаолиятга қобилиятли, ижодкор, ишбилармон;
- миллий маданият ва умум инсоний қадриятларни, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган, диний илмлардан ҳам хабардор, маънавий баркамол;
- Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараккий этишга ишонадиган, ватанпарварлик бурчини тугри англаган, эътиқодли фукоро;
- ихтисосга доир билимларни, психологик, педагогик билим ва маҳоратни, шунингдек назарий илмларни мукаммал эгаллаган;
- Мухандис - педагоглик касбини ва болаларни яхши одам бўлишига чин қўнгилдан ишонадиган, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида қамол топишига қўмақлашадиган;
- эркин ва ижодий фикрлай оладиган, талабчан, адолатли, одобли бўлмоғи даркор.

Бундан ташқари ҳозирги замон маданиятли кишиси эга бўлиши керак булган барча сифатларга, жумладан юксак маънавиятга эга бўлиш, фан-техника тараккиёти ва ундан қўндалик турмушда фойдаланиш йўллари билан қизиқиш, уз ҳатти-ҳаракатлари билан ҳар жихатдан оилада, маҳаллада, жамоатчилик уртасида ижобий намуна бўла олиш ва б.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида Мухандис - педагогларга қамхурлик қилишнинг жуда қўп қирралари мавжуд, булар «Ўқитувчилар қўни» умумхалқ байрами сифатида нишонланиши, турли фохрий унвонлар таъсис этилганлиги, маоши, турли имтиёзлари ва ҳ.

Ўзбек халқи қадимдан устозни эъзозлаб қелган халқ бўлиши билан шухрат қозongan. « Устоз отангдан азиз», « Уста қандай-шогирд шундай», « Устоз билимли- шогирд илмли « сингари халқ мақолларида ҳам уз ифодасини топган.

Техника тараккиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш шароитида одамларнинг умум таълим ва касбий тайёргарлигига ҳарбир кишининг меҳнатга энг биринчи ижтимоий бурч сифатида онгли, ижодий муносабатни шакллантиришга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳам ошиб бормоқда. Ҳозир мамлакатимизда амалга оширилаётган умум таълим ва ҳунар таълимини ислох қилиш тадбирлари, таълим тугрисидаги қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастур ва бошқалар мана шу талабларга жавоб беради. Мактаб ислохотини амалга оширишда Мухандис - педагог ҳал қилувчи рол уйнайди.

Шуни айтиш керакки, миллий дастурда қўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш суръатлари қўпжихатдан умум таълим ва касб-ҳунар мактаби Мухандис - педагогсининг фаоллигига, унинг назарий ва амалий тайёрлиги сифатида ва даражасига боғлиқ. Ҳозирги замон ижтимоий воқелиги қомонавий ишлаб чиқаришнингилмий йўналишларининг асосларини, уни интенсивлаштиришнинг

етакчи йўналишларини урганишни янадапухтарок йулга қуйишни талаб этади. Укувчиларнинг компьютер саводхонлигини таъминлашэса, айникса зарурдир. Умуман таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан қушиб олиб бориш принципини янада туларок руёбга чиқаришга, таълим бериш самарадорлигини оширишга, ёшларни мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашни тубдан яхшилашга, замонамизнинг онгли курувчиларини тарбиялашга янада катъийроктарзда эришмоқ керак.

Таълим тугрисидаги Конунда укув жараёнининг асоси ҳисобланган дарсбилан бир каторда умум таълим мактабининг юқори синфларида, академик лицейва коллежларда маърузалар уқиш, семинар ва фақўльтатив машгулотлари утказиш, суҳбатлар, практикумлар, консультациялар уюштириш, токи умум таълим мактаби, коллеж ва олий укув юрти иш мазмуни ва шакли уртасида узлуксизликни таъминлаш зарурлиги таъкидлаб утилди. Бу талаблар фан Мухандис - педагогларида хар бир укувчининг узига хос хусусиятлари тугрисида маълумотга ва чуқур билимга эга булишни: педагогик муам-моларни прогноз қилиш ва ҳал этишнинг методик жиҳатдан асосланган йулларини қидириб топиш, укувчи шахсига педагогик таъсир курсатишнинг стратегик маҳоратини танлай билишни тақозо қилади. Бирок, Мухандис - педагогнинг функцияси у дарс пайтида курсатган фаолият билангина чекланиб қолмайди. Мухандис - педагог укувчилар билан дарсдан ташқари вақтларда бажариладиган синфдан ташқари ишларни ташкил этади, синф, гуруҳ раҳбари вазифасини бажара бориб, болаларнинг ота-оналари билан иш олиб боради. Бундай шароитларда укувчиларнинг укув ва уқишдан ташқари фаолиятини ягона таълим тарбия жараёни сифатида режалаштириш ва ташкил қилишга нисбатан комплекс ва изчил ёндошишнинг Мухандис - педагог фаолиятидаги роли ортиб боради. Бундай фаолият укувчиларни билимлар билан қуроллантиришга ҳамда билиш, мулоқот ва меҳнатнинг онгли субъектлари сифатида улар шахсини шакллантириб боришга қаратилмоғи керак.

Мухандис - педагог меҳнатини педагогик-психологик тадқиқ этиш шуни исбот этганки, укувчиларнинг укув фаолияти самарадорлигига гоят катта таъсир курсатади. Мухандис - педагогнинг илмий жиҳатдан билимдон-лиги, унинг шахсига хос ижобий фазилатлар укувчиларга тарбия беришнинг, уларда онгли фаолликни ҳамда мустақил ижодий билишга бўлган интилиш фаоллигини шакллантиришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Мухандис - педагогнинг дунёқараши - ундаги педагогик маданиятнинг ҳамда тарбиячи сифатидаги маҳоратнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Бугунги кунда узини педагогик касбига бағишлаган талаба ёшлар шуни яхши билишлари керакки, ҳозирги замоннинг ёшларда илмий дунёқарашни шакллантириш, ҳозирги замоннинг гоят долзарб ва кескин муаммолари юзасидан баҳс-мунозаралар утказа олиш, одамларни ишонтира олиш, мустақил тугри ҳулоса ва умумлашмалар чиқара олиш маҳоратини эгаллаб олишлари гоят муҳим аҳамиятга эгадир.

18.2. Мухандис - педагогнинг касбий сифатлари.

Эътиқод, одоб, фуқаролик бурчини англаш-Мухандис - педагогнинг асосий сифатларидандир. Мактаб Мухандис - педагогси узи тарғиб қилаётган идеалнинг

фазилатларини уз шахсий намунасида ҳам курсатиш керак. Бу сифатлар Мухандис - педагогнинг касбий сифатлари деб айтилади. Мухандис - педагоглик касбий сифатлари ёки фазилатлари қуйидагилардир:

- Болаларга меҳр-муҳаббатли ва кечиримли бўлиш, талабчан-лик ва каттиққўллик, адолат мужассамлашуви;

- Ижтимоий фаоллик ва фукаролик бурчини англаш Мухандис - педагог шахсига хос сифат, зеро ҳақиқий педагог тула маънодаги жамоатчи бўлиб, болаларга ҳаётда ижтимоий фаол ҳолатда туришнинг амалий намунасини курсатади.

- Одамлар билан тез эл бўлиб кета олиш, купчиликка аралаша билиш, улфатижонлик, дилкашлик, одамлар билан алоқа қилишга, улар билан ишлашга тугри келганда айниқса асқотади.

- Хар қандай вазиятда эркин фикрлай олиш, ижодкорлик. Муносабат-да адолатли бўлиш унинг обриси ошиб боришига имкон беради. Уки-тувчининг одоби, маданияти юксак бўлсагина, одамларга нисбатан меҳрибон, саховатли бўла олади, уни ҳамма ҳурмат қилади. Бунинг учун очикқунгил, катъий бўлиши, узини тута билиши, бардошли бўлиши керак.

Мухандис - педагог педагогик этиканинг меъёрларини узлаштириб олиши, тажрибада қўллаши, узининг дунёкараши ва ахлокий тажрибаси билан таққослаши лозим.

Мухандис - педагог хар қандай вазиятда узининг шахсий намунаси билан таъсир утказа олиши, муносабат урната олиши керак. Педагогик такт Мухандис - педагог ахлокининг амалий қурилишларидан биридир. Педагогик такт ёки педагогик назокат Мухандис - педагог фаолиятининг ҳамма соҳаларида зарур.

Мухандис - педагог деярли хар куни укувчилар билан учрашади, савол-жавоб қилади, уларнинг яхши ишларини маъқўллайди, билимларини баҳолайди, ножуя хатти-ҳаракатлари учун танбех беради, аммо хар доим ҳолис бўлиши, синфда «яхши кўрадиган» ва «ёмон кўрадиган» укувчиси бўлмаслиги керак.

Педагогик фаолият уз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Педагогик ижодкорлик манбаи-бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба-муаммоли вазиятларга жуда бойдир. Илгор педагогик тажриба деганда биз Мухандис - педагогнинг уз педагогик вазифасига ижодий ёндо-шишини, укувчиларнинг таълим тарбиясида янги, самарали йул ва воситаларни қидириб топишни тушунамиз. Илгор педагогик тажриба Мухандис - педагог томонидан қўлланиладиган иш шакли ва усуллари, услуб ва воситаларидир. Улар воситасида укув-тарбиявий ишларда энг юқори натижаларга эришилади.

Мухандис - педагогнинг санаб утилган бу фазилатлари укув юрти, укув-чилар ёш ва билим хусусиятларига қараб бир-биридан фаркланиши мумкин.

МС: Мухандис-педагог узига хос яна қайси сифатларга эга бўлиши мумкин?

Мустақил таълимга оид топшириқлар

1. Маъруза матнини ўқиб чинг, белгиланган ўқув мақсадларига эришганлик даражангизни текширинг.
2. Мавзуга оид Кластер тузинг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И. А. Каримов «Баркамол авлод орзуси» Т. 1999 й.
2. И.А.Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиёти-нинг пойдевори» Т.1997 й.
3. И.Й.Турсунов, У.Н.Нишоналиев «Педагогика курси» Т. Укитувчи. 1997 й.
4. Б.С.Безрукова «Педагогика» Екатеринбург.1994й.
5. А.Зуннунов.Педагогика тарихи Тошкент.1997й.
6. К.Хошимов,Сафо Очил. «Ўзбек педагогикаси анталогияси» Т.Укитувчи.1995й.
7. А.К.Мунавваров. Педагогика Т.Укитувчи.1996й
8. Сафо Очил. «Мустақил маънавияти ва тарбия асослари» Т.1995 й
9. К.Хошимов,С.Нишонова. «Педагогика тарихи» Т.1996й.
- 10.Ж.Г.Йулдашев «Ўзбекистон Республикаси таълим тараккиёти йулида» Т.Укитувчи. 1994й.
- 11.И.А.Каримов. «Ўзбекистон миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура» Тошкент.Ўзбекистон 1993 й.
- 12.А.К.Мунавваров. «Оила педагогикаси» Т.Укитувчи,1994й.
- 13.И.Турсунов. «Халк педагогикасининг долзарб муаммолари» Т.Укитувчи.1990й.
- 14.Ахлок одобга оид хадислар. Тошкент,1990й.

Сўз боши

- 1-маъруза.** Педагогиканинг предмети, мақсади ва вазифалари
- 2-маъруза.** Педагогикада асосий тушунчалар
- 3-маъруза.** Педагогик тадқиқот функциялари ва методлари
- 4-маъруза.** Ислом дини ғояларининг таълим-тарбияга таъсири
- 5-маъруза.** XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида таълим-тарбия ва педагогик фикрлар
- 6-маъруза.** Мустақил Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт, таълим-тарбия, педагогик фикрлар
- 7-маъруза.** Дидактика фани ва унинг вазифалари
- 8-маъруза.** Таълимнинг мазмуни
- 9-маъруза.** Таълим қонуниятлари ва қоидалари
- 10-маъруза.** Таълим усуллари
- 11-маъруза.** Таълимни ташкил этиш шакллари
- 12-маъруза.** Тарбия жараёнининг моҳияти
- 13-маъруза.** Тарбиянинг умумий усуллари
- 14-маъруза.** Талаба шахсини тарбиялаш ва ривожлантиришнинг асосий таркибий қисмлари
- 15-маъруза.** Педагогик жараёни лойихалаш
- 16-маъруза.** Муҳандис-педагог фаолиятини лойихалаш
- 17-маъруза.** Муҳандис - педагог шахсининг педагогик қобилиятлари
- 18-маъруза.** Муҳандис - педагог шахсига қўйиладиган педагогик талаблар

